

Нормурод Холмуродов

ЎЗБЕКИСТОН
ФЕРМЕРИНИНГ
МУЛ ВА СИФАТЛИ
ПАХТА ҲОСИЛИ
ЕТИШТИРИШГА ОИД
ҚЎЛЛАНМАСИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
«ЎЗПАХТАСАНОАТ» УЮШМАСИ

НОРМУРОД ХОЛМУРОДОВ

**ЎЗБЕКИСТОН
ФЕРМЕРИНИНГ МЎЛ
ВА СИФАТЛИ ПАХТА
ҲОСИЛИ ЕТИШТИРИШГА
ОИД ҚЎЛЛАНМАСИ**

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ—2009



633.51
X-72

Тақризчилар:

Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси,
Денов туманидаги «Лочин» фермер хўжалиги раҳбари
А. Нарзуллаев;

Термиз Давлат университети профессори,
биология фанлари доктори **Ш. Хуррамов;**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлигининг пахтачилик ва техника экинларини
ривожлантириш бошқармаси бошлиғи,
агротехнология масалалари бўйича мажмуа раҳбарининг
уринбосари, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди **Э. Норқулов;**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик экинлари бирламчи
уруғчилиги ва уруғшунослик станцияси
директори, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди
Ш. Қузибоев;

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи,
иқтисод фанлари номзоди **К. Бобоқулов;**

Республика «Пахта тозалаш» илмий ишлаб чиқариш
бирлашмасининг бошқаруви раиси,
техника фанлари номзоди **Р.Ф. Юнусов.**

X-72

Холмуродов, Нормурод


Ўзбекистон фермерининг мўл ва сифатли пахта ҳо-
сили етиштиришга оид қўлланмаси / Н. Холмуродов;
ЎзР «ЎЗПАХТАСАНОАТ» уюшмаси. — Т.: «Sharq»,
2009. — 144 б.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлашти-
риш, мавжуд ерлардан оқилона фойдаланиш, пахта ва бошқа қиш-
лоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришни кўзлаб, респуб-
ликада фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёйиб, ўз натижаларини бера-
ётгани барчамизга аён. Қишлоқ хўжалик экинлари орасида пахта
республикамикан шон-шухрати ва халқимизнинг катта даромад ман-
баи бўлиб, уни турли хил касб эгалари бўлган фермерлар ўзлари
эгаллик қилаётган ерларда етиштирмоқдалар. Ушбу қўлланма фермер-
ларнинг мўл пахта ҳосили етиштириш учун агротехник қоидаларни
кенгроқ қўллашда фойдаланишлари мақсадида яратилди. Қўлланма
фермерларнинг ўз хўжалигида иш юритишида ён дафтар вазифаси-
ни бажариши ҳам назарда тутилган.

Қўлланмадан фермер хўжалиги раҳбарларидан ташқари пахтачи-
лик соҳасида хизмат қилаётган мутахассислар ҳам ўз билимларини
кенгайтиришда фойдаланишлари мумкин.

ISBN 978-9943-00-230-2

ББК 42.16(5Ў)



© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2008, 2009.

Хурматли фермер хўжалиги раҳбарлари!

Республикамиз Президенти И.А.Каримов қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий вакиллари ҳисобланган фермерларнинг ерга эгалик қилиши билан шу соҳанинг янада ривожланишига катта эътибор қаратди. Уларнинг республика равнақига мўл ҳосил етиштириб, қўшаётган катта ҳиссаларини юксак баҳолаб келаётгани, албатта барчамизни қувонтиради.

Президентимиз «...фермер дегани бу, аввало, универсал қобилиятга эга бўлган инсон. Халқимиз ибораси билан айтганда, бугун фермерга қирқ ҳунар ҳам оз. У бир вақтнинг ўзида ҳам агроном, ҳам чорвадор, керак бўлса механизаторлик ва механиклик ҳам қилади, табелчи ва иқтисодчи, банкир ва бухгалтер, таъминотчи вазифаларини бажаради. Шу билан бирга ўз маҳсулотларини сотиш масалалари билан шуғулланиши лозим», деб таъкидлаганлар.

Демак, фермерларнинг юқори ҳосил етиштиришга оид илмий тушунча ва билимларга етарли даражада эга бўлишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Шу сабабли республикада фаолият юритаётган минглаб фермер хўжаликлари раҳбарлари турли хил касб эгалари бўлганликлари туфайли қишлоқ хўжалик экинлари, айниқса улар орасида асосий экин ҳисобланган пахтадан яна ҳам мўл ҳосил олиш сирларини фермерлар онгига етказишга амалий ёрдам бўлишини ҳисобга олиб, «Ўзпахтасаноат» уюшмасининг таклифи билан айни қўлланма республика миқёсида қатор йиллар пахтачиликни ривожлантиришга ўзининг ҳиссасини қўшиб келган, ҳозирда пахта саноати тизимида хизмат қилаётган, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган мутахассис-олим Н. Холмуродов томонидан тайёрланиши амалга оширилди.

Қўлланманинг аҳамияти шундаки, пахтадан мўл ҳосил етиштириш йўллари китоб қисмларида бирма-бир мукаммал равишда ёритилган, агротехника тадбирларини ўз вақтида сифатли ўтказиш, яъни кузги шудгорнинг аҳамияти, ерларни равон текислаш, шўр ювиш, уруғлик чигитларни касаллик ва зараркунандаларга қарши зарарсизлантириш, оби-тобида чигит экиш ва ундан тўлиқ ғўза кўчати олиш, ўсимликни меъёрида озиқлантириш ва суғориш, ҳашаротларга қарши курашиш, пишиб етилган кўсақларнинг тўлиқ очилишига қараб ҳосилни йиғиштириш ва терилган пахта хомашёсини қабул масканларига талаб даражасида сифатли ҳолда топширишни тўғри ташкил қилиш ҳар бир фермер хўжалиги раҳбарининг муҳим иши бўлмоғи рисолада батафсил таърифланган.

Кўпчиликка маълумки, пахтадан мўл ҳосил олишни кўзлаган фермер хўжалиги ўзига қарашли ҳар бир гектар ердан унумли фойдаланган ҳолда иш кўриши, илғорлар тажрибаси ва илмий кузатувлар натижаларига таяниши зарур бўлади. Муаллифнинг айна китобида шу илмий ишларга асосланган тавсиялари фермерларнинг иш юритишида қўл келишига ишончимиз комил. Бунинг учун фермер хўжалигининг раҳбари қўлланмада қайд этилган барча тавсия ва агротехника тадбирларини мукаммал ўрганишлари мақсадга мувофиқдир.

Бу китобда келтирилган агротехник тавсияларни ўқиб ўрганиш, фермерлардан ташқари қишлоқ хўжалигида иштирок этаётган мутахассис ходимлар ҳамда талабаларга ҳам ўзларининг билимларини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

«Пахтасаноат» корхоналарида ишловчи ҳар бир ходим хўжаликларда пахта етиштириш осонгина иш эмаслигини жуда яхши билади, унинг учун пахтакор йил ун икки ой хизмат қилади, қанча-қанча қийинчиликларга дуч келиб унга бардош бериб, ҳосил туплайди, демак деҳқоннинг иши енгил эмас. Албатта, шуларни назарда тутиб «Пахтасаноат» корхоналари фермер хўжаликларини сифатли уруғлик билан таъминлаш учун 31 та ихтисослаштирилган туксизлантириш, саралаш, дорилаш ва қадоклаш цехларида ғўза навларини жой-

лаштириш режалари асосида уруғлик чигитларни касаллик ва зараркундаларга қарши тегишли кимёвий препаратлар билан меъёрида дориламоқда. Чигит экиш ҳудудларида ташкил қилинган уруғлик чигит тарқатиш ва етказиб бериш шахобчаларида белгиланган тартибда экиш учун намлаб-димлаш ва транспорт воситаси бўлмаган фермер хўжаликларига тайёрланган чигитни экиш сеялкаси бошигача етказиб бериш билан экишни қисқа муддатларда тугаллаш тадбирларига ҳамда ғўзаларнинг ривожланиш даврида ҳосилга зиён келтирувчи ҳашаротларга қарши биологик усул билан курашиш учун биологический лабораторияларда биомахсулотларни кўпайтириш, у билан зараркундаларнинг олдини олиш ишларига ҳар томонлама яқиндан ёрдам кўрсатиб турибди. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалик ҳашаротлари шира, трипс, ўргимчаккана, қандалалар, оққанот кабилар ғўзанинг меъёрида ривожланишига катта зиён етказадиган ҳашаротларга қарши курашиш учун «Ушпахтасаноат» уюшмаси тизимидаги корхоналар ўзининг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, хўжаликларга амалий ёрдам сифатида республика вилоятларида 14 та замонавий биофабрикалар лойиҳалаштирилиб, 2008 йил ҳосили учун уларни ишга тушириш бўйича қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Бу биофабрикалар ишга тушиши билан фермер хўжаликларининг мўл пахта ҳосили етказишига амалий ёрдам бўлиб хизмат қилади деган умиддамиз.

Республикада ширкат хўжаликларининг тулик фермер хўжаликларига айлантирилиши ерга бўлган муносабатни тубдан ўзгартирди. Натижада белгиланган шартномавий режалар ошиғи билан бажарилмоқда. Қатор фермер хўжаликлари ҳар бир гектар майдондан 35—50 центнердан кам бўлмаган ҳосил кўтармоқдалар. Бу ютуқлардан пахта саноати корхоналари жамоаси ҳам қувонган ҳолда, фермерлар етиштирган ҳосилни қайта ишлаб, сифатли пахта толасини олишга эришмоқдалар.

Юртбошимиз И.А. Каримов ташаббуси билан мана уч йилдирки, Тошкентда Халқаро пахта ярмаркаси ўтказилмоқда. Халқаро пахта ярмаркасининг Ўзбекистонда ўтишининг сабаблари шундан иборатки, бирин-

чидан, республикамиз пахта ишлаб чиқаришда жаҳонда салмоқли ўринни эгаллаётгани бўлса, иккинчидан, пахтакорларимиз етиштираётган пахта хом ашёсидан олинаётган пахта толасининг сифат кўрсаткичлари жаҳон андозаси талабларига тўлиқ жавоб бериши билан бошқа хорижий мамлакатлар пахта толалари сифатидан устунлигини кўрсатаётганидадир.

Мамлакатимиз селекционер олимлари томонидан яратилган ва яратилаётган ғуза навлари орасида, жумладан, Бухоро-6, С-6524, Наманган-77, Бухоро-102 каби навлар пахта толаси хорижий истеъмолчиларнинг қизиқишини оширомоқда. Ҳатто ғузанинг Бухоро-6 нави пахта толасининг сифати бошқа навлар толасига нисбатан устунлиги туфайли эталон тола деб тан олинганлигидан уни яратган селекционерларимиз изланишларини жуда юқори баҳолаш мумкин.

Ярмарканинг ўтиш жараёнида республикамизда етиштирилаётган пахта хом ашёларидан олинаётган пахта толаларининг сифати юқорида қайд этилганидек, устунлиги учун хорижий мамлакатлар буюртмаларининг сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Бу эса, мамлакатимиз валюта жамғармасини бойитиши билан халқимиз фаровонлигининг янада юксалишига хизмат қилаверади.

*«Ўзпахтасаноат» уюшмаси
Бошқаруви раиси Ф. ОМОНОВ*

Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, айниқса пахта ҳозирги вақтда асосий валюта ресурси, республика учун ҳаётий муҳим бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, техника ва технология ускуналарини импорт буйича сотиб олишни таъминлаётган асосий манбадир.

Ислом Каримов

Муқаддима

Ўзбекистон Республикасида асосий қишлоқ хўжалик экини ҳисобланган пахтадан олинган турли хил маҳсулотлар халқ хўжалигининг барча соҳаларида фойдаланиши билан катта аҳамиятга эгадир. Пахта толаси тўқимачилик саноатининг асосий маҳсулотидир. Ундан юқори сифатли газлама батист, маркет, перкаль, парашют материаллари ва бошқа бир қанча маҳсулотлар тайёрланади. Бир килограмм пахта толасидан 8—12 метр сифатли чит ёки 15—20 метр батист, 40 дан 150 тагача галтак ипи олиш мумкин. Чигитидан халқ истеъмоли учун тозаланган ҳар хил мой, глицерин, ёғ кислоталари ишлаб чиқарилади. Унинг шелуха ва кунжаралари чорва моллари учун тўйимли озуқа ҳисобланади. Демак, шундан ҳам маълумки, пахтадан олинган маҳсулотлар халқимиз фаровонлигига катта хизмат қилиб келаётир.

Республикаимиз деҳқонлари меҳнати билан ишлаб чиқарилаётган 3,6 миллион тоннадан ошиқ пахта хом ашёси пахта тозалаш корхоналарида қайта ишланиб, унинг толаси тегишли истеъмолчиларга жўнатилиб, республикаимиз валюта жамғармасини тўлдирмоқда. Жаҳон бозори талабларига мос ғўза навлари купайтирилиб, улардан мўл ҳосил олишга эришилмоқда.

Кўпчиликка маълумки, жаҳонда 70 дан ошиқ мамлакат пахта етиштириш билан шуғулланади. Пахта ишлаб чиқариш буйича жаҳонда Хитой, Америка Қўшма Штатлари, Покистон ва Ҳиндистондан кейин, 5-ўринда республикаимиз туради. Шундан ҳам тушуниш мумкин-

ки, мамлакатимиз жаҳон давлатлари орасида салмоқли ўринга эга бўлиб, ҳар йили келишилган шартномаларга биноан сифатли пахта толасини истеъмолчиларга етказиб бермоқда.

Мана уч йилдирки Халқаро пахта толаси ярмаркаси Тошкент шаҳрида ўтмоқда. Унда Ўзбекистон пахта толаси жаҳоннинг қатор мамлакатларига ўзининг юқори сифати билан сотилмоқда.

Республикамызда пахта етиштиришни кўпайтириш ва унинг сифатини янада яхшилаш борасида қатор муҳим чора-тадбирлар белгиланмоқда. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги «Фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-3342-сонли Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги «2004—2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 476-сонли ҳамда 2004 йил 24 декабрдаги «2005—2006 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 607-сонли қарорларига мувофиқ истиқболда паст рентабелли ширкат хўжаликлари негизида фермер хўжаликларини ташкил қилиш белгиланиб, эндиликда ўша ширкат хўжаликлари ўрнида мингминглаб фермер хўжаликлари фаолият юрита бошлади.

Республикада фермерлик ҳаракати ривожланиши билан бу тармоқда турли соҳа вакиллари, яъни агроном, ўқитувчи, тиббиёт ходими, муҳандис, иқтисодчи, қурувчи, савдо ходими, чорвадор, кўплаб турли хил соҳа ходимлари ва ўрта маълумотга эга бўлган оддий деҳқонлар ҳам фермерликка раҳбарлик қилишмоқда. Лекин уларнинг орасида қишлоқ хўжалик экинлари, шу жумладан, пахтадан юқори ҳосил кўтариш сир-синоатлари тушунчасига тўлиқ эга бўлмаган кишилар ҳам талайгина. Шу сабабларни эътиборга олган ҳолда, фермерларимизнинг пахтадан мўл ҳосил олиш ва ғўза пайкалларининг эртаги бўлиб етилишида қатор агротехник тадбирларнинг ўз вақтида сифатли ўтказилишини таъминлаш билан уларнинг билимини оши-

риш мақсадида айни рисолани улар эътиборига ҳавола қилиш лозим деб топилди. Рисола охирида фермер хўжалигига тааллуқли мол-мулк, техника ва ажратилган ерлар ҳақида ҳамда йилма-йил бажарилган ишлар, иқтисодий кўрсаткичлар, харажат ва олинган фойдаларни инфодаловчи шакл-жадваллар фермер хўжалиги раҳбари ёзиб юриши учун берилди.

Тупроқ унумдорлиги ва унинг аҳамияти

Тупроқ жуда кўп хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган табиий жисм бўлиб, шулардан энг муҳими унумдорлик ҳосил етиштириш қобилиятидир. Тупроқ ризқ-рўзимиз хазинаси ҳисобланади. Умуман, тупроқ легенда ернинг устки унумдор қатлами тушунилади. Ер инсоният ва ҳайвонот дунёсининг ҳаёт кечирishi учун асосий манбадир.

Тупроқ унумдорлиги дейилганда ўсимликларнинг бутун ўсиш даври давомида талаб этадиган миқдорда сув ва озиқ моддалар билан узлуксиз таъминлаш орқали қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил етиштириш қобилияти тушунилади. Тупроқнинг асосий хусусиятларини сақлаган ҳолда ўсимликларнинг яхши ўсиши ва ривожланиши учун барча зарур шароитларни яратиб бориш деҳқончиликда энг муҳим тадбирлардан биридир.

Тупроқ унумдорлиги икки турга, яъни табиий ва сунъий унумдорликка бўлинади. Табиий унумдорлик инсон таъсирисиз (иштирокисиз) рўй беради. У асосан табиий экинзорларга хос бўлиб, одатда бундай унумдорлик даражаси тупроқнинг органик ва минерал таркибига кимёвий, биологик, биокимёвий хоссаларига боғлиқ ҳолда паст ёки юқори бўлади. Тупроқнинг сунъий унумдорлиги эса инсон фаолияти туфайли вужудга келади. Инсон тупроқни ишлаш, суғориш, ўғитлаш ва уруғ экиш натижасида табиий унумдорлик даражасини ўзгартиради ва унинг сунъий унумдорлигини вужудга келтиради. Демак, ўз-ўзидан маълумки, экинлардан мўл ҳосил олиш учун тупроққа минерал ва органик ўғитлар берилиши зарур.

Тупроқда асосий озуқа элементлари азот, фосфор, калий, углерод ва бир қанча микроэлементлар мавжуд бўлиб, улар ўсимликнинг ўзлаштира олиш даражасига етгандагина ҳар қандай ўсимлик яхши ўсади ва ривожланади. Чиринди (гумус) ҳолдаги органик моддалар тупроқ унумдорлигининг асосий қисми бўлиб, тупроқда чириндининг тўхтовсиз вужудга келиши ва унинг парчаланиши жараёнида ўсимлик ўзига зарур бўлган моддаларни — углерод ва бошқа озуқа элементларини олади. Чиринди тўпланиши билан тупроқ унумдорлиги ортади, чунки чиринди таркибида ўсимлик учун 98 фоизгача азот манбаи, 90 фоизгача олтингугурт, фосфорнинг маълум миқдори ва бошқа озуқа элементлари мавжуд. Чиринди тупроқ зарраларини жипслаштиради, тўйинтиради ва зарралар шаклида ёпиштириб тупроқ дондорлигини вужудга келтиради. Натижада бир вақтнинг ўзида тупроқда ҳаво ва сув кириши учун шароит яратилади ва тупроқ унумдорлиги ортади.

Тупроқ унумдорлиги — доимо ўзгариб турадиган хусусият. Ердан оқилона фойдаланилса унинг унумдорлиги ортис боради. Акс ҳолда ернинг унумдорлиги пасайиб, экинлар ҳосили камайиб кетади.

Деҳқонлар, албатта, айна сабабларни эътиборга олган ҳолда пахта ёки бошқа экинлардан мул ҳосил олиши учун олинадиган ҳосилнинг салмоғига қараб гектарига 15—20 тонна органик (гўнг), азот, фосфор ва калий ўғитларининг нисбатини 1:0,7:0,5 га тенг ҳолда ерга беришни таъминлашлари лозим бўлади. Айрим пайтларда минерал ўғитлар нисбати 1:0,3:0,1 га амалда тўғри келиб, олинган ҳосилнинг камайишига олиб келган ҳоллари ҳам учрамоқда. Бундай ҳолларда, масалан, пахта ҳосилининг камайиши билан олинган тола сифати ва чигитнинг тўлишиши ҳамда унинг ёғлик даражасининг пасайиши ўтказилган илмий текширувларда кузатилган. Бундай салбий ҳолатларни ҳар бир пахтакор пахта етиштиришда инобатга олиши шарт.

Тупроқнинг унумдорлиги олинган ҳосил билан ҳам ўлчанади. Бошқача айтганда, юқори ҳосил тупроқ унумдорлигининг асосий ва аниқ кўрсаткичи деса ҳам бўлади.

Тупроқ унумдорлигини ошириш, ернинг мелиоратив ҳолати ҳамда агрокимёвий, сув-физик, агрофизик ва микробиологик хусусиятларини яхшилашда қишлоқ хўжалик экинларини алмашлаб экиш муҳим аҳамиятга эга. Экинларни алмашлаб экиш тизимини жорий этишда тупроқ-иқлим шароити, сув таъминоти ва республикада қишлоқ хўжалик экинлари структураси ҳамда ундаги экинлар салмоғини инобатга олиш ўта зарурдир.

Тупроқ унумдорлигини ошириш учун галладан сўнг такрорий ва сидерат экинлар етиштиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Такрорий экин сифатида бир йиллик дуккакли дон ва дон экинлари, маккажўхори, ем-хашак ва сабзавот экинларини етиштириш тавсия этилади. Сидерат экинларини етиштириш ва улардан кўк ўғит сифатида фойдаланиш ҳам тупроқ унумдорлигини оширади. Демак, сидерат экинни кўклигида шудгорлаш лозим. Суғориладиган майдонларда тупроқ унумдорлиги йилдан-йилга камайиб бораётганлиги барчага маълум. Республикадаги шундай тупроқларнинг 50—60 фоиз майдони турли даражада шўрланган бўлиб, қолган 40—50 фоиз майдонда тупроқ унумдорлиги паст ҳолатда.

Тупроқ унумдорлигини ошириш ва сақлаш учун унумдорлиги жуда паст бўлган кучли шўрланган балл-бонитети 21—40 баллга тўғри келадиган майдонларда биринчи навбатда илмий асосланган алмашлаб экиш тизимини жорий қилиш, ушбу майдонларда алмашлаб экишни амалга оширишда экиладиган экинлар таркибида беда салмоғини камида 10—15 фоизгача етказиш, ўрта ва кучсиз шўрланган ерларда балл-бонитети 41—60 бўлганда беда салмоғини 10—12 фоизгача бўлишини таъминлаш, беда ва дон дуккакли экинларни массивлаб жойлаштириш билан тупроқ унумдорлигини оширишга эришиш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш ва ошириш учун ўрта ва кучли шўрланган майдонларда тегишли мелиоратив тадбирларни сифатли ўтказишни таъминлаш, ер ости сувларининг кўтарилиб кетишига йўл қўймаслик, мавжуд зовурларни ўз вақтида тозалаб туришни бажариш ҳам муҳимдир.

Ерни шудгорлаш

Қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш учун ерга ишлов бериш агротехник тадбирларнинг орасида энг муҳими кузги шудгор ҳисобланиб, бу орқали тупроқ унумдорлиги ортади ва натижада экинлардан муттасил ҳосил етиштирилишига эришилади. Шунинг учун ҳам бу тадбирга масъулият билан қараган ҳолда ер сифатли текисланиб, ўсимлик қолдиқларидан тозаланиб, кўнгилдагидек шудгор ўтказилиши лозим.

Кузги шудгор республикаимизнинг тупроқ шароити хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Эскидан суғорилиб келинаётган унумдорлиги юқорироқ бўлган, кам шўрланган майдонлар тупроғи икки ярусли плугларда 35—45 сантиметрдан кам бўлмаган чуқурликда олдида чимқирқари (предплужниги) бўлган ҳайдаш қуролида кузда шудгор қилиниши зарур. Ер ости суви ва гипс қатлами яқин бўлган тупроқларда 30—40 сантиметр чуқурликда чимқирқари бўлган плугларда шудгор қилиш яхши натижа беради.

Кузги шудгорлашнинг аҳамияти ҳақида қуйидагиларни баён қилиш мумкин. Кузги шудгорлаш, биринчидан, экин вегетацияси давомида зичланиб қотиб кетган ҳайдалма қатлам тупроғини яхши юмшатиб, унинг увоқланишини таъминлаши ва дондор ҳолга келтириши, шўрланган тупроқларда мавжуд бўлган зарарли тузларнинг ҳайдалгандан сўнг ювилиши яхшиланиши, иккинчидан, ёввойи ўт ёки уларнинг қолдиқлари, уруғлари, ҳашарот тухумлари (гумбаклари), касаллик тарқатувчи инфекцияларни плуг эгати тагига тушириб ва плуг ағдармаси кўтарган тупроқ билан кўмилиши эвазига улар ёруғлик ва ҳаводан маҳрум бўлган бу қолдиқ ва зараркунандалар чириб, ҳалок бўлади. Учинчидан, бу тадбир ёғин-сочинлар ҳисобига тупроқда намнинг яхши тўпланиши ва сақланишини таъминлайди.

Кузда шудгорланган майдонларда тупроқ чигит экиш пайтида дондор, майин, кўп ҳолларда табиий намига чигит униб чиқиши учун етарли ҳолатда бўлади, демак, ерни чигит экишга тайёрлаш осон бажарилиб, ортиқча харажатлар кам сарфланади. Кузги шудгорни

кечиктирмасдан (ноябрь ойи ичида) амалга ошириш энг муҳимдир. Чунки ҳайдашни баҳорга қолдириш ҳосилга катта салбий таъсир этиши илм-фанда исботланганини унутмаслик керак.

Ёғингарчилик кузда кам тушадиган пахта майдонларида ҳосили йиғиштириб тугалланишидан олдин кузги шудгорнинг сифатли ва майин бўлишини таъминлаш учун енгил суғоришни ташкил қилиш зарур. Кузда шудгор қилинган далаларда йирик кесак ва палахсалар қишда вақти-вақти билан музлаб ҳамда эриб туриши натижасида увоқланади ва эрта кўкламда тупроқ майда донатор ҳолга келади. Тупроқнинг бундай ҳолга келишига эришиш учун пахта ҳосили пишиб етилган ва йиғиштирилган далаларни ҳосилдан пешма-пеш тозалашни иложи борица октябрь ойи ичида амалга ошириб, кузги шудгорлашни сифатли ўтказиш учун далаларни ниҳоятда яхши тайёрлаб, ғўзая қолдиқларидан тозалаш, унга мўлжалланган миқдорда фосфорли (йиллик меъёрнинг 50—70 фоизи) ва маҳаллий (гўнг) ўғитларни махсус машиналарда бир текис ернинг балл-бонитетига қараб, кам балли далаларнинг ҳар гектарига камида 20—30 тоннадан гўнг солишни ташкил қилиш билан ҳайдашни амалга ошириш лозим.

Агарда далани бегона ўтлардан ажриқ ва ғумай босган тақдирда чизеллар ва тишли бороналар ёрдамида узунаси ва кўндалангига 16—18 сантиметр чуқурликда юмшатиб, бегона ўтларни керакли ишчи кучлари ёрдамида бирма-бир йиғиб, дала четига чиқариб ташлашни ташкил қилиш зарур. Шу тадбирлар амалга оширилгандан сўнг юқорида қайд этилган ўғитлар ерга сепилиб, тегишли ПЯ-3-35 ва талаб даражасида ҳайдовчи русумли плугларда сифатли равишда текис ва майин қилиб шудгорланиши керак.

Айрим ҳолларда биринчи плуг ўтган, яъни ҳайдалган қатор ораси кейинги плуг орасидаги ҳайдалган қаторлар бир-бирига қўшилмасдан ариқча ҳосил қилган ҳоллари учрайди, бундай ҳолатга асло йўл қўйиш мумкин эмас. Шудгорлаш сифатини доимий равишда текшириб бориш учун тегишли мутахассислар иштирокида назорат ўрнатиш талаб этилади.

Ерни ҳайдашда плугларнинг катта ағдаргич пичоқлари ва олди қисмига ўрнатилган кичик ағдаргич (предплужник)лар ернинг устки қисмидаги бегона ўтларнинг уруғлари тушган қатлам (12—15 см)ни кесиб, пастга ташлаб кетиши шарт, усиз шудгорлашга йўл қўйилмаслиги керак. Акс ҳолда бегона ўтлар уруғи эрта баҳорда баравж униб чиқиб, гўзанинг ривожланишига катта тўсқинлик қилади.

Республикамизнинг айрим туман хўжаликларида учрайдиган кумоқ ёки шағалли кам қувват ерлар шундай чуқурликда ҳайдалиши лозимки, кум, балки гипс шагал қатламлари ер юзасига чиқиб қолмаслиги керак.

Ўза пайкалларида бир текис кўчат олишга эришиш ва суғоришни сифатли амалга ошириш ерларни равон текислашга бирмунча боғлиқ. Шу туфайли шудгорланган далаларда ерни ҳайдаш даврида пайдо бўлган нотекисликларни тезда махсус техникалар ёрдамида кўнгилдагидек текислашни бажариш зарур. Текисланган майдонларда чигит бир текис кўкариши ва ўза ниҳолларининг суғориш пайтида сифатли намланишини таъминлайди, қатор орасига берилган минерал ўғитлардан ўсимлик тулиқ баҳраманд бўлади ва натижада эртаги бўлиб, ҳосил юқори бўлишига эришилади.

Кузги шудгордан кейин текисланган майдонларда, ёғингарчилик кам тушадиган қуруқ минтақаларда шудгорга тўйинтирувчи сув олиш учун пушта олинади. Тупроғи шўрланган Бухоро, Хоразм, Сирдарё, Жиззах, Фарғона, қисман Навоий вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг деҳқончилик қиладиган ерларида шўр ювишга тайёргарлик кўрилади.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унинг шўрини ювиш ва тупроқда нам тўплаш

Деҳқонларимизга маълумки, тупроқда мавжуд бўлган зарарли тузларни меъёрида ювмасдан туриб, экилган экиндан етарли ҳосил олиб бўлмайди. Демак, шўрланган ерлар шўри ювилиши шарт. Республикамизда деҳқончилик қилиб келинаётган ерларнинг ярмидан ортиғи ҳар хил даражада шўрланган. Юқорида қайд этилганидек, Хоразм ва Бухоро вилоятларининг

75—80 фоиздан ошиқ суғориладиган ери, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Сирдарё ва Навоий вилоятларида бу рақам 60—83 фоизга тўғри келади. Сурхондарё, Қашқадарё ва Фарғона вилоятларида шўрланган ерлар 49, 60 ва 61 фоиз миқдорида шўрлангани I-жадвалда келтирилди.

I - ж а д в а л

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2006 йил ҳолати буйича суғориладиган ерларнинг шўрланиш даражаси (Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси маълумоти)

№	Республика ва вилоятлар	Суғориладиган ерлар майдони минг/га	Шундан шўрланган ерлар	Шўрланиш даражаси					
				кучсиз		ўрта		кучли	
				минг га	фоиз	минг га	фоиз	минг га	фоиз
1.	Қ.Қ.Рес-си	500,1	294,6	—	—	151,7	51,5	142,9	48,5
2.	Андижон	272	77,8	52,2	67,1	20,7	26,5	4,9	6,3
3.	Бухоро	274,7	212,7	94,3	44,4	71,6	33,6	46,8	22,0
4.	Жиззах	299,8	216,0	101,0	46,8	76,1	35,2	38,9	18,0
5.	Қашқадарё	511,5	311,6	216,8	69,6	63,3	20,3	31,5	10,1
6.	Навоий	123,9	75,0	48,7	65,0	19,6	26,1	6,7	8,9
7.	Наманган	281,2	82,3	51,2	62,2	18,0	21,9	13,1	15,9
8.	Самарқанд	376,4	128,8	104,3	81,0	19,9	15,4	4,6	3,6
9.	Сурхондарё	325,7	159,1	88,0	55,3	45,8	28,8	25,3	15,9
10.	Сирдарё	292,6	244,5	125,6	51,3	70,1	28,7	48,8	20,0
11.	Тошкент	392,9	86,0	67,6	78,6	13,1	15,2	5,3	6,2
12.	Фарғона	358,6	219,0	108,6	49,6	67,4	30,8	43,0	19,6
13.	Хоразм	279,9	209,9	109,4	52,1	68,3	32,6	32,2	15,3
	Республика буйича	4289,3	2317,3	1167,7	50,4	705,6	30,4	444,0	19,2

Ўтказилган илмий ишларнинг натижаларига кўра, зарарли тузлар миқдорларининг ортиши туфайли тупроқ эритмаси осматик босимининг кўтарилиши ўсимликларнинг илдизига сув ва озиқ моддалар киришини қийинлаштиради. Натижада шундай жойда ўсаётган

ғузалар нимжон ривожланади. Маълумотларга кўра, ғуза кучсиз шўрланган ерларда шўрланмаган ерларга нисбатан унинг ҳосили 15—20, ўртача шўрланган ерларда 30—35 ва ниҳоят кучли шўрланганда 60—80 фоизга камаяди.

Тупроқ таркибидаги тез эрувчан тузлар орасида экинга кучли зарар келтирадиганлари, яъни натрий хлор, магний хлор, натрий сульфат, магний сульфат, натрий карбонат, магний карбонат, камроқ зарарлиси эса кальций бикарбонат ва кальций сульфат тузларидир. Кучли зарар қилувчи тузларнинг эрувчанлиги юқори бўлганлиги учун ўсимликларнинг ривожланишига тез таъсир қилади. Тупроқда мавжуд бўлган тузлар йиғиндиси, хлор ва сульфат ионларнинг нисбати туз таркибидаги натрий ва магний катионларига қараб кам, ўртача, кучли ва жуда кучли шўрланиш даражасига бўлинади.

Республиканинг суғорилиб деҳқончилик қилинадиган ерлари хилма-хил бўлиб, типик бўз, ўтлоқи, ўтлоқи-ботқоқ, тақир, оч тусли бўз, ўтлоқи-бўз тупроқларга бўлинади.

Қорақалпоғистон Республикасида ўтлоқи тупроқлар 92,5 фоизни ташкил этади. Бу ерларда грунт (сизот) суви 1,2 (2,5) метр чуқурликда жойлашган. Грунт сувининг яқин жойлашганлиги тупроқларнинг иккиламчи шўрланиши учун шароит яратади. Шунинг учун ҳамма ўтлоқи тупроқлар шўрланишга мойилдир.

Хоразм вилоятида ўтлоқи тупроқлар кўп тарқалган бўлиб, бу ерда бундай тупроқлар 55,8 фоизга тўғри келади. Бу вилоятда ўрта шўрланган ерлар 26,1 фоиз, кучли шўрланган ерлар 4,1 фоизни ташкил этади.

Бухоро вилоятида ўрта ва кучли шўрланган ерлар 55 фоиздан ошиққа тўғри келади. Шўрланган ерларнинг аксарият қисми Қорақўл, Когон, Олот, Пешку ва Ромитан туманларида жойлашган.

Сирдарё вилоятида ўртача шўрланган ерлар 20,6 фоиз, кучли ва жуда кучли шўрланган майдонлар 9,4 фоизга, айниқса Оқолтин, Боёвут, Ховос ва Меҳнатобод туманларида 9,3—16,4 фоизни ташкил этади.

Кучли шўрланган ерлар Жиззах вилоятининг Арна-сой, Дўстлик, Мирзачўл, Зомин, Зарбдор ва Фориш туманлари тупроқларида 18—43 фоизгача тўғри келади.

Ўртача ва кучли шўрланган ерлар Навоий, Наманган, Фарғона ва Сурхондарё вилоятларининг айрим туманлари тупроқларида ҳам анчагина майдонларни эгаллайди. Демак, ерлардан мўл ҳосил етказиш учун юқорида қайд этилганидек, тупроқдаги мавжуд зарарли тузларни мелиоратив тадбирлар ўтказиш йўли билан камайтириш эвазига амалга ошириш мумкин.

Республикамизда суғориладиган ерларнинг шўрланган майдони кейинги йилларда 800 минг гектарга, 1990—2001 йиллар мобайнида эса 608,1 минг гектарга, шу жумладан, кучсиз шўрланган ерлар майдони 229,3, ўртача шўрланган тупроқлар 117,9 ва кучли шўрланган тупроқлар майдони 261 минг гектарга ошди. 1990 йилда шўрланган ерларнинг умумий майдони 48,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2005 йилга келиб 67,3 фоизни ташкил этди.

Тупроқ шўрланишининг олдини олиш ва унга қарши кураш бир қатор профилактик-мелиоратив тадбирлар тизимини ўз ичига олиб, улардан энг асосийлари: 1) коллектор-зовур тупроқларини мунтазам яхши ҳолатда ушлаб туриш ва фойдали иш коэффицентини ошириш, иш самарадорлигининг пасайишига йўл қўймаслик; 2) суғориш шарт-шароитларига қатъий риоя қилиш, сувлардан меъёрсиз ва назоратсиз фойдаланишга ҳамда нотекис сувнинг ортиқча сарф бўлишига чек қўйиш; 3) шўр ювиш меъёрларига қатъий риоя қилган ҳолда тупроқнинг шўрланганлик даражаси ва шўрланиш типлари ҳамда унинг хосса-хусусиятларидан келиб чиқиб сифатли шўр ювишдан иборатдир.

Тупроқнинг шўрини ювишнинг асосий муддати кузда бўлгани яхши натижа бергани илмий маълумотлардан маълум. Чунки кузда ер ости сувлари чуқур жойлашган бўлади, зовур ва коллекторлар ер ости сувларини яхши тортади ва тузларни кўплаб оқизиб юборади. Натижада сизот-сувларининг камайиши таъминланади. Кузда ерларнинг шўрини ювиш туфайли даладаги эрийдиган зарарли тузлар миқдори камаяди. туп-

Inv 346496

роқ шўрдан яхши тозаланади ва шўрларнинг қайта кўтарилиш вақти анча орқага сурилади.

Айни сабабларни ҳисобга олган ҳолда тупроқ шўрини ноябрь ва кечи билан 15 декабргача амалга ошириш илғор тажрибаларда ижобий самара бергани кўпчиликка маълум.

Ерни шудгор қилгандан сўнг шўр ювиш тупроқни тузлардан яхши тозалайди, шўрнинг кўпроқ қисми ювилиб, пастки қаватларга тушади. Шунинг учун ҳам шўри ювиладиган майдонларда сифатли, иложи борича чуқурроқ шудгор қилиниши мақсадга мувофиқдир. Бундай майдонлардаги тупроқдаги тузлар кўпроқ эриб, ювилиши осонлашади. Тупроғи зичланган ва юзаки шудгорланган майдонлардаги зарарли тузлар кам ювилади. Тупроқ шўрининг яхши ювилиши ва сув дала бўйлаб бир меъёрда тақсимланиши учун 0,1—0,25 гектар атрофида поллар (чеклар) олинади. Сувни яхши сингдирадиган ёки бир оз нишоб ерларда поллар кичикроқ, оғир тупроқли ерларда эса бир оз каттароқ қилинади. Полларга бостириладиган сув сатҳи ернинг рельефига қараб 15—30 сантиметр қалинликда бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Кучли шўрланган майдонларда поллар майдони 0,25—0,5 гектар атрофида 0,4—0,5 метр баландликда марзалар олинади. Албатта, марзалар мустаҳкам бўлиши зарур.

Бухоро вилоятининг аксарият ерларида поллар катталиги ернинг рельефига қараб 0,10—0,15 гектарни ташкил қилган ҳолда, икки томонлама полларнинг ўртасидан суғориш ўқариқлари тегишли механизмларда олинади. Полларга очилган сувлар бир полдан иккинчи полга алмашмайди. Полларга сув бир текисда берилиши таъминланади.

Ернинг шўрланиш даражасига кўра, полларга сув тўлғазиш, тупроққа сув сингишини ҳисобга олиб, 2—3 марта қайтариледи. Полларга тўлғазилган сувнинг синганидан сўнг 5—7 кун ўтиши билан яна сувни полга бостириш қайтариледи. Кучли шўрланган ерларда тупроқ 3 мартагача шундай ювилади.

Шўр ювиш меъёрлари тупроқнинг шўрланиш даражаси ва механик таркибига қараб белгиланади. Унга

кўра, кузда ювилганда кам шўрланган енгил тупроқларда гектарига 2000—2500 куб метр, ўртача шўрланган тупроқларда 3000—4000 куб метр (бу меъёр бир йўла ёки икки бўлиб берилади), кучли шўр босган ерларда 5000—6000 куб метр (2—3 марта бўлиб берилади) сув сарфланади.

Бухоро вилояти хўжаликлари ерларида биринчи марта 2200—2400 куб метр ва иккинчи марта эса сув нормаси 1700—1900 куб метрдан сарфланиши кузатилади. Тупроқ шўрини ювиш барча вилоятлар тупроқларининг шўрланиш даражасига қараб юқорида келтирилган ҳажмлардаги поллар ва тартиблар асосида амалга ошириш яхши натижа беради. Шўр ювиш тупроқнинг 0—100 сантиметр қатламидаги хлор иони тупроқ вазнига нисбатан 0,01 фоиздан кам бўлса тупроқ ювилмаслиги мумкин. Тупроқдаги хлор иони 0—100 сантиметр қатламида 0,01 фоиз, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти учун 0,02 фоизга келгунча ювилади. Шўр ювиш ҳамма жойда белгиланган тартибда сифатли бажарилиши ҳосил чўғини оширади. Ер ости суви юза бўлган ҳудудларда мелиоратив тадбирлар доимий равишда ўтказилиши зарур.

Зовур-коллекторларда йиғилган сизот сувларининг оқиб-чиқиб кетишига шароит яратиш, яъни унинг оқмай қолишининг олдини олиш, бунинг билан тупроқнинг қайта шўрланишига асло йўл қўйилмаслиги керак. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг айрим ҳудудларида ҳосил йиғиштирилгандан сўнг ер шудгор қилинмасдан поллар олиниб шўрсизлантириш учун сув бостирилиб ювилиши ҳам бўлган ва бундай майдонларни баҳорда ер етилиши билан шудгорланиб, текисланиб ўз намига чигит экиш тажрибалари кузатилган. Кўпчилик ҳолларда бу ерлар октябрь ойи бошида енгил (500—700 м³/га) шудгор олди суғорилиб ерлар гўзапоядан тозаланади, сўнгра 35—40 сантиметр чуқурликда (чимқирқар кичик омовлар, албатта, ўрнатилиши керак) шудгорланади, шудгор қилинган ерлар 3—4 кун ўтгач махсус чизелларда (60—70 сантиметр чуқурликда) ерга ишлов берилиб, кейин кенг қамровли механизмларда ерлар текисланиб, тупроқдаги шўри ювилиши учун пол (чек)лар

олинади (0,25 га). Кучсиз, ўртача ва кучли шўрланган тупроқларда ер ости сувлари сатҳи жойлашувига ҳамда енгил-қумоқ, ўртача, оғир-соз лойсимон тупроқларда тавсия этилган меъёр ва муддатларда шўри ювилади.

Турли даражада шўрланган тупроқларнинг шўрини ювиш муддатлари ноябрь-декабрь ойларида, айрим сабабларга кўра юқоридаги муддатларда улгурилмаса февраль-март ойларида ўтказилишини таъминлаш зарур. Шўр ювиш меъёрлари кам шўрланган майдонларда тупроқ шўрлигига қараб тегишлича 2,0—2,5; 2,5—3,0; 4,0—5,0 минг м³/га, ўртача шўрланган тупроқларда бу кўрсаткич тупроқ турларига қараб тегишлича 2,5—4,0; 3,5—5,5; 5,0—6,5 минг м³/га, кучли шўрланган тупроқларда эса тегишлича 4,0—5,0; 6,0—7,0; 7,5—9,0 минг м³/га меъёрларда таъминланиши зарур. Ҳар 1,5—2,0 минг м³ сув меъёрида бир маротаба, 2,5—4,5 минг м³ да бир-икки маротаба, 4,5—7,0 минг м³ меъёрда эса икки-уч маротаба, 6,0—9,0 минг м³ да (кучли шўрланган тупроқларда) уч-тўрт, ҳатто беш маротаба полни сув билан тўлдириб ювилганда экилган ғўза навларидан яхши ҳосил олингани кузатилган (Шўр ювиш меъёрлари ЎзПИТИ олимлари томонидан тавсия қилинган).

Тупроғи шўрланган ерлар кўплиги ва уни ювишга сувнинг етишмаслиги ҳам муҳим муаммолардан ҳисобланади. Айни сабабларни ҳисобга олиб, Пахтачилик илмий-тадқиқот, ирригация ва мелиорация илмий-тадқиқот институтлари ва бошқа муассасалар тажрибаларига қараганда, ўрта ҳамда кучли шўрланган ерларни шўр сувлар билан маълум даражагача ювиш мумкин. Буни ЎзПИТИнинг Сирдарё филиали, Қашқадарё вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган тажрибалар ҳам тасдиқлаган.

Ўртача ва кучли шўрланган ерларни таркибида 6 г/литргача туз тутган сувлар билан кучсиз даражада ювиш мумкин. Бунда ювиш учун сув меъёрларини одатдагига нисбатан 35—40 фоиз ошириш талаб этилади. Кейинги ювиш дарё суви билан олиб борилади, чунки тупроқдаги сув концентрацияси ювиш учун қўлланилган сув концентрацияси билан тенглашгандан кейин

тупроқдаги туз ювилмай қолади. Вилоятларда ташлаб юбориладиган сувлар жуда кўп ва уларнинг минерализацияси шўр ювиш учун яроқлидир. Шундай жойларда минераллашган сувлар билан тупроқ шўрини ювиш дарё сувини тежайди ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлайди (ЎзПИТИнинг етук олими К.Мирзажонов маълумоти). Мўл ҳосил олишни чуқур ўйлаган ҳар бир раҳбар мавжуд ерларнинг ҳар қадамидан деҳқончилик маданиятини йўлга қўйиб, шўрланган майдонларнинг сифатли, шўрини ювишни тўғри ташкил қилиш, яъни зовур-коллекторларни вақтида тозалаш, мелиоратив тадбирларни кўнгилдагидек ўтказишни амалга оширмоғи лозим. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшиламай туриб, экинлардан юқори ҳосил олиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам шўрланган ерларнинг зарарли тузларини сифатли ва кўнгилдагидек ювилишини таъминлаш зарур.

Юқорида қайд қилинган барча тадбирларнинг ўтказилишидан мақсад экилаётган экиндан мўл ҳосил олишдан иборатдир. Бундан ташқари экишга тайёрланган ернинг табиий намига экилган уруғлик чигитлардан бир текис ғўза ниҳолларини олиш учун тупроқда нам тўплаш, айниқса ер ости суви чуқур жойлашган шамол кучли бўлиб турадиган ҳудудларда жуда муҳим. Бундай жойларда нам тўплаш суви берилмаса, доим такрорланиб эсиб турадиган шамоллар таъсирида ернинг устки қисми экиш олдидан ўта қуруқ бўлади. Шу сабабларни инобатга олиб, деҳқонларимиз шундай майдонларда ҳайдалган шудгор чизелланиб-текисланиб, чуқур эгатларда оралари ўлчаниб пушта олинади. Олинган пушталар қиши билан қор-ёмғир сувини ўзига сингдириб нам сақлашни таъминлайди, пушта устида тупроқ доим ғовакланиб, майин ҳолда нам сақлайди, тупроқ зичланмасдан туради. Эрта баҳорда (суғорилмаган қисмида) чигит экиш муддати келиши билан пушта устидаги қуруқ кесаклар керакли механизмларда сурилиб, майин тупроқда чигит экилади ва тупроқнинг ўз намига чигитлар бир текис униб чиқиш имконияти яратилади. Аввалдан олинган пушталарнинг бир қисмига (суғориш талаб қилинадиган туман хўжаликларида) эрта баҳорда, яъни март ойининг бирин-

чи ўн кунлигидан бошлаб, пушталарга сув олинади. Бу эса тупроқни намга тўйинтириш мақсадида амалга оширилади. Бу усулда пушта суғорилганда барча эгатлардан бир текис сув таралади.

Суғоришда эгатлар узунлиги 50 метрдан 80 метргача бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ўқариқларнинг бу кўрсаткичдан узоқ бўлиши даланинг бир текис намланишига олиб келмайди. Ўқариқлар қанчалик узоқ бўлса, дала шунчалик сифатсиз сувланган бўлади. Натижада даланинг бир жойи кўллайди, бошқа жойига эса сув кам бориб, тупроқ меъёрида намланмай қолиши мумкин. Айни салбий ҳолатлар эвазига экилган чигитдан тўлиқ кўчат олишга эришилмайди. Демак, даланинг чигит экишга яхши тайёрланиши учун тупроқни намга тўйинтирувчи сувлашни сифатли амалга оширмақ лозим бўлади. Экишдан олдин суғориш ишини табақалаштирган ҳолда, яъни ташкилий равишда амалга ошириш чигит экиш мавсумини уюшқоқлик билан тугаллашга олиб келади. Суғориш ва чигит экишга палапартиш ёндашиш салбий натижаларни келтириб чиқаради.

Кузда шудгорланган далалардаги қиш давомида ёгин-сочинлар эвазига тупроқдаги намларни сақлаш чоралари белгиланиши, яъни текислаш, чизеллаш, мола-борона қилиш билан унинг намини сақлаш таъминланиши зарур. Экишгача тупроқдаги табиий нам кўтарилиб кетишига йўл қўймаслик чоралари белгиланиши зарур.

Республикада экилаётган ғўза навлари ва уларни тўғри жойлаштириш

Деҳқонларимизга маълумки, республикамиз тупроқ-иқлим шароити хилма-хил бўлгани туфайли, селекционер олимлар томонидан яратилган ғўза навлари эртапишар, ўртапишар ва бир оз кечпишар навларга бўлинган бўлиб, уларни ҳудудлар шароитига қараб жойлаштириш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки айрим ўртапишар ва кечпишар навлар шимолий ҳудудларда экилганда яхши натижа бермаслигини пахтакорларимиз билишади. Шунинг учун ҳам селекционер

яратаётган ғўза навларини белгиланган ҳудуд тупроқ иқлим шароитига мослаштириб, ўша шароитда кўпайтиришга тавсия беради. Бундан ташқари яратилган ғўза навлари бир неча йиллар давомида республиканинг турли хил тупроқ-иқлим шароитида давлат нав синаш тармоқларида текширилиб, айна ғўза навларига ҳулоса берилиб борилади. Давлат нав синаш комиссиясининг ҳулосаси билан ҳудудларда кўпайтирилиши ва районлаштирилиши белгиланади. Янги истиқболли нав деб топилган, давлат реестрига киритилган навлардан илғор пахтакорлар ўз пахта майдонларига экиб, юқори ҳосил кўтарганлари ҳам талайгина деса бўлади. Бундай тажрибали пахтакорлар ютуқларини ҳам эътиборга олиб, ғўза навларини жойлаштиришни мақсадга мувофиқ дейиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 ноябрдаги «1999—2000 йилларда пахта навларини янгилаш ва жойлаштириш дастури тўғрисида» ги 491-сонли қарорида белгиланган тартибда ғўза навининг пахта толасига жаҳон бозорида талаб (харидорлиги)га қараб жойлаштириш ва кўпайтириш тегишли масъулларга топширилди. Айна қарор моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, ҳар йили селекционерлар томонидан яратилган ғўза навлари пахтасининг ҳосилдорлиги, тезпишарлиги ва толасининг жаҳон андоза талабларига жавоб беришлиги ҳисобга олиниб, жойлаштирилиши таъминланмоқда.

Шу сабаблардан келиб чиқиб, ғўзанинг тезпишар деб тан олинган «С-4727», «Оқдарё-6» ва «Чимбой-3010» навлари Қорақалпоғистон Республикаси далаларида, «Наманган-77» нави Сурхондарё, Наманган, Қашқадарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида, «Ан-Бояут-2» нави Сирдарё, Жиззах, Тошкент ва Навоий вилоятларида, «Оқдарё-6» ва «Омад» навлари асосан Самарқанд вилоятида ва «Тошкент-6» нави эса Фарғона вилоятида экилиб келинмоқда. Ғўзанинг ўртапишар навлари «Бухоро-6» ва «Бухоро-8» навлари Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида, «С-6524» нави Андижон, Наманган, Фарғона ва Тошкент вилоятларида, «Оққўрғон-2» нави Андижон вилоятида, «Хоразм-127» ва «Меҳнат» навлари Хоразм вилояти дала-

ларида, ингичка толали ғўзанинг «Термиз-31» нави эса Сурхондарё вилояти хўжаликларида экилмоқда.

Кейинги пайтларда кенг майдонларни эгаллаб келаётган эртапишар «Бухоро-102» нави Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари далаларида кўпайтирилмоқда. Бу нав деҳқонларни ҳосилдорлиги, эртапишарлиги ва хўжалик белгиларининг яхши томонлари билан қизиқтириб келмоқда.

Истиқболли деб реестрга киритилган «Денов» ғўза нави Сурхондарё вилояти хўжаликларида ва бир қатор вилоятларда экилиб, яхши натижалар бермоқда. Ғўза навларини тупроқ иқлим шароитига амал қилган ҳолда жойлаштириб кўпайтириш пахтакорларнинг мўл ҳосил етиштиришига олиб келади.

Янги яратилган ғўза навининг вегетация даврида талаб қилинадиган агротехникасини селекционер томонидан тўғри тавсия қилинишига ҳам бирмунча боғлиқдир. Албатта, тажрибали пахтакор ғўза нави эртапишарми ёки ўртапишарми экиб парвариш қилаётган навга юқори агротехника тадбирларини ўз вақтида сифатли равишда ўтказишни таъминласа, яъни эрта экиб, ўғитини меъёрида бериб, қатор орасини обитобида сифатли юмшатиб, суғоришни меъёрида амалга оширса, қишлоқ хўжалик ҳашаротларидан сақланса мўл ҳосил олишга шубҳа бўлмайди.

Айрим пайтларда даласига экилган ғўза навига эътиборни сусайтириб, бажариладиган агротехника тадбирларини сифатсиз ўтказиши билан деҳқон яхши натижага эриша олмайдиган ҳоллар ҳам учрайди. Охиروқибатда парвариш қилинган ғўза нави бу шароитга мос эмас деган «важ»ларнинг гувоҳи ҳам бўласиз. Ғўза навларини тупроқ-иқлим шароитига, илғорлар тажрибасига ҳамда муаллиф тавсиясига қараб жойлаштириш лозим бўлади.

Ўзбошимчалик билан ғўза навларини жойлаштириш режаларига хилоф равишда экишни амалга оширмаслик барча фермер хўжаликлари раҳбарларидан талаб қилинмоғи зарур. Пахтакор деҳқонларнинг мақсади мамлакатимиз иқтисодиётини валюта жамғармаси билан тўлдиришга олиб келадиган жаҳон бозорида ха-

ридоргир ҳисобланаётган ғўза навларини кўпроқ етиштириш билан халқимиз фаровонлигини ошириш бўлмоғи лозим. Демак, Республика Вазирлар Маҳкамасининг ҳар йили ғўза навларини жойлаштириш қарори билан белгиланган режасига қатъий риоя қилиш, вилоятларда тўртта, туманларда иккита ва хўжаликларда биттадан ғўза нави экишдан четга чиқмаслик талаби барча пахтакорлар масъулияти бўлмоғи керак.

Ғўза навларини тупроқ-иқлим шароитига мослаб танлаш пахтачиликда ва унинг сифатини оширишда муҳим роль ўйнайди. Маълумки, ҳеч қандай қўшимча харажатларсиз, фақатгина ҳар бир вилоятнинг тупроқ-иқлим шароитига мос нав танлаб олиш ва юқори сифатли уруғ ҳисобига ҳосилдорликни 10—20 фоизга ва ундан кўпга ошириш мумкин. Шу туфайли турли хил тупроқ иқлим шароитида экилиб, юқори ҳосил олишни таъминлашда мамлакатимизда мавжуд илмий тадқиқот институтларида хизмат қилиб, ғўза навларини яратган ва яратаётган селекционер олимларимиз навлар ҳақида пахтакорларимизга маълумот бериб туришни жоиз деб ҳисоблаймиз.

Шунга кўра, республикаимиз пахтачилигининг ривожланишига катта ҳисса қўшган ғўза навлари орасида ўрта толали навлардан «149-Ф», «108-Ф», «175-Ф», «138-Ф», «Тошкент-1», «Ан-Ўзбекистон-3», «Ан-402», «Оқ олтин», «Самарқанд-3», «Уйчи-2», «Октябрь-60» ва «Қирғизистон-3» ва ингичка толали ғўзанинг «Термиз-14» ва «Термиз-16» навлари катта-катта майдонларда экилиб, улардан мул ҳосил олишга эришилган эди.

Энди ҳозирги пайтда пахта далаларида экилиб келинаётган ғўза навларига тўхталамиз. Маълумки, республикаимизда экиб келинаётган ғўза навлари пахта толасининг физик-механик кўрсаткичлари штапел вази узунлиги, чизикли зичлик ва солиштирама узилиш кучига (1 ва 2 нав) кўра, тўққизта: 1а, 1б, 1, 2, 3 (узун толали), 4, 5, 6 ва 7 (ўрта толали) типга бўлинади. Булар қуйидагилар:

С-6524 нави.

С-6524 ғўза нави В.А.Автономов ва бошқалар томонидан ёввойи пунктатум ва 159-навини чаптишти-

риш йўли билан ЎзГСУИТИ да яратилган. Бу нав ўртапишар навлар гуруҳига киради. С-6524 нави 1988 йилдан бошлаб, Давлат реестрига киритилган. Толаси 4-типга мансуб. Нав толасининг штапел узунлиги 34,0—35,0 мм, тола нафислиги 6350, нисбий узилиш кучи 26,5—28,0 гк/текс, тола чиқиши 33,0—33,2 фоизни ташкил этади. Толаси харидоргир. Сифатли агротехника амалга оширилган пайкалларда 38—40 центнергача ҳосил олиш мумкин. Бу навни Тошкент, Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари пахтакорлари кўпроқ экишади.

«Бухоро-6» нави.

Ўзанинг ўрта толали «Бухоро-6» нави Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Бухоро филиалида А.Батталов томонидан «Тошкент-1» ва 9647-И навларини турлараро дурагайлаш ва чаптириш йўли билан яратилган. «Бухоро-6» навининг ўсув даври 119—127 кун. Толаси 4-типга мансуб бўлиб, тола чиқиши 35,5—36,3 фоиз, тола микронейри 4,2—4,6, нисбий узилиш кучи 25,6—32 гк/текс, 1000 дона чигит оғирлиги 122—123 грамм, ҳосилдорлиги 38,5—51,7 центнергача. Пахта хом ашёсини пахта тозалаш корхоналарида қайта ишлашда енгил тозаланади, толаси юқори сифатга эга бўлгани сабабли истеъмолчиларнинг эҳтиёжи катта.

«Бухоро-8» нави.

«Бухоро-8» ғўза нави Бухоро вилояти, «Бухоро пахтачилиги» масъулияти чекланган жамиятининг бир гуруҳ олимлари ва Ғиждувон туманидаги «Зарафшон» ширкат хўжалиги мутахассислари ҳамкорлигида А.М. Батталов ва яна саккиз киши томонидан госсипиум хирзутум турига мансуб бўлган «Бухоро-6» навига бир паллалик ўсимликларнинг фотосинтез ирсиятини сунъий ўтказиш йўли билан яратилган. «Бухоро-8» ғўза нави ўртапишар навлар гуруҳига мансуб бўлиб, биринчи кўсақлари 50 фоиз очилиши учун 118—124 кун талаб этилади. Чигити йирик, 1000 дона чигитнинг оғирлиги 125—130 грамм, толаси майин ва узун 4-типга мансуб, тола чиқиши 35—37 фоизни, тола узунлиги 33—36 мм ни ташкил қилади. Синаш йилла-

ри маълумотига қараганда, «Бухоро-6» навиға нисбатан 10—15 фоиз ҳосили юқорилигини кўрсатди.

«Бухоро-102» нави.

«Бухоро-102» гўза нави Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти Бухоро филиалида Л-4380хЛ-7097хБухоро-6 навларини чатиштиришдан олинган дурагай популяциялардан белгили йўналишда, кўп йиллар давомида танлаш йўли билан С.И.Мақсудов ва бошқалар томонидан яратилган. Бу гўза тезпишар навлар гуруҳига мансуб бўлиб, ўсув даври 115—124 кун. Хўжаликлар синовидида 35 центнердан 56,4 центнергача Бухоро вилояти шароитида ҳосил берган. Қўсақларнинг очилиш қуввати (темпаси) юқори бўлиб, пахтаси тўкилиб кетмайди. Навнинг тола чиқиши 37—38 фоиз, тола узунлиги 33 мм, 1000 дона чигитнинг оғирлиги 123—130 грамм. Толанинг метрик рақами — 6004, пишиқлиги — 4,5 гк, нисбий узилиш кучи — 27 гк/текс. Толанинг сифати 4-типга мансуб, микронейр кўрсаткичи 4,3—4,4 ни ташкил этади. Бу гўза нави кўп вилоятлар тупроқ-иқлим шароитида экилмоқда.

«Хоразм-127» нави.

Ўрта толали гўзанинг «Хоразм-127» нави Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Хоразм филиали олимлари Ж. Йўлдошев ва бошқалар томонидан «163-Ф» ва «С-9062» навларини чатиштириш ва кўп маротаба яқка танлаш ҳамда қайта танлаш (беккросс) йўли билан яратилган. 2002 йилдан бошлаб Хоразм вилояти бўйича Давлат реестрига киритилган. Толасининг чиқими 36,5—38,4 фоиз, тола узунлиги 34,5—36,0 мм, нисбий узилиш кучи 26,0—27,3 гк/текс, микронейри — 4,2—4,4, толанинг сифат кўрсаткичлари бўйича 4-типга мансуб, 1000 дона чигит оғирлиги 122—132 граммни ташкил қилади. Бу нав билан гўза парвариши ўз вақтида юқори савияда бажарилганда айрим хўжаликлардан 45—50 центнер ҳосил олиш мумкин.

«Оқдарё-6» нави.

Гўзанинг «Оқдарё-6» нави Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Самарқанд филиалида «Тошкент-6» ва «175-Ф» навларини ўзаро чатиштириб

олинган дурагайларни кўп марта танлаш натижасида Х.И. Иброҳимов ва бошқалар томонидан яратилган. Бу ғуза нави тезпишар навлар гуруҳига киради. 2000 йилда Самарқанд вилоятида районлаштирилган. Об-ҳавонинг келишига қараб 115—125 кунда пишиб етилади. 1000 дона чигитнинг оғирлиги 120—125 граммни ташкил қилади. Пахтасининг тола миқдори 36—37 фоиз, толасининг узунлиги 33,5—34 мм, пишиқлиги 4,5—4,6 гк, узилиш узунлиги 27 км ва метрик рақами — 6000. Толаси 4-типга мансуб. Бу ғуза нави асосан Самарқанд вилояти хўжаликларида ва кам миқдорда Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа тумани ва Андижон вилоятининг Булоқбоши туманида экилган.

«Термиз-31» нави.

Ўзанинг ингичка толали «Термиз-31» нави ЎзПИТИнинг Сурхондарё филиалида 6608-В х Термиз-11 навларини чатиштириш йўли билан А. Творогова ва бошқалар томонидан яратилган. Ушбу ғуза нави 1998 йилдан районлаштирилган. Бу нав асосан Сурхондарё вилоятининг жанубий туманларида экилиб келинмоқда. Ўзанинг ўсув даври 120—125 кун. Тола чиқиши 32,5—34,3 фоиз, тола узунлиги 37—38 мм, тола пишиқлиги 3,5—4,5 гк, нисбий узилиш кучи 30,6—33,0 гк/текс, метрик рақами 6500—7000, толаси 3-типга мансуб. Юқори агротехника қўлланилганда пайкаллардан 35—38 центнергача ҳосил олиш мумкин.

«Наманган-77» нави.

«Наманган-77» нави Ўзбекистон ғуза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтининг Қизил Равот тажриба хўжалигида В. Автономов ва бошқалар томонидан яратилган. Госсипиум хирзутум турига мансуб. 1994 йилдан бошлаб Давлат реестрига киритилган. Бу ғуза нави қатор вилоятларда, жумладан, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятлари хўжаликларида катта майдонларга экилиб келинмоқда. Жанубий ҳудудларда 110—112 ва шимолий минтақаларда 115—124 кунда пишиб етилади. Толаси 5-типга мансуб, жаҳон бозорида харидоргир. Толасининг штапел узунлиги 35 мм, солиштирма узилиш кучи 25,2 гк/текс, тола чиқиши 37,0—39,1 фоиз, микронейр курсаткичи 4,5—4,6. Бу ғуза оптимал муддат-

ларда эрта экилса, парваришлари ўз вақтида сифатли бажарилса, зарар келтирувчи ҳашаротлардан сақланса, ўғити ва суви меъёрида бўлса ҳосили 35—50 центнергача етади. Ўзбекистонда экилаётган ғуза навлари орасида тезпишар гуруҳга киради.

«Ан-Бояут-2» нави.

Бу нав Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли Ўсимликлар экспериментал биологияси илмий-тадқиқот институтида С.С.Содиқов ва бошқалар томонидан яратилган. «Ан-Бояут-2» ғуза нави тезпишар, серҳосил, вилт касалига нисбатан чидамли бўлиб, ўзининг агрохўжалик белгилари билан бошқа навлардан ажралиб туради. Ўсув даври 128—130 кун, тола чиқиши 35—36 фоиз, штапель узунлиги 34—35 мм, толанинг узилиш кучи 4,7—4,8 г/с, метрик рақами-5570, нисбий узилиш кучи 26,1—26,7 гк/текс, ҳосилдорлиги 35—40 центнер, толаси 5-типга мансуб. Бу ғуза нави Жиззах, Сирдарё, Тошкент ва Навоий вилоятлари хўжаликларида каттароқ майдонларда, қисман Хоразм вилоятида кам миқдорда бўлса ҳам экилиб келинмоқда.

«С-4727» нави.

С-4727 ғуза нави 1950 йилда Г.С.Зайцев номидаги Ғуза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтида Б.П.Страумал ва бошқалар томонидан «137-Ф» ва «С-1470» ғуза навларини чатиштириш натижасида олинган дурагай авлоддан яқка танлаш услуби ёрдамида яратилган. 1961 йилдан бошлаб районлаштирилган. Бу ғуза нави тезпишар навлар қаторига киради. Экилгандан сўнг 120—125 кунда пишиб етилади. Юқо-ри агротехника тадбирлари ўтказилган майдонлардан 40—45 центнер ҳосил олиш мумкин. Тола чиқиши 36—38 фоизни ва тола узунлиги 32,5—33,2 мм бериш имкониятлари мавжуд. Тола пишиқлиги 4,8 г, майинлиги 5600—5700, узилиш узунлиги 26 км.ни ташкил қилади. Толаси 5-типга мансуб бўлиб, туқимачилик саноати талабларига тулиқ жавоб беради. 1000 дона чигит оғирлиги 120—130 грамм. Бу нав ҳозирги пайтда асосан Қорақалпоғистон Республикаси пахта майдонларида экилиб келинмоқда.

«Андижон-35» нави.

ЎзПИТИнинг Андижон филиали селекционер олимлари томонидан ғузанинг «Андижон-35», «Андижон-36», «Андижон-37», «Андижон-40» каби қатор янги навлари яратилиб, Давлат нав синаш тармоқларида ишлаб чиқариш синовидан ўтмоқда. Андижон-35 нави давлат реестрига киритилган.

«Андижон-35» ғўза нави Т.Комилов ва бошқалар ҳамкорлигида дурагайларни (Ан-402 х линия 90) х (мусталенум х Андижон-13) ўзаро чатиштириш йўли билан яратилган. Бу нав эртапишар навлар гуруҳига киради, ўсув даври 120—125 кун, толасининг штапель узунлиги 33,5—34,5 мм, нисбий узилиш узунлиги 28,6 гк/текс, метрик рақами 5880—5950, тола чиқиши 36,0—37,0 фоиз, толанинг пишиқлиги 4,7—5,0 г/куч, микронейри 4,7, 1000 дона чигит оғирлиги 119—125 грамм, толаси 5-типга мансуб. Ҳосилдорлиги 40—45 центнергача боради. 2004 йилдан бошлаб Фарғона водийси вилоятларида истиқболли деб топилиб, шу ерларда кўпайтирилмоқда.

«С-6541» нави.

Ќузанинг «С-6541» нави Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтида С-6530 х С-9070 тизмаларини чатиштириш ва кўп йиллик якка танлашлар натижасида В.А. Автономов ва бошқалар томонидан яратилган. Бу ғўза нави ниҳоллар униб чиққандан биринчи кўсак очилгунгача бўлган давр — ўрта ва шимолий минтақаларда 114—122 ва жанубий минтақаларда 104—112 кун бўлиб, бу ҳудудларда эртапишар ҳисобланади. 1000 дона чигитнинг оғирлиги 110—115 грамм, толаси 4-типга мансуб, толасининг штапель узунлиги 33—34 мм, солиштирма узилиш кучи 28,2 гк/текс, тола чиқиши 38,0—42,1 фоизгача, микронейр кўрсаткичи 4,0—4,5. Бу ғўза нави истиқболли навлар гуруҳига киради. Сурхондарё, Тошкент, Жиззах ва бошқа вилоятлар далаларида кўпайтирилмоқда.

«Денов» нави.

Ўрта толали ғузанинг «Денов» нави ЎзПИТИнинг Сурхондарё филиалида госсипиум хирзитум (Наман-

ган-77) ва госсипиум барбадензе (Термиз-34) турлари дурагайи бўлган «С-5» навининг икки авлоди уруғига радиоактив кобальт-60 нинг 13 кр (кюре) қувватли нури таъсир эттирилиб, сувсизликка ва шўрга чидам-лилик хусусияти бўйича В.М. Истомин ва бошқалар томонидан қайта танлаш йўли билан яратилган. Бу ғўза нави ҳам Давлат реестрига киритилиб, истиқболли навлар гуруҳига киради. Сурхондарё вилояти шароити-да, айниқса шимолий туманларда бу навадан 40—45 центнергача ҳосил олинган. 1000 дона чигитнинг оғир-лиги 95—100 граммни, айрим ҳолларда ўтказилган агротехникага қараб 90 граммгача тушиши мумкин. Тола чиқиши биринчи саноат навларида 41 фоизгача етади, толасининг ранги оқ, тола узунлиги 33—34 мм, метрик рақами 5750—5800, узилиш кучи 28,6 гк/текс, микронейр кўрсаткичи 4,5—4,8. Толаси 5-типа мансуб.

«Наманган-34» нави.

«Наманган-34» ғўза нави Қишлоқ ва сув хўжалиги вазириликка қарашли Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтида С-1973 х 02654 тизмаларини чапиштириш ва кўп йиллик якка танловлар натижасида В.А. Автономов ва бошқалар томонидан яратилган. Госсипиум хирзитум турига мансуб бу ғўза нави ниҳоллари униб чиққандан биринчи кўсак очилгунгача бўлган давр: ўрта ва шимолий минтақаларда 114—120 ва жанубий минтақаларда 105—110 кун бўлиб, ушбу ҳудудларда эртапишар ҳисобланади. Толаси 4-типа мансуб, толасининг штапель узунлиги 34—35 мм, солиштирма узилиш кучи 29,2 гк/текс, тола чиқиши 39,0—41,1 фоиз, микронейр кўрсаткичи 4,0—4,4. Бу ғўза нави истиқболли навлар қаторига киради.

«Турон» нави.

Ўрта толали ғўзанинг «Турон» нави Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтида мураккаб дурагайлаш [F5 (Deltapine-16 х morilli) х F5 (raymaster 266 х richmondi)] йўли билан Х.Мунасоров ва бошқалар томонидан яратилган. 2003 йилдан Самарқанд вилояти учун истиқболли деб топилган. Ўсув даври 115—118 кун. 1000 дона чигит оғирлиги 127—130 грамм, тола чиқими 36,5—38,0 фоиз, тола узунлиги 1,14—1,16 дюйм, узунлиги (код) 37—38, нисбий узи-

лиш кучи 28—31 гк/текс, микронейр кўрсаткичи 4,3—4,4, толаси 4-типга мансуб. Ўртача ҳосилдорлиги 35,5 центнерни ташкил қилган.

«Сурхон-9» нави.

Ўзанинг ингичка толали «Сурхон-9» нави Ёзуа селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтида МЛ-101 х 07630 тизмаларини чапиштириш ва кўп йиллик якка танловлар натижасида В.А. Автономов ва бошқалар томонидан яратилган. Ўсимликнинг ўсув даври 120 кун бўлиб, андоза «Термиз-31» навига нисбатан 3 кун эртапишар. «Сурхон-9» нави толаси 1-типга мансуб бўлиб, нисбий узилиш узунлиги 33,4—34,0 гк/текс, тола нафислиги 7400—7600, штапель узунлиги 37,7—39,6 мм, тола чиқими 34 фоизни ташкил этади.

«Омад» нави.

«Омад» нави Ёзуа селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан яратилган. 1999 йилдан бошлаб Давлат реестрига киритилган. Ёзанинг тола чиқими 35—36 фоиз, толасининг узунлиги 35—36 мм, 1000 дона чигитнинг оғирлиги 130—135 граммни ташкил қилади. «Омад» нави тезпишар навлар гуруҳига киради. Қулай агротехника шароитида «Омад» нави 40—45 центнергача ҳосил беради. Бу нав асосан Самарқанд вилояти хўжаликларида катта майдонларга экилиб келинмоқда.

«Андижон-36» нави.

Ўзанинг «Андижон-36» нави Пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг филиалида 175-Ф х Андижон-13 х Андижон-21 навларини ўзаро чапиштириш услуби билан яратилган. Толасининг ранги оқ, ўсув даври 127—130 кун, тола узунлиги 34,1 мм, нисбий узилиш кучи 28,4 гк/текс, метрик рақами 6130. Тола чиқими 39,6 фоиз, микронейри 4,6, толаси 4-типга мансуб. Юқори агротехника қўлланилган майдонларда ҳосилдорлик 40—45 центнерга етади. 1000 дона чигит оғирлиги 110—115 грамм. Бу нав истиқболли навлар қаторига киради.

«Хоразм-150» нави.

Ўрта толали ўзанинг «Хоразм-150» нави Пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Хоразм филиали

олимлари О.Искандаров ва бошқалар томонидан кўп маротаба якка танлаш ҳамда қайта танлаш (беккросс) йўли билан яратилган. Толасининг чиқими 38—40 фоизгача, тола узунлиги 34,5—36,0 мм, метрик рақами 5900—6200, нисбий узилиш узунлиги 26,2 гк/текс, микронейри 4,2, толасининг сифат кўрсаткичлари бўйича 4-типга мансуб. 1000 дона чигит оғирлиги 128—130 грамм.

«Ат-Термизий» нави.

Ўзанинг «Ат-Термизий» нави 1997 йилда «Оққўрғон-2» ғўза навининг 101-гурухидан мақсадга мувофиқ танлаш йўли билан Ўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти олимлари Т. Холхўжаев ва бошқалар томонидан яратилган. Госсипиум хирзитум турига мансуб. 1000 дона чигитнинг оғирлиги 105—110 грамм. Толасининг узунлиги 35—36 мм, тола чиқими 36—37 фоиз, тола пишиқлиги 4,3—4,6 г/куч, майинлиги 6100—6300, микронейри 4,3, узилиш узунлиги 27,1—28,1 гк/текс, толаси 4-тип талабига жавоб беради. Истиқболли навлар қаторига киритилган. Юқори агротехника қўлланилган жойда 35—38 центнер ҳосил берган.

«Наврўз» нави.

Ўзанинг ўрта толали «Наврўз» нави Пахтачилик илмий-тадқиқот институти олимлари А.Баҳромов ва бошқалар томонидан яратилган. Навнинг ўсув даври 122—125 кун, толаси 5-типга мансуб, тола чиқиши 39—40 фоиз, тола узунлиги 32,5—33 мм, нисбий узилиш узунлиги 25,9—26,0 гк/текс, метрик рақами 5900—5950, микронейр кўрсаткичи 4,4—4,6. 1000 дона чигит оғирлиги 125—130 грамм. Яхши ишлов берилган пайкалларда 40—45 центнергача ҳосил олинган. 2006 йилдан истиқболли деб топилган.

«Бўстон» нави.

Ўзанинг «Бўстон» нави Пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Фарғона филиалида М.М. Ҳожиматов ва бошқалар томонидан С-6532 х Тошкент-6 навларини ўзаро чатиштириб, кўп марта якка танлаш усули билан яратилган. «Бўстон» нави тезпишар ғўза навлари гуруҳига киради. Ўзанинг ўсув даври 100—110 кун, 1000 дона чигит вазни 115—120 грамм, тола

чиқиши 38,4 фоиз, тола узунлиги 33,6—34,5 мм, микронейри 4,4—4,5, толанинг узилиш қуввати 4,4—4,5 гк, толаси 5-типга мансуб. Юқори агротехника билан парваришланган майдонларда 35—40 центнер ҳосил етказилган.

Мамлакатимиз селекционерлари ҳосилдор, сертола, тезпишар, касалликларга чидамли, толасининг технологик кўрсаткичлари жаҳон талабларига жавоб берадиган бошқа ғўза навлари устида ҳам иш олиб бориб, уларни Давлат нав синаш тармоқларида турли хил тупроқ иқлим шароитида синовдан ўтказиб келаётирлар. Давлат синовидан ўтаётган ўнлаб, юзлаб ғўза навлари орасидан жаҳон бозори талабларига мос бўлган «Бухоро-6», «Наманган-77», «С-6524», «Бухоро-102» каби тола сифати юқори ғўза навлари келгусида катта майдонларни эгаллашига шубҳа йўқ. Улуғ ниятлар билан яратилган ғўза навларининг морфологик ва технологик белгиларининг сақланиб қолиши, яъни навнинг барқарорлигини йўқотмаслик чораларини шу навлар устида ишлаётган ғўза уруғчилиги ходимлари ва нав муаллифлари қатъиятлик билан иш юритишлари зарур бўлади. Яратилган ғўза навларини шошма-шошарлик билан ва уни ишлаб чиқаришда чуқур ўрганмасдан туриб кўпайтиришга йўл қўймаслик тўғри бўлади. Чунки бундан ишлаб чиқариш фойда кўрмайди. Демак, экилаётган ғўза навлари мамлакатимиз равнақиға хизмат қилишини унутмаслик зарур.

Уруғлик чигитларни ғўзанинг касаллик ва зараркунандаларига қарши дорилаш ва экиш учун хўжаликларга етказиб бериш

Ғўза ўсимлиги ўсув даврида бир неча хил касалликларга дучор бўлади. Касалликка чалинган ёш ғўзаларнинг ривожланиши сусаяди, вегетация даврида айримлари нобуд ҳам бўлади. Ғўзалар ёш пайтида илдиз чириш (қора чириш) ва гоммоз касалликларига кўпроқ учрайди. Бундан ташқари, ўсув даврида вертициллез ва фузариоз сўлиш касалликларига ҳам учраши мумкин. Бу салбий ҳолатлар ҳосилнинг кескин камайишига олиб келади.

Илдиз чириш касаллиги. Бу касалликни тупроқда яшайдиган ризоктония замбуруғи қўзғатади. Илдиз чириш касаллиги ер ости сувлари яқин бўлган, айниқса намлиги юқори бўлган жойларда экинни кўпроқ зарарлайди. Серёғин ёки салқин келган баҳор ойларида касаллик тез ривожланади.

Қайд этилган замбуруғ таъсирида тупроқда унаётган чигит ва уруғ палла тупроқ ичида чириши, униб чиққан ниҳол поясининг тупроқ юзасига энг яқин қисми нозиклашиши, ҳалқасимон яра билан қопланиб чириши ва ниҳол ҳалок бўлиши, ниҳолнинг ўқ илдизи ва ён илдизларида, пояси ва уруғ паллаларида доғланишлар пайдо бўлади. Оқибатда шу органлар қисман ёки бутунлай чириши мумкин. Натижада экиннинг гектардаги ниҳол сони камаяди.

Тупроқнинг қатқалоқ бўлиши, уруғни меъеридан чуқур экиш ёки уруғлик сифатининг паст бўлиши ҳоллари ҳам илдиз чириш касаллигининг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Уруғ чириганда унинг ички қисми қўнғир тусга киради. Илдиз бўғини яқинида касаллик пайдо бўлса, унда қорамтир доғлар ҳосил қилади. Зарарланган жойда пўстлоқ ёрилиб кетади, натижада қуйидан юқорига сув ва озуқа маҳсулотларининг ҳаракати бузилади, касалланган ўсимлик аввал сўлийти, сўнгра қуриб қолади. Бу касалликка қарши агротехник чоратадбирлар ўз вақтида ўтказилиши, яъни қатор орасида майин культивация орқали юмшатилиши, нами қочирилиши зарур. Уруғлар аввалдан сифатли равишда тавсия қилинган уруғдорилагичлар билан дориланиши зарур.

Гоммоз касаллиги. Гоммоз ғўзанинг бутун ўсиш даврида барча органларини зарарлайди. Касалликнинг 4 хил — уруғбарг, чинбарг, поя ва кўсак шакли мавжуд. Уруғбарг шакли зарарланган чигитдан ривожланади. Гоммознинг биринчи белгилари ниҳол чиққандан 7—10 кундан сўнг яхши кўринади. Уруғ баргларда тўқ яшил, думалоқ, сув шимиб олганга ёки мой томганга ўхшаган доғлар пайдо бўлади. Улар кейинчалик қуриб, сарғиш-жигар ранг, сўнгра қўнғир, атрофи қизғиш тусга киради. Поячада чўзинчоқ, қора доғлар пайдо бўлади. Чин баргларда доғлар тўқ яшил, мой томганга

Ўхшаш қиррали (кўп бурчакли) бўлиб, сўнгра қурийди, қўнғир тус олади. Пояда ҳосил бўладиган доғлар чўзинчоқ, қора кўсакларда ҳам тўқ яшил, сув шимиб олганга ўхшаш ботиқ, думалоқ ёки бир оз чўзинчоқ, вақт ўтиши билан тўқ қўнғир ва охири қора тус олувчи доғлар ҳосил бўлади. Кўсакнинг зарарланган жойлари емирилади ва бактериялар толага ўтади. Тола сарғиш қўнғир тус олади, бир-бирига ва кўсак чаноғининг ички деворчаларига ёпишиб қолади. Зарарланган чигит пишмайди ва ҳаётчанлигини йўқотади. Демак, бу касалга чалинган ғўзалардан юқори ҳосил олиш кўнгилдагидек бўлмайди. Шунинг учун уруғлик чигитларни тайёрлашда гоммоз касалининг олдини олишга ишлатиладиган самарали кимёвий препаратлар бронотак, бронопол, баҳор ҳамда П-4 каби уруғдориллагичлар билан сифатли дорилаш лозим бўлади.

Бундан ташқари ғўзанинг вертициллез ва фузариоз касалликлари ҳам энг хавfli бўлиб, бу касалликлар билан чалинган пайкаллардан юқори ҳосил олиш қийин бўлади. Бу касалликлар собиқ Иттифоқ даврида, айниса, ўрта тўлали ғўзалар экилган далаларда ҳосилдорлик кескин камайганлиги кўпчиликка маълум. Республикамизнинг мустақиллигидан сўнг, ердан фойдаланиш тизими ўзгарганлиги, яъни пахта ва ғалла экинлари бир-бири билан тез-тез алмашиши эвазига бу касалликлар ғўзага катта зиён қилмаётгани кузатиляпти. Демак, бу касалликлар кескин камайди.

Гоммоз ва илдиз чириш касалликлари уруғнинг унувчанлиги ва ўсимликларнинг ҳаёттичилигини камайтиради. Пахта майдонларида гоммознинг тарқалишига йўл қўймаслик, илдиз чириш касаллигига қарши курашиш ва униб чиққан кўчатларни кемирувчи зараркунандалардан сақлаш мақсадида Ўзбекистонда экишга мўлжалланган чигитлар пахта тозалаш корхоналарининг уруғлик чигит тайёрлаш цехларида олдиндан тайёрланади.

Уруғлик чигитни саноат шароитларида дорилаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат кимё комиссияси томонидан тавсия этилган препаратларни қўллаб амалга оширилиши лозим. Бу

препаратлар, албатта, амалдаги «Ўзбекистон Республикаси ўсимлик зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларга фойдаланиш учун рухсат этилган кимёвий ва биологик ҳимоя воситалари, дефолиантлар ҳамда ўсимликларнинг ўсишини бошқарувчи воситалар рўйхати»га кирган бўлиши шарт.

Ўзанинг гоммоз ва илдиз чириш касалликларига қарши, юқорида қайд қилинган тартибга кўра, рухсат этилган кимёвий препаратлар бронотак, бронопол, витайакс 200 фф, П-4, баҳор ва ҳимоя кабилар ишлатилади. Ушбу препаратлар билан чигит экилишдан 4 ой олдин бошлаш ва экишга 15—20 кун қолганда дорилаш тугалланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бронотак, 12 фоиз кукун, «Байер Кроп Сайенс», Германияда ишлаб чиқарилган, 2007 йил 31 декабрда қайта рўйхатга олинган. Уруғлик чигитни дорилашда гоммоз касаллигига қарши тавсия этилган бактерицидир. Кам заҳарли, туқ пушти рангда бўлади. Бир тонна уруғлик чигитга 6—7 килограмм миқдорда препарат ишлатилади. Таъсир этувчи моддаси «бронопол». Намланган тукли ва туксиз чигитлар упалаб дориланади.

Бронопол, 12 фоиз кукун, «Байер Кроп Сайенс», Германияда ишлаб чиқарилган, 2007 йил 31 декабрда рухсат этилган. Бу ҳам уруғлик чигитни дорилашда гоммоз касаллигига қарши тавсия этилган. Бир тонна чигитга 6—7 килограмм ишлатилади. Таъсир этувчи моддаси «бронопол». Намланган тукли ва туксиз чигитлар упалаб дориланади. Бу препарат ўрнига Далброн тавсия қилинади.

П-4, 65 фоиз сус.к. Ўзбекистон «Агроким» МЧЖда ишлаб чиқарилган. 2005 йил 31 декабрда қайта рўйхатга олинган. Таъсир этувчи модда «диметилол карбамид». Бир тонна уруғлик чигитга 4 литр сарфланади. Ўзада илдиз чириш ва гоммоз касаллигига қарши ишлатилади. Чигит препарат суспензиясида бир тонна тукли чигитга 25—30 литр ва бир тонна механик усулда туксизлантирилган чигитга 15—20 литр эритма сарфлаб дориланади.

Витайакс 200 фф, 34 фоиз с.сус.к. «кромптон (юнироял кемикал) Реджистршнз ЛТД» Буюк Британияда

ишлаб чиқарилган. 2009 йил 31 декабргача рўйхатга олинган. Таъсир этувчи моддаси «карбоксин+тирам». Ғўзанинг илдиз чириш, гоммоз ва ниҳолларнинг фузариоз сулишига қарши ишлатилади. Бир тонна чигитга 5 килограмм препарат сарфланади. Чигит препарат суспензиясида бир тонна тукли чигитга 25—30 литр ва бир тонна механик усулда туксизлантирилган чигитга 15—20 литр эритма сарфлаб дориланади.

Баҳор, 93 фоизли намланувчи кукун. Ўзбекистонда «Навкар-сервис» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган. Таъсир этувчи модда «Салитил кислотасининг аммоний тузи». Бу янги препарат ғўзанинг гоммоз ва илдиз чириш касалликларига қарши ишлатилади. Уруғлик чигитнинг бир тоннасига 0,6—0,75 килограммдан ошмаган ҳолда сарфлаш лозим. Чигит препарат суспензияси бир тонна тукли чигитга 25—30 литр ва бир тонна механик усулда туксизлантирилган чигитга 15—20 литр эритма сарфлаб дориланади.

Ҳимоя, 10 фоизли суюқ. «Экохимбиосервис» МЧЖ (Ўзбекистон)да ишлаб чиқарилган. Ғўзанинг гоммоз ва илдиз чириш касалликларига қарши ишлатилади. Таъсир этувчи модда «полихлориодид». Бир тонна чигитга 4 литр миқдорда препарат сарфланади. Чигит препарат эритмасида бир тонна тукли чигитга 25—30 литр ва бир тонна механик усулда туксизлантирилган чигитга 15—20 литр эритма сарфлаб дориланади.

Витарос, 34 фоиз с.сус.к. Россияда ЁАЖ «Август» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган. 2009 йил 31 декабргача рўйхатга олинган. Ғўзанинг илдиз чириш ва гоммоз касалликларига қарши ишлатилади. Бир тонна чигитга 5 литр миқдорда сарфланади. Чигит препарат суспензиясида бир тонна тукли чигитга 25—30 литр ва механик усулда туксизлантирилган чигитга 15—20 литр эритма сарфлаб дориланади.

Юқорида қайд этилган препаратлар ғўзанинг гоммоз ва илдиз чириш касалликларига қарши уруғлик чигитлар дориланса, ғўзанинг ёш пайтида уни зарарлайдиган шира ва трипс каби сўрувчи ҳашаротларига қарши, касалликларга қарши ишлатиладиган препаратларга қўшиб ёки аралаштирилиб, қуйидаги препаратларни ишлатиш тавсия қилинади:

Гаучо, 70 фоизли н.кук. Германиянинг «Байер Кроп Сайенс» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган, 2009 йил 31 декабргача рўйхатга олинган. Таъсир этувчи модда «Имидаклоприд» ғўзанинг шира ва трипс ҳашаротига қарши қўлланилади. Бир тонна чигитга 5 кг препарат сарфланади. Чигит препарат суспензиясида бир тонна тукли чигитга 25—30 литр ва механик усулда туксизлантирилган чигитга 15—20 литр эритма сарфлаб дориланади. Бу препарат ўрнига Далучо тавсия қилинади.

Лансер, 80 фоиз кук. «Юнайтед Фосфорус» Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган. 2006 йил 31 декабрда қайта рўйхатга олинган. Таъсир этувчи модда «Ацефат». Ғўзанинг ёш даврида зарар келтирадиган шира ва трипс ҳашаротига қарши ишлатилади. Бир тонна чигитга 4 килограмм препарат сарфланади. Чигит препарат суспензиясида бир тонна тукли чигитга 25—30 литр ва бир тонна механик усулда туксизлантирилган чигитга 15—20 литр эритма сарфлаб дориланади. Таъсир этиш муддати 25—30 кун. Уруғлик чигитни дорилашда қўшиб ишлатилади. Бу препаратнинг 75 фоизлиги шира ва трипсга қарши ўсимликнинг ўсув даврида ҳам ёш ғўзаларга пуркаб ишлатилади. Бунинг ўрнига Далцефат тавсия қилинади.

Ортен, 75 фоиз н.кук. АҚШнинг «Арвеста Корпорейшн» фирмасида ишлаб чиқарилган. 2006 йил 31 декабрда қайта рўйхатга олинган. Таъсир этувчи модда «Ацефат». Ғўзанинг ёш пайтида зарарлайдиган шира ва трипсга қарши ишлатилади. Бир тонна чигитга 4 килограмм препарат сарфланади. Чигит препарат суспензиясида бир тонна тукли чигитга 25—30 литр ва бир тонна механик усулда туксизлантирилган чигитга 15—20 литр эритма сарфлаб дориланади. Бу препарат ҳам уруғлик чигитни дорилашга қўшиб ишлатилади (касалликлар ва уларга қарши препаратлар эритмаси тайёрлаш меъёрлари Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш (РЎҲК) илмий-тадқиқот институти маълумотларидан олинди).

Юқоридида қайд этилган касалликлар ва ҳашаротларнинг зиёни ғўзанинг меъёрида ривожланиши учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган ғўза навларини жойлаштириш режасига

биноан уларнинг уруғлик чигитларини дорилашни махсус ихтисослаштирилган пахта тозалаш корхоналари цехларида амалга оширилади.

Уруғлик чигитларни дорилашни сифатли, юқорида тавсия этилган кимёвий препаратларни ишлатишни кўнгилдагидек ўтказиш учун ҳар бир вилоятнинг ихтисослашган пахта тозалаш корхонаси дорилаш цехида вилоят ва туманлар ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази ва отрядлари, «Уруғназоратмаркази», вилоят ва туманлар қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқарма ва бўлимлари ҳамда «Пахтасаноат» корхоналари мутахассис ва раҳбарлари иштирокида уруғлик чигитни дорилашда ишлатиладиган кимёвий препаратлардан барча қоидаларга мос равишда фойдаланиш ва ишчи эритмалар тайёрлашга оид кўргазмали семинарлар ўтказилади. Ўтказилаётган семинарларнинг муҳокамасига киритилган барча саволлар батафсил муҳокама қилиниб, баённома қарори билан расмийлаштирилади.

Уруғлик чигитнинг сифатли дориланишига туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими, «Уруғназоратмарказ», туман ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди вакиллари ва пахта тозалаш корхонаси дорилаш цехи бошлиғи масъул деб ҳисобланиб, ҳар бир дориланган уруғлик чигит қоғоз қопга этикеткаси ёпиштирилиши ва «заҳарли» сўзи ёзилишини таъминлайди ва дорилаш тугалланиши охирида умумий далолатнома тузилиб, унинг сифатли ўтгани бўйича имзо қилиб, дорилашнинг якунланганини раҳбариятга билдиради.

Ҳамма жойларда уруғлик чигитларни дорилаш ишлари белгиланган режа асосида ҳар жорий йилнинг 15 февралигача тугалланиши лозим. Бунинг учун дорилаш ва ғўза навларини жойлаштириш режаси 15 декабр гача белгиланиши керак. Дориланган уруғлик чигитлар пахта тозалаш корхоналарининг ёпиқ қор-ёмғир ўтмайди-ган омборларида навлари ва авлодлари бўйича O'z Dst 663:2006 «Уруғлик чигит» стандарти талаби асосида уруғлик жойлашган қоплар тўдаларда алоҳида-алоҳида қилиб, ёғоч тагликлар устида тахланиб экишгача сақланади. Ҳар бир уруғлик чигит тўдасига паспорт осилган бўлади. Ҳар бир тўданинг миқдори 25 тоннадан ошиб кетмаслик чораси белгиланади. Уюмлар орасида-

ги масофа ҳамда уюмлар ва хона деворлари орасидаги масофа 1 метрдан кам бўлмаслиги керак.

Дориланиб тайёрланган уруғлик чигитларни сақлаш ва хўжаликларнинг экишига етказиб бериш тартиби «Ўзпахтасаноат», Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги, Ўзбекистон «Сифат» маркази, «Ўздавуруғназоратмаркази» ва Ғўза уруғчилиги республика маркази томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган ҳужжат асосида амалга оширилади. Ушбу ҳужжат ихтисослаштирилган уруғлик чигит ишлаб чиқарувчи корхоналарда тайёрланган уруғлик чигитни сифатли қилиб сақлаш ва уни пахта экувчи фермер хўжаликларига тасдиқланган график асосида ўз вақтида етказиб бериш тартибини белгилайди. Бу тартибнинг бажарилиши барча уруғлик чигит тайёрловчи корхоналар ва пахта экувчи фермер хўжаликларга ҳамда мутасадди бўлган давлат назорат ташкилотлари учун мажбурийдир.

Уруғлик чигит сақланиши режалаштирилган маҳсус омборлар олдиндан текширилган бўлиши ва қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

— омборнинг томи тўлиқ ёпилган бўлиши ва ундан чакка ўтмаслиги;

— қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши ишлов берилганлиги тўғрисида тегишли далолатноманинг бўлишлиги;

— омборнинг мустаҳкам эшиги бўлишлиги ва унинг қулф билан таъминланиши.

Уруғлик чигитни пахта экувчи фермер хўжаликларига етказиб бериш учун керакли транспорт воситалари пахта тозалаш корхоналари томонидан ажратилиши лозим.

Қопланган уруғлик чигитни ташиш учун турли хилдаги усти ёпик, тегишли қоидаларга жавоб берувчи транспорт воситаларидан фойдаланилади (агар уруғлик чигит очиқ транспорт воситаларида ташилса қопларнинг усти брезент билан ёпилган бўлиши шарт). Омборда дориланган ҳолда сақланаётган ҳар бир уруғлик чигит тўдасига паспорт осилган бўлиб, унда қуйидагилар кўрсатилиши лозим: маҳсулотнинг номи, тўда тартиб рақами, селекцион нави, авлоди, чигит унув-

чанлиги, чигит категорияси, дала гуруҳи, тўданинг ҳақиқий ва кондицион массаси ва ҳосил йили катта қилиб ёзиб қўйилади.

Чигит экиш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказишни таъминлаш мақсадида туман хўжаликларига қулай жойлардан дориланган чигитларни экишгача сақлаш ва уни экишга тайёрлаб берадиган махсус шохобчалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан маъқулланган схема асосида ташкил этилади.

Махсус шохобчалар фермер хўжаликларига экиш учун керакли бўлган уруғлик чигит миқдорига қараб ташкил қилинади. Уруғлик чигит, пахта тозалаш корхонаси омборларидан туман ҳокимининг ғўза навларининг жойлаштирилиши ҳақидаги қарорига асосан, селекцион нави ва авлоди бўйича кўрсатилган миқдорларда, махсус шохобчаларга жўнатилади. Жўнатилаётган чигит корхонада тарозида тортилиб, унинг физик ва кондицион массалари аниқланган бўлиши керак. Бу кўрсаткичлар махсус рақамланган, тикилган, корхона раҳбари томонидан имзоланган ва муҳрланган дафтарда қайд этилади. Бу дафтар пахта тозалаш корхонасининг уруғлик чигит товаршуноси томонидан тўлдирилади ва у ёзилганларнинг тўғрилигига ҳамда дафтарнинг сақланишига жавобгардир.

Пахта тозалаш корхоналаридан жўнатишган уруғлик чигит туман шохобчаларида пахта тозалаш корхонаси томонидан беркитилган махсус жавобгар шахс томонидан қабул қилинади.

Уруғлик чигит пахта тозалаш корхонасидан берилган йўл товар транспорт варақаси асосида қабул қилинади. Бу ҳақда рақамланган, тикилган, корхона раҳбари томонидан имзоланган ва муҳрланган махсус дафтарда қайд қилинади. Қабул қилинган чигит омборларда уни тайёрлаш усули (тукли, туксизлантирилган), авлоди ва селекцион нави кўрсатилган ҳолда алоҳида-алоҳида сақланади.

Қабул қилинган уруғлик чигитнинг селекцион нави, авлоди бўйича кўрсаткичлари ва миқдори тўғрисида шохобчадаги жавобгар шахс ҳар куни пахта тозалаш

корхонаси раҳбариятига расмий равишда маълумот тақдим этади.

Пахта тозалаш корхонасидан юборилган уруғлик чигит ва махсус шохобчага қабул қилинган уруғлик чигит миқдори ўртасида тафовут аниқланса, бу ҳақда далолатнома тузилади ва шу кун пахта тозалаш корхонаси раҳбариятига ахборот берилади.

Қабул қилинган уруғлик чигитнинг сақланиш сифати ва миқдорига шохобчага беркитилган масъул шахс жавобгар. Уруғлик чигитни етказиб беришдаги ҳисобкитоб ишларини ташкил этишда туман ҳокимлигининг қарорига асосан ғўза навларининг ҳар бир фермер хўжаликлари бўйича жойлаштирилишидан келиб чиқиб, ҳар бир хўжаликка етказиб бериладиган чигит миқдори аниқлаб чиқилади. Тақсимотга асосан, уруғлик чигит бериш вақтида шохобча ҳар бир фермер хўжаликлари бўйича 3 нусхада юк хатини тулдиради ва уларга етказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳар йили декабрь ойида қабул қилинадиган ғўза навларини жойлаштириш туғрисидаги қарорига мувофиқ фермер хўжаликлари экишга оладиган уруғлик чигитнинг 50 фоиз қийматини олдиндан тўлаб берадилар. Бунинг учун хизмат кўрсатувчи банкларга 50 фоиз қийматга кредит ресурслари ажратиш туғрисида буюртма (заявка) берилган тўлов тақдимномалари тақдим этадилар. Тақдим этилган тўлов тақдимномалари банклар томонидан умумлаштирилади ва кредит маблағлари ажратилиб, тегишли пахта тозалаш корхоналарига ўтказиб берилади. Уруғлик чигит тарқатишда унинг 50 фоиз қиймати тўланганлигини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

Уруғлик чигитнинг шохобчалардан фермер хўжаликларига берилиши учун қуйидаги ҳужжатлар бўлиши шарт:

— жорий йил ҳосили учун чигит экишга тайёрланган майдонга уруғлик чигит бериш ҳақидаги сертификат;

— хўжалик раҳбарияти томонидан берилган ишонч қоғози;

— уруғлик чигит олиш учун талабнома (ариза).

Фермер хўжаликларига уруғлик чигит туман ҳокимининг ғўза навларининг жойлаштирилиши ҳақидаги қарорига ҳамда хўжаликнинг кунлик экиш режасига қатъий риоя қилган ҳолда берилади. Берилаётган чигитнинг массаси давлат кўригидан ўтган тарозида тортилади. Бу чигитнинг селекцион нави, авлоди бўйича кўрсаткичлари ва миқдори махсус дафтарда қайд қилинади. Шохобчага беркитилган масъул шахс томонидан хўжаликларга берилган уруғлик чигит тўғрисида маълумот пахта тозалаш корхонаси раҳбариятига топширилади.

Шохобчадан олинган уруғлик чигитнинг сифатли сақланишига ва экилишига фермер хўжаликларининг раҳбарияти жавобгардир. Шохобчалардан хўжаликларга уруғлик чигитни тарқатиш туман ҳокими томонидан тасдиқланган схемага асосан амалга оширилади. Уруғлик чигитни тарқатишда фермер хўжаликлари раҳбарлари, ғўза уруғчилиги бирлашмаси ходимлари, шохобчага беркитилган шахс ва пахта тозалаш корхонаси раҳбарлари масъулдирлар.

Хўжаликларга тарқатилаётган чигитнинг миқдори ҳар бир хўжаликда қўлланиладиган экиш схемасига асосан тарқатилади. Хўжаликда қўлланиладиган схема тури туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими ва хўжалик томонидан тасдиқланган ҳолда шохобчага тақдим этилади. Қайта экиш учун қўшимча уруғлик чигит талаб этиладиган бўлса, қайта экиладиган майдоннинг зарарланганлиги тўғрисида туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими, «Уруғназоратмарказ», Ғўза уруғчилиги бирлашмаси, пахта тозалаш корхонаси, «Гидромет» ходимларидан иборат махсус комиссия томонидан зарарланган майдон ва талаб этиладиган чигит миқдори аниқланади. Комиссия томонидан далолатнома тузилади ва шохобчага уруғлик ажратишга асос бўлиш учун тақдим этилади.

Фермер хўжаликлари томонидан пахта экиладиган майдонларни экишга тайёрлаш, техника ва сеялка отрядларини тахт қилиш, экишга қатнашадиган гуруҳларни тузиш, уларни керакли анжомлар билан таъминлаш ишларини бажариб қўйиш лозим. Ернинг тўлиқ экишга тайёрлиги ҳақида фермер хўжаликлари серти-

фикат олгандан сўнг ўзининг техникасига ёки машина-трактор паркларининг бир кунлик экиш унумини назарда тутган ҳолда, туман ҳоқими қарорида белги-ланган нав бўйича уруғлик чигит олиш учун шохобча-га ариза беради. Экиш учун берилган барча ҳужжатлар-га кўра, шохобчага биркитилган масъул аризада кўрсати-лган миқдордаги чигитни тарозига тортиб беради ва уни шу шохобча қошида тайёрланган намлаш ва димлаш хандақларида пахта тозалаш корхонаси томони-дан тузилган 4—5 кишидан иборат гуруҳ аъзолари олин-ган чигитни 1,5 метр кенгликда ва узунлиги 3 м 30 см қалинликда (баландликда) бетонланган хандақ (2х3, ичи қавариқ шаклида)ларда ёйиб, уч марта намлаб димланади. Бир тонна чигитга ҳавонинг ҳарорати ва намлигига қараб, 400 литрдан 600 литргача сув сарф-ланиб, сув аста-секин гулчелак (лейка)да пуркалиб, гарам эса белкуракда қориштириб турилади. Ҳар галги сув пуркашдан сўнг чигит баландлиги 50—70 см қалин-ликда йиғилиб, устига полиэтилен плёнка ёки брезент ёпиб қўйилади. Чигит кун давомида намланиб димла-нади. Намлаш, димлаш жараёнида чигитларни шикаст-лантиришга йўл қўймаслик зарур. Шохобчада экилади-ган тукли уруғлик чигитларни димлаш учун брезент, махсус майдонча (хандақ), 2—3 дона пақир, чигитни ўлчаш учун тарози, аралаштириш учун ёғоч белкурак-лар, махсус кийимлар, резина этиклар, қўлқоплар, респираторлар бўлиши керак. Намлаб-димланган чигит ўз вақтида олиб экилмаса, уруғлик чигитнинг сифати бузилса, бунинг учун шахсан фермер ҳужалиги жавоб беради. Шохобчада чигитни тарқатишга оид барча тар-тиб-қоидалар, раҳбарий ҳужжатлар намуналари мах-сус тахтачаларга осиб қўйилади, бундан фермер ҳўжа-ликлари тўлиқ фойдаланишга эришади. Шохобчада иш-ловчи гуруҳлар учун «Пахтасаноат» корхонаси томони-дан 3 маҳал иссиқ овқатлар ташкил қилинади. Бундан ташқари, фермер ҳўжаликларига экиш даврида қулай-лик яратиш учун экиш даласигача чигитни ташиб бе-риш учун пахта тозалаш корхонаси транспорт ҳам (фер-мер ҳўжалигида транспорт мавжуд бўлмаса) ажратади.

Дориланган экишга тайёрланган тукли уруғлик чигитларни бошқа хилда сувга солиб қўйиш билан

ивитиб тайёрлаш мутлақо ман қилинади, бу ҳолда ивитиш унга ишлатилган кимёвий препаратларнинг ювилиб кетишига олиб келади. Туксизлантириб дориланган чигитлар намланмасдан қуруқлигича экилаверади.

Ерни чигит экишга тайёрлаш ва экишни уюшқоқлик билан ўтказиш

Пахтакорларимизга маълумки, ер қанчалик экишга сифатли тайёрланса, бундай далалардан юқори ҳосил олишга замин яратилади. Демак, экилган чигитлардан бир текис кўчатлар олинишига эришилади. Шуларни ҳисобга олган деҳқонларимиз чигит экиш олдидан шудгорланган ерларни сифатли текислаш, ернинг намини сақлаш мақсадида бороналаш, чизеллаш ишларини кўнгилдагидек бажариш билан далага техникаларнинг кам юришини таъминлаб, тупроқнинг ортиқча зичланишига йўл қўймаслик чораларини белгилайди.

Айни сабабларни ҳисобга олиб, бир йўла ерни юмшатиш учун чизел-борона ва мола қилинса ернинг ошиқча зичланиши олди олинади. Тўлиқ гектар бўлиши учун даланинг боши ва охири томонларида бирор қадам ҳам ернинг бўш қолишига йўл қўймаслик зарур бўлади. Чигитнинг тупроққа бир текис кўмилиши учун далада бирорта ҳам пастлик ёки баландлик ерлар бўлмаслик чораси (текис бўлиши) белгиланиши лозим. Экишдан олдин бажариладиган бу ишлар билан далада мавжуд бўлган бегона ўт қолдиқлари (айниқса, ажриқ ва ғумай) бирма-бир териб олиниб, дала четига чиқарилиши керак. Ер қанчалик текис ва кесакларсиз экишга тайёрланса, шунчалик тупроқда нам сақланиши билан чигит экиш сифатли амалга оширилади.

Бухоро вилояти далаларида ерлар шўр ювилгандан сўнг борона-мола ва чизел қилиниб тупроқ нами сақланади, тайёрланган ерда айни ускуналар, яъни борона-мола ўтказилиши эвазига экишга халақит берадиган кесаклар қолмасдан эзилиб майдаланиб кетиши таъминланади. Дала теп-текис ҳолга келади. Бундай ҳолат сеялкадан тушаётган чигитнинг узлуксиз тупроққа кўмилишига олиб келади.

Албатта, пахтакорларимиз ерни экишдан олдин қанчалик кўнгилдагидек сифатли тайёрлаши бир текис ғўза ниҳолларига эга бўлишига олиб келади. Бундай ҳолатни юзага келтириш учун мавжуд бўлган техникаларни аввалдан мустаҳкам тайёрлаб қўйишлари зарур. Бунинг учун ишчи қуролларни тортиб юрадиган тракторлар, бир неча қатор борона, мола ва чизел механизмлари тахт қилиниши керак. Далани экишга тайёрлашда очиқ кунлардан самарали фойдаланиш, об-ҳаво ҳисобга олиниб иш юритилиши лозим.

Чигит экиладиган далаларда тупроқда мавжуд бўлган намликнинг исроф бўлишига йўл қўймасдан иш қўриш, шамол ва иссиқ кунларда нам кўтарилишининг олдини олиш чоралари белгиланиши керак. Шундай майдонларда энгил бороналаш ўтказилиши билан нам сақланиши зарур бўлади. Эрта баҳорда бороналаш 8—10 см қатламда тупроқнинг механик таркибига қараб юмшатилади. Биринчи ўринда нам тез кўтариладиган энгил тупроқларда бундай ишлар бажарилгани маъқул. Бундай тадбирларни феврал охири ва март ойлари бошида бажармоқ зарур.

Ёғингарчилик унча етарли бўлмайдиган, тупроқ нами чигитнинг тўлиқ униб чиқиш имконияти кам бўлган қуруқ-чўл майдонларда аввалдан пушта-эгат олиниб экишдан олдин суғориш ташкил қилиниши мақсадга мувофиқдир. Экишдан олдин суғорилиб, тупроқ оби-тобига келиши билан энгил бороналаб чигит экиш орқали тўлиқ ғўза кўчатлари олишга эришаётган туман ва ҳўжаликлар катта майдонларни ташкил этади. Бундай усулда чигит экиш ҳўжаликлари қаторига Қашқадарё вилоятининг Нишон, Косон, Миришкор, Қарши, Муборак ва Касби туманлари, Сурхондарё вилоятининг Шеробод, Музработ, Ангор, Термиз, Қизириқ, Жарқўрғон ва Бандихон туманлари ва Фарғона вилоятининг айрим ҳўжаликлари киради. Бу қайд қилинган туманлардаги ҳўжаликлар экиш олдидан гектарига 1200—1500 м³/га сув бериш билан йилма-йил яхши натижаларга эришмоқда.

Юқорида қайд қилинганидек, чигитнинг сифатли экилишини кўнгилдагидек амалга ошириш, чигит экиладиган майдонларни, яъни кузги шудгордан кейин

чизеллаш, текислагич мосламалар билан талаб даражасида равон қилиб текислаш, кесак бўлишига йўл қўймаслик, тупроқ намлигини сақлаб қолиш, чигитнинг тўлиқ кўкариб чиқишига шароит яратиш, далада тўлиқ гектар бўлишига эришиш, даланинг боши ва охирида бўш ер қолишига йўл қўймаслик, чигит экиладиган майдонда чигитларнинг текис тупроққа кўмилиши, ўз намига тўлиқ ғўза ниҳоллари олишга эришиш деҳқоннинг асосий вазифаси эканлигини унутмаслик лозим. Шунинг учун ҳам даланинг чигит экишга тўлиқ тайёрлигига ишонч ҳосил қилиш, яъни ернинг экишга тайёрлиги бўйича мутахассислар томонидан махсус сертификатлар берилиши жорий қилинди. Юқорида уруғлик чигитни экиш учун тарқатиш раҳбарий ҳужжат талаби асосида хўжалик раҳбарининг ернинг экишга тайёрлиги бўйича берилган сертификатга биноан «Пахтасаноат» корхонаси ташкил қилган шохобча таъминотчи масъулидан чигитни димлаш-намлашга олиб, пахта тозалаш корхонасининг шохобчасидаги мавжуд бетон хандакларда махсус гуруҳ аъзоларига топширади ва улар томонидан барча қоидаларга асосан димлаш ниҳоясига етгандан сўнг фермер хўжалиги экиш учун далага олиб кетади.

Чигит экишни сифатли ва қисқа муддатларда уюш-қоқлик билан амалга ошириш учун чигит экиш агрегатларининг экишга тўлиқ тайёр бўлиши ҳам энг муҳим ишлардан биридир. Экиш агрегатлари ҳар томонлама текширувдан ўтган ҳолда тайёрланиши лозим. Агарда унинг носозлиги комиссия кўригидан ўтмасдан, экишга руҳсат этилганлиги ғўза ниҳоллари пайдо бўлганидан сўнг, унинг қатор ораларига ишлов бериш даврида салбий оқибатларга олиб келади ва натижада трактор культиваторлари ғўза қатор орасида қарийб 4 ойлаб юришида ғўза тупларига, яъни унинг илдиз системасига шикаст етказиб, белгилаб қўйилган ғўза туп сонларининг камайиб кетишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам экиш агрегати ва тракторга ўрнатилган қўшимча ишчи органлар талаб даражасида мустаҳкамланиши шарт. Экиш агрегатлари (сеялка) тақилган тракторларга, албатта, ўғитлагич мосламалари ўрнатилиб ишлатилиши зарур. Чунки ғўза ёш даврида

тупроққа илдиз қадаши билан ҳар хил минерал озукларга муҳтож бўлади.

Чигит экишни қисқа муддатларда сифатли тупроқнинг оби-тобида экилишини таъминлаш учун бир қанча фермер хўжаликларини ўз ичига олган маҳсус экиш отрядлари тузилади ва тегишли масъуллар раҳбарлигида чигит экиш ташкил этилади. Отрядларга масъуллар туман ҳокимининг қарори билан машина-трактор парки, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими, қишлоқ кимё тармоқлари ва пахта тозалаш корхоналарининг етук мутахассис ходимлари биркитилади. Булар томонидан белгиланган муддатларда чигит экиш сифатли равишда амалга оширилиши таъминланади. Фермер хўжаликларини узлуксиз ҳолда намланиб-димланган тайёр уруғлик чигит билан белгиланган пахта тозалаш корхонасининг шохобчалари юқорида қайд қилинганидек, таъминлаб туради. Экишга тайёрланган чигитни экиш сеялкасига етказишга қўшимча транспорт ажратади. Шу билан чигит экиш агрегатларининг узлуксиз ишлаши ташкил қилинади.

Экишдан олдин чигит экишни қисқа муддатларда сифатли, об-ҳавонинг ҳар бир очиқ кунидан самарали фойдаланиб, ишни ташкил қилишга бағишланган семинарлар ўтказилади. Чигит экишни энг қулай муддатларда уюшқоқлик билан ўтказиш муҳим аҳамиятга эга.

Пахтакорларимизга маълумки, республикамизнинг тупроқ иқлим шароити турли хил бўлгани, баҳорда об-ҳавонинг беқарор бўлишлиги, айрим пайтларда ёғингарчиликнинг кўп ёки кам бўлишлиги, тупроқнинг экишга тез ва секин етилиши чигит экишни бир маромда ўтказишга таъсир этиши мумкин.

Пахтачилик илмий-тадқиқот институти олимларининг кўп йиллик илмий кузатувлари натижаларига кўра, республикамизнинг турли хил вилоятлари шароитига мос равишда қуйидаги чигит экиш муддатлари тавсия қилинган. Унга кўра Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг жанубий туманларида 25 мартдан 10 апрелгача, шимолий туманлари хўжаликларида 1 апрелдан 15 апрелгача, Андижон, Бухоро, Наманган, Жиззах, Навоий ва Сирдарё вилоятларида 1 апрелдан 15 апрелгача, Самарқанд вилоятида 5 апрелдан 20 апрелгача,

Фарғона ва Тошкент вилояти хўжаликларида 5 апрелдан 15 апрелгача, Хоразм вилоятида 10 апрелдан 25 апрелгача ва Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий туманларида 10 апрелдан 25 апрелгача, шимоллий туманлари хўжаликларида 10 апрелдан 30 апрелгача чигит экиш мақсадга мувофиқлиги тавсия этилади. Лекин ҳар йилги об-ҳавонинг келишига қараб бу муддат 4—5 кун олдинга ёки кейинга сурилиши мумкин.

Энг муҳими чигит экишни тупроқнинг 10 сантиметр чуқурликдаги ўртача суткалик барқарор ҳарорати 12°C даражадан кам бўлмаганда тукли, 14—15 даражадан кам бўлмаганда эса туксизлантирилган чигитларни экишни бошлаш лозим бўлади. Плёнка остига чигит экиш 10—15 кун эрта бошланиши ва бунда тупроқ ҳарорати 8—10°C даража бўлиши мумкин. Бир сўз билан айтганда, ҳурматли пахтакорларимиз чигит экишга қанчалик масъулият билан уринишса, яъни ерни кўнгилдагидек тайёрлаб чигитнинг сифатли экилишини ўйласа, албатта, натижа юқори бўлишига шубҳа йўқ.

Хоразмлик ва бухоролик пахтакор деҳқонлар шўри ювилган майдонларни тобга келиши билан пол (чек) лар ва марзаларни текислаб енгил чизеллайди, чизеллар орқасига икки қатор тишли бороналар ўрнатиб, тракторларнинг бир маротаба юришида чизел, борона ва мола қилиниб, текис далага чигит экишга киришадилар. Бунда далаларда тупроқ намлиги сақланиши билан чигитлар агрегатлардан бир текис тупроққа кўмилади ва натижада тўлиқ ғўза кўчати олишга эришилади. Ўз вақтида эрта экилган ғўзадан мўл ҳосил яратишга имкон туғилади. Албатта, пайти келса ернинг тобини қочирмасдан иш кўриш, экиш агрегатларидан унумли фойдаланиш зарур. Экишни фақат белгиланган ғўза нави билан амалга ошириш керак, чигит экишни миришкор деҳқон аввало енгил тупроқли майдонлардан бошлаб, тупроқнинг ўз намига кўчат олишни мақсад қилмоғи даркор. Чигит нами етарли тупроқларда аввало 3—4 сантиметр чуқурликка кўмилишини, тукли чигитларни гектарига 45—50 килограммдан оширмасдан сарфланишини таъминлаши лозим бўлади.

Туксизлантирилган чигитларни Бухоро вилояти пахтакорларининг амалга оширган усулларидек гектарига 20—22 килограммдан оширмасдан сарфлашлари айна муддаодир. Бухоро вилояти деҳқонлари «Кейс-1200» сеялка агрегатида кунига 50 гектарлаб, 9—10 иш кунида чигит экишни тугаллашлари таҳсинга сазовор бўлиб, республикамиз пахтакорларини катта интилишларга ундамоқда. Улар шу туфайли гектарига сарфланадиган чигит сарфини кескин камайтириш билан бекорга йўқ бўлиб кетадиган ёғ, шелуха ва кунжараларни иқтисод қилиб қолмоқда. Бундан ташқари яганалашга сарфланадиган харажатларга ҳожат қолмаяпти. Бу қилинаётган усулни ҳақиқий прогресс деса бўлади.

Пахта далаларининг аксарият майдонларига экиш жараёнида минерал ўғитларни бериб кетиш жуда муҳим ишлардан биридир. Кўп йиллик илмий тадқиқотларнинг натижаларига қараганда ғўза кўкаришдан то шоналашгача йиллик ўғит меъёрининг 7—10 фоиз миқдориди азот ва 5—7 фоиз атрофида фосфорни соф ҳолда талаб қилади. Ғўза энди кўкариб чиққанда тупроқ таркибида мавжуд бўлган азот ва фосфорни ўзига тўлиқ қабул қилиш қобилиятига унчалик эга бўлмайди. Шунинг учун ҳам чигит экиш билан бир пайтда берилган азот, фосфор ва калий ўғитлари ғўзаларнинг жадал ривожланишига анча фойда беради. Шу берилган ўғитлар тупроқ таркибида бўлган ҳаракатчан азот, фосфор ва калий элементларини ўсимликнинг тезроқ қабул қилишига ижобий таъсир этади.

Ўтказилган илмий изланишлар ва илғор тажрибалар шуни кўрсатадики, чигит экиш билан гектарига 40—50 кг аммиакли селитра ёки 30—40 кг карбомид (мочевина) ва 40—50 кг аммофос трактор культиваторининг олдинги секцияси грядиллари ва ўғит аппаратлари ўрнатилган ҳолда чигит экилаётган ҳар бир қаторнинг ёнига, қатордан 6—8 см узоқда, 10—12 см чуқурликда солинганда яхши натижалар берган. Чигитни сифатли экиш сеялканинг ниҳоятда созлиги, чигит тушиш мосламаларининг тўғри ўрнатилганлиги, чигитни тўдалаб ташловчи қисмларнинг ишлаши, чигитни тупроққа бир текисда кўмиб кетиш ёстиқларининг белгиланган чуқурликка маҳкамланганлигига жудаям боғлиқдир.

Бундан ташқари, сеялка қутиларидаги чигитни тупроққа бир текис туширишни назорат қилиб, уни таъминловчи сеялкачи ҳам боғлиқ. Шунинг учун унда ишловчи ёки белгиланган сеялкачи шу соҳада тушунчаси юқори, масъулиятини ўз бўйнига олган виждонли киши бўлиши лозим. Сеялкани тортиб кетаётган тракторнинг ҳайдовчиси ҳам жуда тажрибали, экилган сеялка излари тўғри чизиқ шаклида бўлишини таъминлаши катта аҳамиятга эгадир. Чунки шундай бўлиши кейинчалик ғўза кўкариб чиққандан сўнг унинг қатор орасига ишлов беришнинг сифатли бажарилишини таъминлайди. Ғўза қатор ораларини культиваторлар билан майин юмшатишда қўл келади. Бу эса культиваторнинг тўғри ўрнатилган ишчи орган (қисм)лари ўсимликнинг илдизига шикаст етказмасдан бажарилишини таъминлайди.

Юқорида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг жанубий туман хўжаликларида ёғингарчиликнинг етарли эмаслиги учун экишдан олдин пахта экиладиган майдонларда аввалдан эгат олиниб сувлаш билан ер намлиги чигитнинг тўлиқ униб чиқишига замин яратилиши айtilган эди. Ерлар шу тўйинтирувчи сувлардан кейин «оби-тоби»га келиши билан экишдан олдин (3—12 соатгача) бу ерларга енгил бир марта тишли борона юргизилиб (пушта устида), юмшатиладиган сўнг (шу даланинг тупроғини қўл кафтига олиб фикимласа, тупроқ лой бўлиб ёпишиб қолмаслигига ишонч ҳосил қилганда) ёки сеялка катогига лой ёпишиб қолмаса тупроғи донатор бўлиб, намлиги етарли бўлса, экишни ташкил қилиш тўғри бўлади.

Айрим ҳолларда тупроқнинг ғоваклиги бўлмай, лойроқ бўлса ҳам экиб юбориш ҳоллари учрайди. Бундай ҳолга йўл қўйиш мумкин эмас. Чунки каток изидаги лой ҳолдаги тупроқ иссиқлик ва шамолдан қуриб, нами кетиши эвазига экилган чигитларнинг аксарият қисми тупроқ ёрилиши ҳисобига кўкармасдан қуриб қолиш ҳоллари содир бўлади. Чигит экишга ер тайёр бўлиб, экиш бошланса, чигит етарли нами бўлган далаларда юқорида қайд қилинганидек, аввало 3—4 сантиметр, тупроқ нами қоча бошласа, чигитни кўмиш тупроқ шароитига қараб чуқурлиги 4—5 сантиметр, айрим ҳол-

ларда 5—6 сантиметр чуқурликда ҳам экиш мумкин. Чигит тўлиқ экилган далаларнинг боши ва охиридаги уват қисми қўшимча юмшатиладиган сўнг кўндалангига чигит экилиб дала тўлдирилади. Чигит экиш билан биргаликда қатор оралатиб эгатлар очиб кетилади. Зарурият бўлган далаларга чигит суви ҳам берилиши мумкин. Экиш тамом бўлиши билан ўқариқлар олиниб, уларнинг четларига чигит экиб чиқилиши шарт. Экиш пайтида кучли шамоллар такрорланиб турадиган ҳудудларда тупроқда мавжуд бўлган нам кўтарилиб кетишининг олдини олиш, имконият даражасида экишни кечаю кундуз амалга ошириш лозим.

Республикамизда экиш даврида очиқ куннинг ҳар соатидан унумли фойдаланиб, кечалари чигит экиб, яхши натижаларга эришган фермер хўжаликлари кўплаб топилади. Шу сабаблардан келиб чиқиб, чигит экиш муддатини кечиктириб бўлмаслигини ҳар бир деҳқон ва раҳбар билмоғи лозим. Натижада ғўзани ўз вақтида тўлиқ кўкартириб, ишловини талаб даражасида бажарган пахтакор фермер хўжаликлари фақат юқори ҳосил кўтаришга эга бўладилар.

Бир текис ғўза кўчати олишга эришиш ва тўлиқ гектар бўлишини таъминлаш

Пахта ҳосили гектарлардаги униб чиққан ғўза кўчатларининг тўлиқ бўлишлиги билан уларнинг меъёрида ривожланиб, ҳосил тугунчалари пайдо қилиб, етишишлиги орқали вужудга келади. Эрта муддатларда ва юқори пахта ҳосили етиштириш учун ҳар бир гектар майдонда мақбул кўчат қалинлиги бўлишини таъминлаш зарур. Кўчатлар сони меъёридан кам ёки кўп бўлса кўсакларнинг пишиб етилиши кечикади ва ҳосилдорлик камаяди. Кўчат қалинлиги тупроқ тури, унумдорлиги, захоб сувининг чуқурлиги, шўрланиш даражасига қараб белгиланади. Шу туфайли чигит экилган майдонларнинг ҳамма қисмида кўчатларнинг тўлиқ бўлишлиги, экиш схемасига қараб ягона қилинганда ғўза тупларини селекцион навларга эътибор берган ҳолда қолдириш жуда муҳимдир. Ўрта толали ғўзанинг «**Наманган-77**» нави кўчатини қатор ораси 60 сантиметрли

бўлган тупроқнинг унумдорлигини ҳисобга олиб, яъни ернинг бонитет балли 60—70 дан кам бўлмаган майдонларда 1 п.м. да 5—6 туп ўсимлик ва 90 сантиметрли жўякларда 7—8 ўсимлик қолдирилиши мақсадга мувофиқдир. Ҳосилдорлиги паст ерларда, яъни оч тусли бўз тупроқлар ва оғир механик таркибли тақир тупроқларда ҳамда захоб сувлари чуқур, кам унумдор ва шўрланишга мойил тупроқларда эса, кўчат қалинлигини 15—20 минг тупга ошириш мумкин.

Тезпишар ғўза навларидан «**Бухоро-102**»га кўчат қалинлиги тупроқ тури ва унумдорлик даражасига қараб гектарига 80 мингдан 100 минг тупгача қолдириш яхши натижа беради. Бу ғўза кўчатларини қуйидагича жойлаштириш мумкин: қатор ораси 60 см бўлганда 60x20-1 ва қатор ораси 90 см бўлганда эса 90x12-1.

Ғузанинг **С-4727** нави айна пайтда Қорақалпоғистон Республикаси хўжаликлари шароитида экилади. Бу ғўза нави унумдор, бўз тупроқ, ўтлоқи тупроқли ерларда ўсимликларнинг оптимал қалинлиги йиғим-терим даврига келиб гектарига 90—100 минг тупни ташкил этгани маъқул, яъни 60 см ли қатор оралиғида ўсимликларни 60x15-1 схема бўйича (ҳар 1 п.м.да 6—7 дона), 90 см ли қатор ораларида 90x10-1 схема бўйича (ҳар 1 п.м.да 10 туп) жойлаштириш мумкин. Кам унумдор шўрланган, қумоқ тупроқли ерларда ўсимликлар зичлигини 10—15 мингтагача ошириш мумкин.

Ғузанинг тезпишар «**Омад**» нави учун унумдор бўз ва ўтлоқи ерларда гектарига 90—100 мингта, қатор оралиғи 60 см бўлганда 1 п.м.га 6—7 туп ўсимлик, 90 см бўлганда 1 п.м.га 8—9 туп ўсимлик қолдириш лозим.

Ғузанинг «**Андижон-35**» нави бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар хулосасига биноан унумдор ерларда ҳар гектарга 75—80 минг, ўртача унумли ерларда 90—100 минг, кам унумли ва шағалли ерларда 100—110 минг ғўза кўчати қолдирилиши тавсия қилинган.

«**Оқдарё-6**» ғўза нави ўсимликларини жойлаштириш схемаси 60x15-1 ва 90x10-1 ёки гектарига кўчат қалинлиги тупроқнинг унумдорлигига қараб 80—100 минг бўлиши мақсадга мувофиқдир. Кам унумдор туп-

роқларда туп сони 10—15 минг дона оширилиши мумкин.

С-6524 ғўза навининг кўчат қалинлиги унумдор бўз ва ўтлоқи ерлар учун ҳосил йиғиб олиш даврига келганда гектарига 80—90 мингта бўлиши лозим. Қатор оралари 60 см бўлганда 1 п.м.да 5—6 туп ўсимлик, 90 см лик жўяқларда эса, 1 п.м.да 7—8 та ўсимлик қолдирилади. Ҳосилдорлиги паст ерларда кўчат қалинлигини 10—15 минг тупга ошириш мумкин.

Кенг шохлаб ўсадиган «**Бухоро-6**» нави учун ғўза тупларини қатор ораси 60 см.да 60x20x1-2, 90 см бўлганда эса 90x10x1-2 тартибда жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади, бунда кўчат қалинлиги 90—100 минг туп атрофида жойлашади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг жанубий туманлари унумдор тупроқларида қатор ораси 60 см бўлганда 1 п.м.да 4—5 туп ва 90 см бўлганда эса 6—7 тупдан гектарига 75—85 минг тупдан ошмаслиги керак. Акс ҳолда унумдор ерлардаги ғўзалар июл ойи охири — август ойи бошига келиб, сувдан сероб бўлган майдонлар ғўзаси ғовлаб кетиш ҳоллари учрайди. Бундай далаларда ҳосил кечикиб кетади ва унинг ҳосилдорлиги пасаяди.

«**Хоразм-127**» ғўза нави асосан Хоразм вилояти хўжалиқларида кенг майдонларда экилаётгани юқорида қайд қилинган эди. Бу ғўза навининг экиш схемалари 60x12-1, 60x20x1-2, 90x10-1, 90x8-1 қилиб жойлаштирилиб, кўчат қалинлиги гектарига 100—110 минг туп бўлиши мумкин.

Ўзанинг «**Бухоро-8**» нави ҳам «**Бухоро-6**» навига ўхшаш бўлиб, Бухоро вилоятида ғўзанинг кўчат қалинлиги унумдор тупроқларда гектарига 90—100 минг туп, унумдорлиги паст тупроқларда эса гектарига 10—15 минг тупга кўпайтирилади.

Кейинги йилларда Бухоро вилоятида чигит экиш технологияси бўйича туксизлантирилган чигитларни аниқ экадиган сеялқаларда юқорида айтилганидек айрим хўжалиқларда 18—20 килограммдан гектарига экиши туфайли ғўза яганаси бажарилмасдан, белгиланган туп сонларини олишга эришмоқда.

«**Термиз-31**» ингичка толали ғўза нави асосан Сурхондарё вилоятининг жанубий туманлари хўжалиқла-

рида экилиб келинади. Бу ғўза нави чекланган шохланишга тўғри келганлиги сабабли, якка қаторли майдонларда гектарига 120—130 минг туп ва қўшқатор жойлаштирилган ғўза пайкалларида 160—200 минг кўчатдан қолдириш шу ғўза навиға мос келади.

«**Ан-Бояут-2**» ғўза навининг ўсимликларини жойлаштириш схемаси 60x15-1 ва 90x10-1 да бўлиб, аксарият майдонларда кўчат қалинлиги 90—100 минг туп бўлиши, жуда кам унумдор тупроқларда 5—10 минг дан кўпроқ жойлаштирилиши мақсадга мувофиқдир.

Ўзанинг «**Чимбой-3010**» навининг кўчат қалинлиги ҳам 100—110 минг туп ва кам унумдор оч тупроқларда 10—15 минг туп кўп қўйилиши мумкин.

«**Наманган-34**» ғўза нави учун унумдор тупроқ шароитида кўчат қалинлиги гектарига 90—110 минг туп, оч тусли бўз тупроқлар ва оғир механик таркибли тақир тупроқларда ер ости сувлари чуқур ва шунингдек кам унумдор ва шўрланишга мойил тупроқларда гектарига 110—120 минг туп кўчат жойлаштириш мумкин.

Янги истиқболли ғўза нави ҳисобланган **С-6541** нав учун унумдор тупроқ шароитида кўчат қалинлиги гектарига 90—95 минг туп, оч тусли бўз тупроқлар ва оғир механик таркибли тақир тупроқларда захоб сувлари чуқур, кам унумдор ва шўрланишга мойил тупроқларда гектарига 100—110 минг туп кўчат жойлаштирилади.

«**Андижон-36**» ғўза нави учун кўчат қалинлиги қатор ораси 60 см бўлганда 60x20x1-2, 90 см да 90x10x1-2 тартибда жойлаштириб, кўчат қалинлиги 90—100 минг туп бўлиши мақсадга мувофиқ.

Ўрта толали ғўзанинг «**Хоразм-150**» нави учун қатор ораси 60 см бўлганда 60x12-1, 60x20x1-2 ва 90 см ли бўлганда 90x10-1 ва 90x8-1 тизимларда жойлаштириб, кўчат қалинлиги гектарига 100—120 минг туп бўлгани яхши натижа берган.

«**Денов**» ғўза нави кўчат қалинлигини унумдор майдонларда 60x20x1, 60x30x1-2 ва 90x12x1 тизимда гектарига 80—90 минг, қумоқ ва тошлоқ ҳамда унумдорлиги паст майдонларда 60x30x2, 90x10x1 тизимда 110 минг тупгача қолдириш мумкин.

Ғузанинг «**Ат-Термизий**» нави учун кўчат қалинлиги 90 см қатор оралиғида бўлганда 90x10x1 схемада гектарига 100—110 минг туп, 60 см қатор оралиғида бўлганда 60x15x1 схемада гектарига 100—115 минг ўсимлик қолдириш мумкин.

«**Сурхон-9**» ғўза навининг кўчат қалинлиги бўз ва ўтлоқ ерлар учун 110—120 минг туп ёки қатор ораси 90 см да 1 п.м.га 10—11 туп, 60 см схемада 1 п.м.да 7—8 туп бўлгани маъқул.

«**Турон**» нав учун кўчат қалинлиги гектарига 80—90 минг туп ўсимлик қолдирилиши яхши натижа беради.

«**Наврўз**» ғўза навининг кўчат қалинлиги қатор ораси 60 см бўлганда 60x12x1, 60x20x1-2, 90 см да эса 90x10x1, 90x8x1 тизимда ўтказилиб, гектарига 80—110 минг туп қолдирилади (ғўза навларига қолдириладиган кўчатлар сони селекционерлар ва ЎзПИТИ олимлари томонидан тавсия этилган).

Юқорида қайд қилинган ғўза навлари экилган майдонларда тавсия этилган кўчатларнинг тулиқ бўлишини таъминлаш учун ғўза яганасини масъулият билан сифатли ўтказишга катта эътибор қаратиш лозим. Бунинг учун яганалаш пайтида қолдириладиган кўчатларни аниқ қолдиришни таъминлаш учун бир метрли ёғоч чўплар ясаиб, уларга белгилар қўйилиб, қатъий тартибда ғўзани ягана қилишнинг фарқига борадиган ишчи кучлари билан яганалашни амалга ошириш талаб этилади. Ғўза яганасини ёш ниҳоллар 1—2 чинбарг чиқарган пайтда 4—5 кун ичида ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Ягананинг кечикиши ғўза кўчатларининг меъёрида ривожланишига салбий таъсир этади. Ягана кеч ўтказилса, ниҳолларнинг илдизлари бир-бири билан бирикиб кетиши натижасида қатордаги ошиқча ўсимликни олишда қолган ниҳолларнинг илдизлари шикастланади. Бу салбий ҳолатлар ўз ўрнига келиши учун 7—10 кун ўтиши мумкин. Бу ҳол ғўзаларнинг ривожланишини кечиктиради.

Ғўза яганасини ўз вақтида тез ва сифатли ўтказишни, юқорида қайд этилган кўчатларни қолдирган ҳолда масъулият билан амалга оширишни ташкил қилиш фермер хўжаликлари раҳбарлари зиммасида бўлмоғи лозим. Ғўза туп сонининг ками ҳам, ҳаддан ташқари

ошиқлиги ҳам ҳосилга катта зиён етказади. Шунинг учун чала, сифатсиз ягана қилишга йўл қўйилмайди. Яганалаш ишлари қаттиқ назоратга олиниши зарур.

Чигит экилгандан сўнг ёки ғўза ниҳоллари ер бетига чиққандан кейин кучли ёмғир, сел ва дўллар ёғиши оқибатида ғўза пайкалларида қатқалоқ пайдо бўлиб, униб чиқмаган чигитларнинг кўкариб чиқишига ва ер бетига чиқиб улгурган ёш ғўзаларга катта зарар етказиши айрим йилларда кўп кузатилган. Ғўза қатқалоғига қарши зудлик билан чора кўрилмаса экилган майдонлардан етарли миқдорда кўчат олиш қийинлашади, пайкалларнинг туп сони сийраклашиб етиштириладиган ҳосил салмоғи пасайишига олиб келади. Қатқалоққа қарши ишлатиладиган ишчи қуролларни аввалдан тайёрлаб қўйиш, қатқалоқ пайдо бўлган пайтларда барча ишчи кучларни ишга солиб, 1—2 кун ичида уни бутунлай йўқотиш чораси белгиланиши керак. Чигит экилгандан сўнг бутун даладаги экилган чигитлар аҳволини ҳар кун назорат қилиш, кўкариш имконияти кам жойларга чора белгилаш, яъни кўкариши хавfli нами қочган ерларга енгил сув беришни ташкил қилиш зарур.

Чигит экиш пайтида ҳавонинг тезда кескин исиб кетиши ҳамда кучли бўладиган шамоллар эвазига тупроқнинг устки қатламидаги чигитнинг тўлиқ униб чиқишига етарли бўлган намнинг парланиши билан экилган чигитлар кўкармасдан қолади ёки ола кўчатлар чиқади. Бундай ҳолатларнинг олди чигит суви бериш билан олинади. Демак, тўлиқ ғўза кўчатларини барпо қилиш учун, албатта, калта қулоқ қилиб, эгат оралатиб енгил суғориш ташкил қилинади ва бир текис ғўза ниҳоллари олишга эришилади. Даланинг аксарият қисмида кўчатлар тўлиқ бўлса-да, айрим жойлари ола бўлганда қўшимча хатосига чигит экилиб, тўла кўчатлар олинади.

Ғўзалар яганаси сифатли равишда қаторларда якка-якка қилиб қўйилиши унинг кейинги ривожининг меъёрида ўтишини таъминлайди. Ғўзалар якка тупда ўсганда, унга ёруғлик ҳамма томондан тушганидан, фотосинтез жараёни жадал ва маҳсулдор кечади. Натижада ғўза қисқа бўгинли, пояси бақувват, ҳосил шоҳлари

ва улардаги ҳосил тугунчалари кўп бўлади. Шунинг учун ғўзани яганалашда якка тупдан қолдириш ҳосилнинг мўл ва эрта бўлишини таъминлайди. Яганалашда қайсики бақувват, соғлом ўсимликларни танлаб, тўғри жойлаштириш чоралари кўрилиши, шунинг учун ҳам яганалашни тажрибали кишилар ўтказиши лозим.

Агарда ғўзанинг туп сони меъёридан қалин қолдирилиб ягана қилинса, яъни далада ғўза туплари қалин бўлса, тана қисмининг салмоғи ортган ҳолда илдизлар заиф ўсиб, асосан ернинг юза қатламида жойлашади. Оқибатда илдиз жойлашган зонадаги нам жадал сарфланиб, ўсимликларнинг сув таъминоти бузилади. Қуйи қатламлардаги намликдан эса баҳраманд бўла олмайди, ўсимликларнинг ривожланиши меъёрида ўтмаслиги эвазига ҳосил камайишига олиб келади.

Юқорида келтирилган хулосалардан келиб чиқиб, ҳар бир тупроқ ва даланинг шароити ва хусусиятларини ҳисобга олиб, кўчат қалинлигини тўғри белгилаш билан юқори ҳосил етиштириш чоралари кўрилмоғи лозим.

Ғўза қатор ораларига ишлов бериш ва бегона ўтларга қарши курашнинг аҳамияти

Тупроқда экишдан олдинги ва чигит экиш даврида техниканинг қайта-қайта юриши ҳисобига бир қанча ер зичланиб қолиш ҳоллари содир бўлади. Бир неча марта тупроқни борона ва молалаш натижасида бундай зичланиш экилган чигитнинг униб чиққан ниҳолларининг кейинги ривожланишига салбий таъсир этади. Бундай ҳолатдан сўнг тупроқдаги мавжуд бўлган намликларнинг исроф бўлиши билан ўсимликнинг озикланиш режими бузилади. Бу эса, ғўза ҳосилининг камайишига олиб келади.

Демак, бу сингари ҳолатларнинг олдини олиш, ер юзасига униб чиққан ғўзаларнинг баравж бўлиб ривожланиши учун унинг илдиз тизимига яхши шароитлар яратиш керак бўлади. Илм-фандан маълумки, яхши шаклланиб ривожланган илдиз тизимигина ғўзанинг ер устки қисмларини узлуксиз ва етарли даражада намлик ва озуқалар билан таъминлай олади. Шундагина

ғўза танасининг ўсиши, унда ўсимликнинг янги-янги қисмлари шаклланиши бир меъёрда кечади. Бундай ғўза ҳосил тўплашга эрта киради ва уларни кўплаб сақлаб қолади. Айна биологик хусусиятларни ҳисобга олиб, ғўза парваришида хилма-хил агротехник тадбирлар ўтказилади, жумладан, ғўза қатор орасини юмшатиш, яъни культивация қилиш энг муҳим омиллардан биридир. Ғўза илдизи атрофини юмшатишдан мақсад шуки, у ҳам бўлса ғўза илдизига ҳаво боришини яхшилаб, илдиз системасининг меъёрида ривожланишини таъминлаш билан тупроқнинг озикланиш зонаси (майдони)даги ўсимлик олишга лаёқатли бўлган минерал (маъдан) элементлардан баҳраманд бўлиш эвазига ғўзанинг ҳаётлигини яхшилашдан иборатдир.

Ғўза қатор ораларини культивация қилиш билан юмшатиш орқали тупроқда мавжуд бўлган микроорганизмлар фаолияти ҳам яхшиланиб, тупроқдаги микро ва макро элементларнинг ўсимликларга лаёқатлилиги ошади. Натижада тупроқда ҳаво алмашинуви билан кислородга бойиши орқали ўсимлик илдизларининг ҳаётлиги яхшиланади. Ёш ғўза ниҳолларига тез ишлов бериш тупроқ ҳайдов ости қатламлари ғоваклигини ва иссиқ ҳаво киришини таъминлаб, ёш ниҳолларнинг ривожланишини тезлаштиради.

Қатор ораларини ишлашда, чигит 60 см кенликда экилган бўлса, ниҳолларнинг ёшини эътиборга олиб, культиваторнинг четки ишчи органини ўсимликдан 5—7 см узоқликда ва 6—8 см чуқурликда, ундан кейин икки ёнига ишчи орган (наральниклар)ни 8—10 см узоқликда ва шунча чуқурликда жойлаштириб, жўяк ўртасига тупроқ юмшатгич ва 14—16 см чуқурликда ишлов берадиган ғоз-панжа ўрнатилиши керак. Чигит 90 см қатор кенлигида экилган бўлса, тупроқни юмшатадиган тегишли ишчи органлар ва ғоз-панжа ўрнатилади. Иккинчи ва ундан кейинги ишловларда ишчи органлар юқоридагиларга мос равишда 3—4, 5—6 сантиметр чуқурроқ ўрнатилиши мумкин. Ҳар иккала қатор кенликларида ҳам органларнинг ҳимоя зонаси 12—15 сантиметрдан ошмаслиги лозим. Унутмаслик керакки, ишловлар сони енгил ва қумоқ тупроқларда 6—7 марта, ўрта ва оғир тупроқларда 7—8 марта бўлиши етар-

лидир. Ғўза қатор орасига биринчи ишлов берилгандан кейин ҳар иккала экиш схемасида ҳам ғўза қатор ораларини махсус ясалган чизель-культиватор ёрдамида 25—30 см чуқурликда бир марта чуқур юмшатиш керак. Бу эса ғўза илдизининг яхши ривожланишини таъминлаб, илдизга ҳаво ва иссиқлик яхши ўтишини ҳамда ўсимлик илдизларининг чуқур жойлашишини таъминлайди (ЎзПИТИ маълумотлари).

Экишдан олдин суғорилиб чигит экилган майдонларда шу усул қилинмаса кейинги ишловларгача (яъни чуқур культивация қилинмаса) тупроқдаги намлик камайиши билан ғўза қатор оралари қотиб қолади. Бу эса ғўзанинг илдизлари меъёрида ривожланишга салбий таъсир этади ҳамда кейинги культивацияда ишчи органларнинг чуқур ботмаслигини келтириб чиқаради. Демак, тупроқнинг 7—10 см қатламидан сўнг сунъий девор ҳосил бўлади. Бундай ҳолатга асло йўл қўйиш мумкин эмас.

Илғорлар тажрибалари шуни кўрсатадики, ғўза майсалари униб чиқа бошлаган пайтдан қатор ораларига ишлов берилганда, тупроқнинг устки қатлами доим юмшоқ бўлиши таъминланади. Эрта ишланган вақтда бегона ўтлар майда — ёш вақтида йўқотилиши туфайли даланинг улардан яхши тозаланишига эришилади.

Бегона ўтлар қишлоқ хўжалик экинларининг меъёрида ривожланишига халақит бериб ўсгани сингари, ғўза қатор ораларида ғумай, ажриқ, печак, қамиш, янтоқ, саловмалик ва ҳар хил шўра ўтлар (чавли, семиз ўт ва бошқалар) ва итузумлар кўпайиб яшайди. Шу каби хилдаги бегона ўтлар ғўзанинг илдиз тизими жойлашган озиқланиш (зонаси) майдонидаги тупроқ таркибида бўлган азот, фосфор, калий ўғитларини ўз ривожланишига кўплаб қабул қилиб, асосий экин ҳисобланган ғўзанинг меъёрида ривожланишига анчагина зарар етказиши ўтказилган илмий тадқиқотларда исботланган. Чигит униб чиққандан сўнг ғўза ниҳоллари анча секин ривожланса, бегона ўтлар унинг атрофида жуда тез ўсиши эвазига тупроқдаги озиқ моддалар ва намликни кескин камайтиради. Шуларни инobatга олиб, ғўза қатор ораларида пайдо бўлган бегона ўтларни таг-томири билан йўқ қилиш учун мавжуд

ишчи кучларини тулиқ жалб қилган ҳолда ишни ташкил қилиш зарур.

Бегона ўтларни олиш билан имконияти етарли жойларда ғўза орасида енгил чопиқ қилинса, ўсимликнинг янада яхши ривожланишига катта фойда келтиради. Далада битта бегона ўт ҳам тупроқ таркибида мавжуд бўлган озукани, бундан ташқари, янги қатор орасига солинган минерал ва маҳаллий ўғитларнинг фойдасини камайтирмасин.

Маълумки, бегона ўт босган ғўза майдонларида етиштирилган ҳосил камида 4—5 центнерга, ҳатто 30—40 фоизгача камайган. Шундай экан бегона ўтларнинг ғўза пайкалида бўлишига асло йўл қўймаслик керак. Бу эса, ғўза илдизларининг жадал ривожланишида жуда муҳим аҳамиятга эга.

Юқорида қайд қилганимиздек, илмий изланишлардан маълумки, ғўза илдизи танасига тупроқдаги сув ва озиқ моддаларнинг шимилиши ҳамда ўсимликлардаги барча модда алмашинув жараёнларининг меъёрида боришини таъминлайди. Илдизларнинг бундай муҳим ҳаётий фаолияти улар соғлом, яхши ривожланган, шикастланмаган ёки жуда кам шикастланган тақдирдагина меъёрида кечади ва мўл ҳосил олишни таъминлайди.

Илдиз дегани бу оддий ўсимта эмас, балки ундаги ҳар бир тартибли ён илдизларнинг энг учли ёш қисми сон-саноксиз, кўзга кўринмас тукчалар билан қопланган бўлиб, булар бир кеча-кундуз давомида ҳам тез-тез янгиланиб туради. Шундай тукчалар қанча кўп бўлса ва қанчалик тупроқ заррачаларини қамраб олса, ўсимлик танасига шунча кўп озиқ ва нам етиб боради. Ғўза қатор ораларига муддатидан кечикиб ишлов берилганда ёки культиватор ишчи органлари тўғри ўрнатилмаганда илдизлар жароҳатланади. Оқибатда ғўза ўсишдан тўхтади ёки ўсиши кескин сусаяди. Бу ҳол ҳосил тўпланишига салбий таъсир этади. Илдизлар жароҳатлангандан сўнг 8—10 кун ўтгач кесилган жой ёки унинг бир оз юқорироқ қисмидан ёш янги илдизчалар ўсиб чиқади. Шундан кейингина илдизнинг аввалги фаолияти тикланади. Агарда ғўза гуллаш ва ҳосил тўплаш даврида унинг илдизлари бир неча бор шикастланса, илмий

изланишлар натижаларига кўра, умумий ҳосил илдизи шикастланмаган ғўзаларга нисбатан 25—30 фоизгача камайиб кетади. Культивация ўз вақтида ва керакли чуқурликда ўтказилгандагина тупроқ майин ишланиб, илдишлар жароҳатланмайди. Шунинг учун ҳам ғўза қатор ораларини ҳар суғоришдан кейин оби-тобида майин юмшатишга эришиш лозим.

Шу ўринда Бухоро вилояти пахтакорларининг ҳар суғоришдан кейин ғўза қатор ораларига, илдишларга шикаст етказмасликни ва тупроқда намнинг сақланиб қолишини эътиборга олиб, зиг-заг бороналардан ясалган «боронкалар»дан фойдаланиши жуда муҳим тадбирлардан деб айтиш жоиздир. Бу эса, ғўза пайқалларида намнинг бир текис сақланиши билан унинг ривожини меъёрида ўтишини таъминлайди.

Қатор ораларини культивация қилишдан мақсад, юқорида айтилганидек, ғўзанинг меъёрида ривожланишини, унинг илдиз системаси атрофини майин қилиб юмшатиб юқори ҳосил олишдан иборатдир. Демак, қилинаётган культивация ишлари сифатли бўлишига эришиш керак. Шунинг учун ҳам ғўза қатор ораларида ишлаётган культиватор ишчи органлари ғўзаларнинг ҳолатига қараб, 28—36 тадан кам бўлмаган ва тўғри маҳкамланган ҳолда ишлашини ҳар бир фермер хўжалиги раҳбари билиши ва шунга кўра иш юритиши лозим.

Хоразм вилояти хўжаликлари мисолида қуйидагиларни айтиш мумкин. Қатор ораларига ишлов беришнинг сифатли қилиб мақбул кенгликда ва чуқурликда ўтказилиши жуда муҳимдир. Бунда 60 см кенгликда экилган майдонларда культиваторларга осиладиган ишчи органлар сони 30 дан кам бўлмаслиги, 90 см кенгликда 40 тадан кам (тупроқ турларига, суғориш олдин-кейин ўтказилишига қараб) бўлмаслигини таъминлаш (ҳимоя кенгликлари 5—7 см, ҳар икки ёнидан 10—15 см дан ошмаслиги), чуқурлиги 60 см да 12—14 см, 16—18 см, 90 см да эса 16—18 см, 20—22 см, биринчи культивация юзароқ, иккинчиси чуқурроқ ва ҳар суғориш орасида камида икки маротаба қатор ораларига ишлов берилиши тупроқдаги намни узоқроқ сақланишини таъминлаш назарда тутилади (ЎзПТИ маълумоти).

Кўпчиликка маълумки, аксарият фермер хўжалик-лари ғўза қатор ораларига ишлатиш учун ўз трактор-культиваторларига эга эмас. Улар аксарият ҳолларда пахта майдонларидаги ғўза пайкалларини культивация қилиш учун бошқалардан ёллаб ишлатишга мажбур бўлади. Даласидаги ғўзаларни ишлашда ёлланган культиватор ишчи органларининг тўлиқ бўлишини таъминлаб ишлатишлари зарур.

Ќўза қатор ораларига ишлов бериш майсалар униб чиққандан то ўсимликда етилган кўсаклар пишиб етилгунча давом этиши ҳаммага маълум. Ќўзанинг шоналаш, гуллаш ва кўсаклаш фазаларида қатор орасида ишлаётган культиваторнинг ишчи органлари ҳосилнинг пайдо бўлган мева элементларига катта таъсир этиши мумкин. Лекин ғўзанинг етилган кўсаклари кўпайган сари, тупи бўлиқ, серкўсак уларнинг пишиб етилиши яқинлашиши, яъни июл ойининг охири — август ойининг бошларидаёқ содир бўлиши туфайли уларга трактор-культиватор ишчи органлари қатор орасида юришида, ҳосилга зиён етказмаслик чоралари белгиланиши лозим.

Қатор ораларида ғўза шоҳлари туташиб қолганидан ишлов бериш вақтида улар синади, ҳатто эртаги пишиб етилаётган кўсакларнинг бир қисми тўкилиш ҳоллари ҳам учраши мумкин.

Бундай далаларда қатор орасига ишлов беришни тўхтатиш лозим бўлади. Ќўза қатор ораларига ишлов беришни ўсимлик шоҳлари туташмаган, ривожланишдан кечиккан, ҳосил тўплашга улгурмаган майдонларда давом эттириш керак бўлади.

Ќўза қатор ораларига сифатли ишлов беришни белгиланган тавсиялар асосида тўғри ташкил қилган ҳолда ўтказиш ҳамда юқори ҳосил етиштириш ҳар бир пахтакорнинг бурчи бўлмоғи лозим.

Ќўза суғоришни сифатли амалга ошириш

Ќсимлик ҳаётида сувнинг аҳамияти жуда каттадир. Ќсимликдаги ҳужайра ва тўқималарнинг ҳаётийлиги сувга тўйингандагина меъёрида кечади. Шу билан ўсимликдаги физиологик ва биохимик жараёнлар тўғри ўтади. Ќсимлик танасига кирган сув унинг ҳаётий фаолияти-

ни яхшилайти ва фотосинтез жараёни орқали мураккаб органик моддаларнинг ҳосил бўлишини таъминлайди. Ғўза илдизи орқали умумий истеъмол қилинган сувнинг 98—99 фоизи ғўза барги орқали буғланиб кетса, 1—2 фоизигина органик моддалар ва ғўзанинг турли қисмларининг пайдо бўлишига сарф бўлади. Ғўза танасида тўхтовсиз сув ҳаракати кузатилади. Сув билан барча озиқ моддалар ҳам ўсимликка ўтади. Ўсимлик илдизига сувнинг кириш ва барг орқали буғланиб туриш жараёни тўғри кечиши учун тупроқда етарли намлик бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам ғўзани сув билан мунтазам равишда таъминлаб туриш чораларини кўриш керак. Унинг ҳаддан ташқари чанқаб қолишига ёки керагидан ортиқ сув берилишига йўл қўймаслик зарур.

Ўсимликда кечадиган физиологик тушунчага кўра, ғўза барг ости тешикча (устица)лари орқали сувнинг парланиши билан ҳаводан карбонат ангидрид (CO_2) ни қабул қилиши, бу эса қуёш энергияси ёрдамида мураккаб органик бирикмаларни, ҳатто тола ва чигитнинг барпо бўлишини таъминлайди. Юқорида сувнинг ўсимлик ҳаётидаги аҳамиятини, яъни ундаги модда алмашинув жараёни билан боғлиқлигини қайд этган эдик.

Ғўзаларнинг нави, тупроқ-иқлим шароитларига қараб ўсимликда бир грамм қуруқ модда тўпланиши учун 400—800 грамм сув сарфланиши илмий изланишлардан маълум. Бунга транспирация коэффициенти дейилади. Транспирация ўсимликда сув алмашувини меъёрида ушлайди, сувнинг ўсимлик танасига келиб туриши орқали тупроқдаги сув билан керакли озуқа элементлари эриган ҳолда ўсимликнинг ер устки қисми ва баргларига келиб турилиши таъминланади.

Бундан ташқари, транспирация ўсимликдаги мавжуд баргларнинг қуёш нуридан қаттиқ исиб кетишининг олдини олиш билан фотосинтез жараёнининг меъёрида бўлишига хизмат қилади. Ғўза ўсимлигида сувнинг етишмаслиги сезилса, транспирация жараёни пасаяди, ўсимлик баргларида ўтаётган физиологик кечинмалар бузилиши эвазига фотосинтез жараёни пасайиб ўсимлик ёмон аҳволга тушади. Шундай ҳолатнинг қайтарилмаслиги учун тупроқдаги намлик кес-

кин камайишининг олди олиниши зарур. Ғуза барглари ўсимликнинг меъёрида ривожланишида муҳим роль ўйнашини унутмасдан тупроқ намлигини белгиланган режимда бўлишига эришиш керак бўлади.

Шуларни назарда тутиб, ғуза баргларининг шикастланишига, ҳар хил чанглар билан булғанишига ва ҳашаротлар билан зарарланишининг олдини олиш энг муҳимдир. Транспирация коэффициенти доимий бир хил бўлмай, ғузанинг ривожланиш фазалари ёки турли муддатларда ўзгариб туради.

Илмий кузатувларга кўра, бир гектар ердаги ғузани суғоришда сарф этиладиган умумий сув миқдори ёки мавсум меъёри вегетация даври бўйича ва иссиқлик ҳароратининг кўтарилиб бориши билан қуйидагича бўлган: кўкариб чиқишдан то шоналагунча 6—10 фоиз, шоналашдан то гуллагунча 12—16 фоиз, гуллашдан то етилгунча 55—65 фоиз ва етилиш даврида 16—20 фоизни ташкил этган. Шуларга тўлиқ амал қилиш учун илмий муассасалар томонидан экилаётган ғуза навларига суғориш режимлари белгиланган. Ғузанинг «**Бухоро-102**» нави учун суғориш тартиби энгил тупроқларда 1—4—1 (3—4 чинбарг пайдо бўлганда; 4 шоналаш, гуллаш, пишишнинг бошланишда; 1 пишиш даврида), ўртача тупроқларда 1—3—1, оғир тупроқларда 0—3—1 тизимда бўлади. Суғориш меъёри тупроқ-иқлим шароитига қараб гектарига 800—1200 м³, умумий сув сарфи 4000—4800 м³ ни ташкил қилади.

«**Наманган-77**» навини неча марта суғориш тупроқ турига, захоб сувларининг сатҳига ва иқлим шароитларига боғлиқ. Ғузани суғориш муддатлари ўсимликнинг ташқи белгиларига қараб аниқланади: гуллагунча куннинг энг исиган давларида (кундузги 14.00—15.00 соатда) ўсимлик барглари тўқ-яшил рангга кириб сўлинқирайдиган бўлади. Шунингдек, бу пайтда барглар эгилувчанлик хусусиятини йўқотмаса, букканда уларнинг ўрта томири қирсилламаса, далани суғориш зарур бўлади.

С-4727 навини суғоришда иқлим шароити, ер ости сувларининг жойлашиш чуқурлиги, тупроқнинг унумдорлиги каби кўрсаткичларни ҳисобга олиш керак. Бўз тупроқли ерларда суғоришни 1—3—1 схема бўйича ўтка-

зиш зарур. Ер ости сувлари яқин жойлашган ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқ тупроқларда суғоришлар сони шароит-га қараб бир-иккитага камайтирилади.

«**Омад**» навининг суғориш тартиби бўз тупроқларда ер ости сувлари чуқур жойлашганда 1—3—1 схемаси-да, бўз ва ўтлоқи ерларда ер ости сувлари яқин бўлганда суғоришни 1—2 тага камайтириш мумкин, яъни 1—2—1 ёки 1—1—1 схемасида суғорилади. Биринчи сувни 3—4 та чинбарг пайдо бўлганда ёки шоналаш даври-нинг бошида бериш мумкин.

«**Андижон-35**» навини ер ости сувларининг жойла-шиш чуқурлигига қараб 1—2—1, 1—3—1 тартибда су-ғориш тавсия этилади. Ер ости сувлари чуқур жойлаш-ган хўжалик далаларида ғўза 6—7 чинбарг чиқарганда ёки шоналаш олдидан суғоришни бошлаш тавсия эти-лади. Айрим хўжаликларда ер ости сувлари юза жой-лашганда ғўзалар ялпи шоналаганда биринчи сувни бериш яхши натижа берган. Кейинги сув бериш ғўза-нинг ҳолатига қараб ўтказилади.

«**Оқдарё-6**» нави экилган майдонларда ғўзани суғо-риш йилнинг метеорологик шароити, ер ости сувла-рининг жойлашишини ҳисобга олиб амалга оширила-ди. Ер ости сувлари яқин бўлган тупроқларда 1—2 мар-та кам сув берилади. Бўз тупроқларда 1—3—1 тартиб-да, ўтлоқи тупроқларда 1—2—0 тартибда бўлиши мум-кин.

С-6524 навининг биринчи суғоришини ер ости сув-ларининг жойлашиш чуқурлигига қараб ниҳоллар униб чиққандан 30—40 кун кейин ўтказиш, ер ости сувла-ри яқин жойлашган ҳолларда эса, шоналаш-гуллаш-нинг бошланиш даврида амалга ошириш тавсия эти-лади.

«**Бухоро-6**» нави Бухоро вилоятининг ўтлоқи аллю-виал ва Сурхондарё вилоятининг ўтлоқи тақир туп-роқлари шароитида суғоришни ЧДНС (чекланган дала нам сифими)га нисбатан 70—70—60 фоиз тартибда 4—6 марта 1—2—1, 1—3—1, 1—4—1 тизимда ўтказиб, ўсув суви меъёри гектарига 1000—1100 м³, мавсумий сув миқдори 5280—5500 м³, Навоий вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида суғоришни ЧДНСга нисбатан 70—70—60 фоиз тартибда 1—4—1 тизимда

суғориш меъёри гектарига 1050—1200 м³, мавсумий сув миқдори 7150—7200 м³ бўлганда юқори ҳосил олишга эришган.

«Хоразм-127» нави Хоразм вилоятининг енгил-қумоқ тупроқларида суғориш олди тупроқ намлиги 75—75—60 фоиз (6 маротаба), 1—3—2 тизимда, ўртача, оғир-соз-лойсимон тупроқларда эса 70—70—60 фоиз (5 маротаба), 0—3—2 тизимда суғорилганда юқори ҳосил олинган. Амал-ўсув давридаги суғориш меъёрлари 800—1000 м³/га, ўртача тупроқларда 1000—1200 м³/га бўлиши билан суғоришнинг охириги муддати 25 август — 10 сентябрдан (тупроқ турларига қараб) кечиктирилмаслиги керак.

Суғоришлар оралиги автоморф-ярим гидроморф тупроқларда 12—14 кун, гидроморф тупроқларда эса 16—18 (18—20) кундан кам бўлмаслиги, 60 ва 90 см ли тизимда экилган далаларда эгатлар узунлиги (ўқариқлар ораси) 80—100 метрдан ошмаслиги билан эгатлардан сув доимо жилдираб оқизилишини таъминлаш лозим.

«Бухоро-8» навини суғоришни 70—70—60 фоиз тартибда ўтлоқи аллювиал ва ўтлоқи тақир тупроқларда 4—6 марта 1—2—1, 1—3—1, 1—4—1 тизимда ўтказилиб, мавсумий сув миқдори 5280—5500 м³/га ни ташкил этади. Ғўзанинг «Бухоро-6» ва «Бухоро-8» навлари экилган чўл ҳудудларда ер ости сувлари юза жойлашган, чигит пуштага экилган бўлса, биринчи сув ғўзада гул пайдо бўлганда ёки ёппасига гулга кирган вақтда олинса, ер ости сувлари чуқурроқ жойлашган, чигит ерга текис экилган ҳудудларда ғўзани шоналаш даврида 800—900 м³/га меъёрида суғориш талаб қилинади.

Ингичка толали ғўзанинг «Термиз-31» нави Сурхондарё вилоятининг чўл ҳудудларида экилади. Бу ғўза навини 1—3—2, 1—3—1 тартибда 5—6 марта суғориш мақсадга мувофиқдир. Ғўза гуллагунча бериладиган сув миқдорини 600—700 м³/гадан оширмай эгат оралатиб, 12—14 соатдан оширмасдан суғоришни тўхтатиш яхши натижа беради.

«Наманган-34» навини суғоришни тупроқ шўрига, ер ости сувларининг сатҳига ва иқлим шароитларига боғлиқ равишда амалга ошириш керак. Суғоришда эгат

узунликлари 60—80 метр бўлгани маъқул. Суғориш сифати ўта юқори бўлиши зарур, ғўзаларни сувга сероб ёки уларни чанқатиб қўйишга асло йўл қўйиб бўлмайди. Сероб бўлса, ғўза пайкали ғовлаб кетади, ҳосил пишиши кечикади, чанқатилганда, айниқса, гуллаш даврида, унда пахта хом ашёсидан чиққан тола дағаллашиб унинг сифати кескин пасаяди.

С-6541 навини суғоришни тупроқ-иқлим шароитига ва ер ости сувларининг сатҳига қараб, айниқса, чўл ҳудудларида 1—3—2, 1—3—1 тартибда 5—6 марта суғориш яхши натижа беради. Албатта, ғўзани сувдан сероб қилиш ёки чанқатиб сувлаш маъқул эмас. Имконияти борича ғўзанинг ҳолатига қараб суғориш билан юқори ҳосил олиш мумкин.

«Андижон-36» навини Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида, илмий тадқиқотларнинг тавсиясига кўра, суғоришни ЧДНСга нисбатан 70—70—60 фоиз тартибда 1—3—0 тизимда ўсув давридаги суғориш меъёри гектарига 850—1100 м³, мавсумий сув миқдори 4000—4200 м³ бўлганда юқори ҳосил олинган.

Фарғона вилоятининг ўтлоқи соз тупроқларида суғориш юқоридаги тартибда ўтказилиб, ўсув даврида суғориш гектарига 900—1120 м³, мавсумий сув миқдори 3950—4160 м³, Тошкент вилоятининг сизот сувлари чуқур жойлашган оғир қумоқли типик бўз тупроқлари шароитида ЧДНСга нисбатан 70—70—60 фоиз тартибда 1—3—1 тизимда суғориб, амал-ўсув суви гектарига 750—1000 м³, мавсумий сув миқдори 5215—5300 м³ бўлганда мўл ҳосил олингани маълум.

«Ан-Бояут-2» навини суғориш ер ости сувларининг жойлашиш чуқурлигига қараб 1—2—1, 1—3—1 тартибда амалга оширилиши тавсия этилади. Биринчи сувни тупроқ иқлим шароитига ва ғўзаларнинг ҳолатига қараб берилиши керак.

Ќўзанинг **«Хоразм-150»** навини суғориш тартиби юқорида берилган **«Хоразм-127»** нави талабига мос равишда амалга оширилади.

«Денов» ғўза навининг илдиз тизими ўта кучли ривожланганлиги ҳисобига тупроқдаги мавжуд намликдан яхши фойдаланади ва ўсув даврида бошқа навлар-

га нисбатан камроқ сув талаб қилиб, сувга кечроқ келади. Бу ғўза навини 0—2—1 ёки 0—3—1 тартибда 3—4 марта суғориш мақсадга мувофиқдир. Суғоришда ўқариқлар орасини текис ерларда 50—60 метрдан, нишоб ерларда эса 80—90 метрдан оширмаслик керак. Акс ҳолда ғўзалар бир хилда ривожланмаслиги, яъни даланинг бош қисмида ўсишга мойил, ўрта қисмида меъёр даражасида, эгатлар охирида паст бўйли бўлиб ўсишига, ҳосил дала бўйича бир хилда тўпланмаслигига ва бир текисда пишиб етилмаслигига, ҳосилдорлик ва пахта хом ашёси сифатининг пасайишига олиб келади.

Ўзанинг «**Ат-Термизий**» навини суғоришда тупроқ иқлим шароити ва ғўзаларнинг ривожланишига қараб 1—2—1 тартибда суғорилиши яхши натижа беради.

«**Наврўз**» нави илмий тадқиқот маълумотларига кўра, Тошкент вилоятининг сизот сувлари чуқур жойлашган оғир қумоқли типик бўз тупроқларида суғоришни ЧДНСга нисбатан 70—70—60 фоиз тартибда, ўсув даврида 5—6 марта 1—3(4)—1 тизимда ўтказиб, гектарига (мавсумда) 5690 м³ сув сарфлаб юқори ҳосил олишга эришилган.

Ўзанинг «**Бўстон**» навининг суғориш меъёри ғўза экиладиган майдонларнинг ер ости сувининг чуқурлигига қараб белгиланади. Ер ости сувлари чуқур жойлашган пахта майдонларида суғориш шоналаш, гуллаш, ҳосил олиш даврида ўтказилади. Суғориш тартиби 1—3—1, ер ости сувлари саёз жойлашган майдонларда эса 1—2—1 тартибни ташкил қилади (суғориш тартиб ва режимлари ЎзПИТИ олимлари ва бошқа илмий муассасалар томонидан тавсия этилган).

Юқорида ғўза навларининг хусусиятларини эътиборга олиб, тавсия қилингандек сувлашни ташкил қилиш муҳимдир. Шунга кўра, ғўзани вегетация даврида ортиқча суғориш уни говлатиб юборади. Оқибатда у бўйига ўса бошлайди, ўсув шохлари кўпайиб, барг шапалоқлари ҳаддан ташқари йириклашиб кетади ва кам ҳосил тўплайди. Бу кўринишнинг акси бўлса, ўсишдан қолади, ҳосил элементлари кўплаб тўкилиб кетади. Ўза сувдан қолган бўлса, гул тепасига кўтарилиб, ўсув нуқта ва гул турган шох оралиғи жуда қис-

қаради ва оқ гуллар кўзга яққол ташланади. Бундай ҳолат бўлишига асло йўл қўйиш мумкин эмас. Ғузани оммавий гуллаш ва кўсаклаш даврида қондириб кўллатмасдан сувлашни амалга ошириш энг муҳим тадбирлардан бири деса бўлади. Ғузанинг биологиясидан маълумки, бу ўсимлик ўқилдизли бўлгани учун вегетация охиригача илдизлар тупроққа 1,2—2,0 ҳатто 2,5—3,0 метргача кириб кетади, ернинг ҳайдалма чуқурлигида 5—10 та кучли тараққий этган бақувват ён илдизлардан 2, 3 ва 4-тартибли ён илдизлар ўсиб чиқиб, ғузанинг илдиз тизимини ташкил қилади. Меъёрида ривожланган ғузанинг илдиз тизими тупроқнинг намлиги етарли ҳолларда ўзининг миллионлаб тукчалари билан тупроқда мавжуд бўлган озиқ моддаларни шимиш вазифасини бажаради. Демак, шу билан ғузанинг ҳаётийлиги меъёрида кечади. Ғузани сувлаш оралиғи узайиб кетса, тупроқдаги намлик кескин камайиши эвазига илдизнинг фаолияти ёмонлашиб, кичик илдизчалар қуриб, нобуд бўлади.

Демак, бундай ҳолатлар ғузанинг меъёрида ривожланишига ва унинг ҳосил элементларига салбий таъсир этади, хуллас ҳосил чўғи пасаяди. Шу туфайли ғузани сувлашда унинг ривожи, тупроқ шароити ва юқорида қайд қилинган тавсияларга амал қилиш билан кўпчилик илғор тажрибаларда исботланган ўқариқ узунлигини доимий равишда аксарият майдонларда 50—60 метр ва чўл ҳудудларнинг нишоб бўлган далаларида 80—100 метрдан оширмасдан калта қулоқ қилиб, енгил ҳолда сув қуйиш давомийлигини 18—20 соатдан қилиб, суғоришни ташкил қилиш лозим. Ғуза ҳосилга ўтирган пайтлари суғориш оралиғи ҳаво ҳароратига қараб 12—15 кундан ва сувнинг қуйилиш давомийлигини 24—30 соатдан оширмаслик тавсия этилади.

Хуллас, ғуза даласи бир текис намланган ҳолда сифатли суғорилиши, сувнинг ошиқча пояноб билан чиқиб кетишига йўл қўймаслик зарур. Ҳаётда шундай тажрибалар ҳам борки, ўқариқ узунлиги 40—50 метр бўлиб, суғориш вақти енгил қумоқли тупроқлар шароитида 7—8 соат давомида 12 мартагача вегетация давомида ғузани суғориб, гектаридан 45—48 центнергача пахта ҳосили олишга муваффақ бўлишган. Бу да-

лаларда ғузани суғоришда бир литр сув ҳам поянобга чиқарилмасдан амалга оширилган. Демак, ғузани суғоришда сув билан сув оралиғи яқин, яъни тез-тез енгил суғоришнинг бажарилиши ҳосилнинг эрта пишиб етилишини таъминлайди.

Меъёрида сувланиб ўсаётган ғузаларнинг бўғин оралиғи 3,5—4,5 см ни ташкил қилса, бўғин оралиғи 5—7 см бўлган ғузалар, албатта, сувга сероб бўлади, бундай ғузалар говлаб кетади, ҳосил элементларининг тўкилиши ва кам ҳосил бериши, ҳосилнинг кеч етилиши содир бўлади. Ғузани сифатли қилиб, қайд қилинган тавсияларга амал қилган ҳолда, эгатлардан бир текис сув таралишини ташкил қилиш, мавжуд сувнинг ҳар бир литридан тежаб-тергаб фойдаланиш, далани кўллатмаслик, бунинг учун тажрибали сувчиларни бу муҳим ишга жалб қилиш, эгатлардан жилдирашиб сув тараш, поянобга мутлақо сув чиқармаслик чоралари кўрилиши шарт. Ғузани суғоришда ишловчиларга қулай шароит яратиш, уларга вақтида ойлик маошлар беришни ташкиллаштириш билан уларнинг масъулиятлари оширилиши керак. Суғориш сифатини хўжалик ва ҳокимиятлар томонидан мутахассислар иштирокида тузилган гуруҳлар назоратида бўлишини таъминлаш лозим.

Ғузани эгат оралатиб сувлаганда сув таралмаган эгатларнинг пуштаси ён томонлардаги сувдан яхши намиқшига эга бўлиш билан тупроқнинг табиий ҳолати бузилмай, юмшоқ-майин тупроқ сақланишига эришиш керак. Бу усулда суғоришда қулай шароит яратилиши сабабли ғузаларнинг илдизлари сув таралмаган томонга ўсади ва кучли ривожланади. Эгат оралатиб суғоришнинг яна бир афзаллиги шундаки, ғуза ҳаддан ташқари бўйига ўсиб кетмайди, тўғри шаклланади, ғуза тупи калта бўғинли бўлиб, ҳосил шоҳлари ва мева элементлари кўпаяди, фотосинтез жараёни яхши кечганидан ҳосил тугунчаларининг тўкилиши камаяди. Бу усул, айниқса, ғузанинг 60 см ли схемада жойлаштирилган шароитида яхши натижа беради.

Айрим тажрибали пахтакорлар бу усулдан яхши натижаларга эришаётгани маълум. Илмий кузатувлардан маълумки, агарда иссиқлик ҳарорати 37—38 даражадан юқори бўлса, ғуза тўқималарининг қаттиқ исиб

кетишига олиб келади, ҳатто 40 даражадан ошиб кетса, ғўзада кечадиган физиологик ва биохимик жараёнларга таъсир этиш эвазига унинг ҳосил элементлари тўкилади. Шундай пайтларда ғўзани кўллатиб, меъёридан жудаям ошиқ суғорилса, айти даладаги ғўзалар орасида иссиқлик нам сифими ошиб кетиши ҳисобига ғўзаларда тўпланган мева элементлари (ҳатто кечик кўсакчалар ҳам) кўплаб тўкилиб кетишига сабаб бўлади. Ғўзанинг ўсув ва ривожланиш даврида дала шароитида иссиқлик нам сифими (теплосодержание воздуха) ҳаво ҳарорати жуда юқори (42—44 даражада) бўлганда, катта меъёр билан кўллатиб суғорилаётганда айти даладаги намлик 85—95 фоизга кўтарилиши юзага келса, оқибатда ғўза пайкалидаги иссиқлик нам сифими 16—17 килокалорияга (ўрта толали навларда) кўтарилиб, ғўзанинг ҳосил элементлари кўплаб тўкилиб кетади. Ингичка толали ғўзаларни суғоришда иссиқлик нам сифими 18—20 килокалорияга етганда шона, гул ва етилмаган кўсақлар кўплаб тўкилиб, ҳосилга катта путур етказилади (Ўзгидрометрология мутахассислари томонидан ўрганилган). Ғўзани суғоришда меъёрида бажариладиган далаларда иссиқлик нам сифими ўрта толали ғўзаларда 12—13 килокалория ва ингичка толали ғўза навларида 15—16 килокалориядан ошмаганда далаларда ғўзалар меъёрида ривожланиб, ҳосил тугунчалари тўкилиши содир бўлмайди. Бундай ўлчовларни пахтакор дала шароитида аниқлашининг иложи йўқ. Шунинг учун ҳам ҳаво ҳарорати жуда юқори бўладиган пайтда ғўзаларни кўллатмасдан жилдиратиб суғоришни ташкил қилиш зарур.

Бундай пайтларда (юқори иссиқда) ғўзалар кундузи ишламай ҳансираб туради, ўсимликнинг нафас олиши қийинлашади, буни ҳар бир пахтакор билмоғи лозим. Юқори иссиқлик ҳароратида ғўзалар асосан кечалари салқин пайтларда яхши ривожланади. Шунинг учун ҳам тунги сувлашга катта аҳамият бериб ишни ташкил қилиш айти муддао.

Экилган пахтасидан мўл ҳосил олишни ўйлаган деҳқон, албатта, берилган тавсияларга амал қилиб, ғўзаларини кўнгилдагидек сувлаб, етказилган мева эле-

ментларига шикаст етказмасдан юқори ҳосил олишга эришади. Бундан ташқари, фермер хўжалиги бошлиғи ва унинг сувчиси ҳар бир қатра оқар сувнинг қадрига етиб, уни бекорга исроф қилмасдан самарали фойдаланган ҳолда етиштираётган пахтадан эртаги мўл ҳосил олишга эришишлари зарур.

Ғузани маъданли ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантириш

Ғуза ўсимлиги ҳам бошқа экинлар қатори минерал ва маҳаллий ўғитларга анча муҳтож экин ҳисобланади. Ундан мўл ва сифатли ҳосил олиш шу минерал ва маҳаллий ўғитлар билан таъминланганлигига боғлиқ.

Демак, ғуза экини меъёрида ривожланиши учун турли кимёвий элементларни талаб қилади. Азот, фосфор ва калийдан ташқари кальций, кремний, бор, марганец, алюминий, магний, олтингугурт, темир, мис, натрий, хлор ва цинк каби элементлар ғуза ва унинг мевалари таркибида мавжуд. Ерга фақат ўғит тариқасида азот, фосфор ва калий берилади, қолганларини ўсимлик оз миқдорда талаб қилгани учун ўз вегетация даврида тупроқдан олади.

Қатор илмий кузатувлардан маълумки, бир тонна пахта хом-ашёси етиштириш учун тупроқдан 50—60 килограмм азот, 15—25 килограмм фосфор ва 50—70 килограмм калийни (соф ҳолда) олиб чиқиб кетади. Ғуза бу ўғитларни ривожланиш даврида олади. Унинг ўрнини тўлдириш учун ғузанинг ҳар бир гектарига ҳосилдорлик ва тупроқнинг унумдорлигига қараб, 1:0,7:0,5 нисбатда юқори ҳосилли далаларга соф ҳолда 250 кг азот, 175 кг фосфор ва 125 кг калий ўғити берилгани яхши натижа берган.

Азот билан таъминланган ғуза тупи яхши ўсиб, барглари тўқ яшил бўлади. Азот етишмаса, ғуза суст ўсади. Барглари сарғайиб, майда бўлади ва кам кўсак тугади.

Фосфорли озиқлар билан ғуза яхши таъминланса, ўсимликнинг илдиз тизими тез ва бақувват бўлиб ўсади, ҳосил мевалари барвақт пайдо бўлиб, кўсаклар тез ва эрта етилади. Акс ҳолда тупроқда фосфор етарли

бўлмаса, ғўза сустр ўсади, ривожланиш фазалари кечикади, кўсак ва чигит вазни камаяди.

Тупроқда калий етарли бўлса, азотнинг ўсимликка ўтиши кучайиб, унда азотли органик моддалар миқдори ошади. Калий етишмаса, ўсимлик сустр ўсади, баргларида қўнғир доғлар пайдо бўлади, тола ва чигитнинг сифати пасаяди. Ғўза ёш пайтидан бошлаб, керакли озиклар билан тўйиб озикланса, унда кучли илдиз тизими ривожланади. Натижада ғўза ноқулай ташқи шароитларга бардошли бўлади, ҳосил шохларини эрта чиқаради, серҳосил бўлиб, асосий ривожланиш фазаларининг ўтиши жадаллашади. Азотли ўғитларнинг ғўза ўсимлигига ишлатиладиган формаларидан бири **аммиакли селитра** бўлиб, таркибида 34—34,5 фоиз нитрат ва аммиак формасидаги азот мавжуд. Бу ўғит донатор бўлиб оқ, кул ранг ва сарғиш рангда бўлади, сувда тез эрийди.

Карбомид (мочевина) — ўғити таркибида 46 фоиз амид формасидаги азот мавжуд бўлиб, концентрациялашган азотли ўғит. У оқ рангда бўлиб, донатор ҳолда ишлаб чиқарилади, сувда секин эрийди.

Аммоний сульфат — ўғити таркибида 20,8—21,5 фоиз аммиак формасидаги азот мавжуд. Аммоний сульфатининг ташқи кўринишидан турли ранглардаги майдаланган тузга ўхшайди. У оқ рангдан зангор ранггача бўлиши мумкин, сувда тез эрийди.

Оддий суперфосфат — ўғити фосфорли ўғитнинг асосий тури. Апатитлардан тайёрланган суперфосфат оқ рангда бўлади, таркибида 19—20 фоиз сувда эрийдиган фосфор кислотаси мавжуд.

Аммонийли суперфосфат — донатор, кул рангда бўлади. Таркибида 14—15 фоиз фосфор ва 1,5—2,0 фоиз азот мавжуд.

Калий хлорид — ўғити таркибида 60—62 фоиз калий оксиди мавжуд бўлиб, оқ рангдан қўнғир ранггача бўлади. Нам жойда сақланса қотиб қолади. Сувда яхши эрийди.

Калий тузи — таркибида 40 фоиз калий оксиди мавжуд. Ташқи кўриниши калий хлориддан пушти ва ҳаво ранг кристалларнинг мавжудлиги билан фарқ қилади. Нотўғри сақланганда (нам жойда) қотиб қолади.

Аммофос — ўғити кул ранг ёки оқ рангдаги кукунсимон ёки донатор ўғит. Таркибида 42—50 фоиз фосфор кислотаси ва 11—12 фоиз азот мавжуд.

Юқорида қайд қилинган минерал ўғитлар асосан пахтачиликда кўпроқ ишлатилади. Пахта етиштириш ҳосилдорликка қараб, минерал ўғитлар билан озиқлантириш меъёрлари белгиланиши керак. Уларни шудгор остига, чигит экиш билан бирга, шоналашгача, шоналаш ва гуллаш даврида бериб тугаллаш назарда тутилмоғи лозим. Айни сабабларга кўра ҳамда республикамызда экилиб парвариш қилинаётган ғўза навларининг турли хил тупроқ иқлим шароитларида, уларнинг хусусиятларини ҳисобга олиб, олимларимиз берган тавсиялар бўйича озиқлантирилиши мақсадга мувофиқдир.

Жумладан, ғўзанинг «**Бухоро-102**» навини ўғитлашнинг мақбул меъёри соф ҳолда гектарига азот — 250, фосфор — 175 ва калий — 100 килограммдан. Бу ғўза навига ўғитларнинг йиллик меъёри, яъни шудгор олдида фосфорли ва калийли ўғитларнинг 50 фоизи (қишда тупроқнинг шўри ювиладиган ерларда ўғитларнинг бу миқдори ерни экишга тайёрлашда чизеллаш пайтида берилади), ғўза яганаси ўтказилгандан кейин азотли ўғитларнинг 30 фоизи, фосфорли ўғитларнинг 25 фоизи, шоналаш даврида азотли ўғитларнинг 35 фоизи, калийли ўғитларнинг 50 фоизи, гуллаш даврида азотли ўғитларнинг 35 фоизи, фосфорли ўғитларнинг қолган 25 фоизини бериш керак. Охириги ўғитлашни 1 июлгача тугаллаш билан мўл ва эртаги ҳосил олишга эришиш мумкин.

«**Наманган-77**» ғўза нави экилган бўз тупроқларда 1:0,7:0,5 нисбатда, яъни гектарига азот — 250 кг, фосфор — 175 кг ва калий — 125 кг дан берилгани яхши натижа берган. Азотли ўғитларни уч муддатда: биринчи культивация вақтида гектарига 50 кг, шоналаш даврида 100 кг, гуллаш фазаси бошланишида 100 кг, фосфорли ўғитни тенг қисмларга бўлиб, шудгор остига ва ўсимликлар гуллаш даврида, калийли ўғитлар 50 фоиз шудгорлашдан олдин ва 50 фоиз шоналаш даврида солинади.

Ғузанинг **С-4727** нави бӯз тупроқли ерларда режаланган ҳосилдорлик гектарига 35—40 центнер бўлганда N—250, P—175 ва K—125 кг дан бериш лозим. Бунда азотни ғузага уч муддатда: биринчи культивациядан аввал гектарига 30—50 кг, шоналаш даврида (биринчи суғоришдан олдин) 100—120 кг ва гуллаш бошланганда (иккинчи суғоришдан олдин) 100 кг миқдорда бериш яхши натижа беради. Фосфорни тенг миқдорда кузги шудгор ва гуллаш даврида, калий ҳам тенг миқдорда кузги шудгор ва шоналаш даврида берилиши керак. Ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқ тупроқларда азот миқдорини гектарига 25—30 кг камайтириб, фосфорни шунча миқдорда ошириш керак. Азот, фосфор ва калийнинг тўғри нисбати ўсимликнинг яхши ўсишини, ҳосил олишини ва тола сифатини мустаҳкамлайди.

«**Омад**» ғуза навининг майдонларига ҳам гектарига азот 225—250 кг, фосфор 150—175 кг ва калий ўғитини 100—125 кг дан юқорида келтирилган муддатларда сифатли равишда ғуза қатор ораларига солиш энг яхши натижа бергани кузатилган.

Ғузанинг «**Андижон-35**» навини минерал ўғитлар билан озиқлантиришда, азот, фосфор ва калий 1:0,7:0,5 нисбатда бўлиб, гектарига соф ҳолда 200—250 кг азот, 140—175 кг фосфор, 100—125 кг калийли ўғитлар билан озиқлантириш тавсия этилади. Дастлабки озиқлантиришни яганадан сўнг, кейингиси шоналаш ва охиргиси гуллаш даврида ўтказиб кечи билан 1 июлда тугаллаш лозим.

«**Оқдарё-6**» ғуза навига бериладиган минерал ўғитларнинг йиллик меъёри тупроқнинг унумдорлигига қараб гектарига азот 200—250 кг, фосфор 140—175 кг ва калий 100—140 кг бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ўсув даврида уч марта озиқлантирилади: биринчи озиқлантириш ниҳолларда 3—4 чинбарг пайдо бўлганда, иккинчиси ғузалар шоналай бошлаганда, учинчиси эса гуллаш даврида амалга оширилади.

Ғузанинг **С-6524** навини ўғитлаш меъёри азот ўғитлари билан бӯз ерлар учун гектарига 250 кг, албатта, соф ҳолда, фосфор 175 кг, калий 125 кг, ўтлоқи тупроқларда эса 25—30 кг кўп бўлиши мумкин. Азотли ўғитлар уч даврда берилгани маъқул. Жумладан, би-

ринчи культивация билан биргаликда гектарига 50 кг, шоналаш ва гуллаш даврида эса, 100 кг дан бериш керак. Фосфорни асосий шудгорлашдан олдин, калийни эса, шудгорлашдан олдин ҳамда биринчи культивация ва гуллаш бошланганда азот билан бирга бериш яхши самара беради.

«**Бухоро-6**» ғўза навига азот ўғити 200—250 кг, фосфор 150—175 кг ва калий 100—125 килограммдан берилгани энг яхши натижа кўрсатган. Фосфорли ва калийли ўғитларнинг 50 фоизи шудгорлашдан олдин, фосфорли ўғитларнинг қолган 50 фоизи гуллаш даврида, калийли ўғитларнинг 50 фоизи шоналаш даврида, азотли ўғитларни уч муддатга бўлиб экиш ёки биринчи культивация, 2—3 чинбарг пайдо бўлганда 50 кг, шоналаш даврида 100—125 кг, гуллаш бошланишида 50—75 кг дан берилгани маъқул.

Ғўзанинг «**Хоразм-127**» ва «**Хоразм-150**» навларига минерал (NPK) ва маҳаллий ўғитлар меъёри ва нисбатлари, берилиш муддатларига кўра, фосфор ва калий ўғитларининг йиллик меъёрини 70—50 фоиз ва ғўнг (10—20—30 тонна) шудгор тагига берилиши керак. Экиш билан бирга азот 20, 30—40, 50 кг/га (соф ҳолда); фосфор 10—20 кг/га, 3—4 чинбарг чиқарганда азот 20, 30—40, 50; шоналашда 50, 70, 80; калий 20, 30—40, 50 кг/га, гуллаш даврида азот 60, 70, 80; фосфор 20—30 кг/га, бунда 20 центнергача ҳосил олиш учун NPK меъёри 150, 105, 75 кг/га; 30 центнергача ҳосил олиш учун режалаштирилган майдонларга NPK 200, 140, 100 кг/га; 31 центнердан юқори ҳосил берувчи далааларга NPK 250, 175, 125 кг/га (С.Х.) берилиши лозим.

«**Бухоро-8**» нави учун ўғит меъёри ўтлоқи тупроқлар шароитида N—250, P—175, K—125 кг/га бўлиб, азотни уч муддат 2—3 чинбарг пайдо бўлганда гектарига 50 кг, шоналаш даврида 100 кг ва гуллаш бошланишида 100 кг, фосфор ва калий ўғитларни 50 фоиз шудгорлашдан олдин ва қолган 50 фоизи гуллаш даврида, калийли ўғитларнинг қолган 50 фоизини шоналаш даврида берилади.

Ғўзанинг истиқболли «**Наманган-34**» нави устида ўтказилган тажрибалар натижасига кўра, азотли, фос-

форли ва калийли ўғитларни 1:0, 7:0,4 нисбатда ишла-тиш яхши натижа берган. Бўз тупроқларда экилган ғўзаларга азот гектарига 200 кг, фосфор 140 кг ва калий 80 кг миқдорда, ўтлоқи тупроқларда азот 25—30 кг кам, фосфор 25—30 кг кўп берилиши тавсия қилинган. Белгиланган азот, фосфор ва калий ўғитларининг юқорида қайд қилинган навларга мос равишда ғўзанинг 2—4 чинбарг чиқариш, шоналаш ва гуллаш фазаларида берилгани маъқул. Бериладиган минерал ўғитларнинг нисбатини бузмаган ҳолда қўллашни амалга ошириш керак. Азотли ўғитлар меъёридан ортиқ ишлатилса, кўсақларнинг очилиши 10—15 кунга кечикиб, пахта толасининг сифати пасаяди, тола дағаллашади.

С-6541 ғўза нави билан ўтказилган илмий изла-нишлардан маълумки, азот, фосфор ва калий ўғитла-рининг нисбати 1:0, 7:0,4 бўлганда яхши натижа бер-ган, унга кўра, бўз тупроқларда гектарига азот — 200 кг, фосфор — 140 кг ва калий — 80 кг миқдорда, ўтлоқи тупроқларда азот 25—30 кг кам, фосфор эса 25—30 кг кўп берилади. Бу ўғитларни бериш юқорида қайд қилинган ғўза навларига мос ҳолда уч муддатда берилиши мақсадга мувофиқдир.

Ғўзанинг «**Андижон-36**» нави учун минерал ўғит-ларнинг йиллик меъёри гектарига азот — 200, фос-фор — 150 ва калий — 100 кг. Бунда азотли ўғитлар уч муддатда, 2—4 чинбарг пайдо бўлганда 50 кг, шо-налаш даврида 75—100 кг, гуллашда 75—100 кг, фос-форли ўғитларнинг 50 фоизи шудгорлашдан олдин, 50 фоизи гуллаш даврида, калийли ўғитлар 50 фоизи шудгорлашдан олдин, қолгани шоналаш даврида қўлла-ни-лади.

«**Денов**» ғўза нави Сурхондарё вилояти Денов туман-ининг бўз тупроқларида гектаридан 40—45 центнер ҳосил етиштиришни мўлжаллаганда ўртача 300 кг азот, 190—200 кг фосфор, 110—120 кг калий ўғитлари (соф ҳолда) берилиши мумкин. Чигит экиш пайтида гекта-рига 20 кг азот ва 20—30 кг фосфор ўғитини аралаш-тириб солиш ҳам яхши натижа беради. Азотли ўғитлар билан озиклантириш уч марта, биринчиси ғўза ягана-дан чиққандан сўнг 2—3 чинбарг даврида, иккинчиси

ғўза ёппасига шоналаганда ва учинчиси гуллаганда берилади.

Ѓўзанинг «Ан-Бояут-2» нави экилган майдонларни минерал ўғитлар билан озиклантириш ғўзаларнинг «Наманган-77», С-6524, «Оқдарё-6», «Андижон-35» ва «Наманган-34» навларига тавсия қилинган меъёрлар ва муддатлар сингари амалга оширилиши яхши натижалар беради.

Янги «Ат-Термизий», «Турон», «Наврўз» ва «Бўстон» каби ғўза навларини минерал ўғитлар билан озиклантириш юқорида қайд қилинган навларга қилинган ўғитлаш тавсиялари асосида ташкил қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Ингичка толали ғўзанинг «Термиз-31» нави асосан Сурхондарё вилоятининг жанубий туманлари тупроқ шароитида экилиб келинади. Бу ғўза навидан қатор фермер хўжаликлари 35—40 центнергача ҳосил етиштиришда минерал ўғитларнинг йиллик меъёри азотни гектарига 200—250 кг, фосфорни 140—150 кг ва калийни 60—80 кг дан ишлатганлари яхши натижаларга эришяпти (ўғит меъёрлари ЎзПИТИ тавсияларида белгиланган).

Азотли ўғитларни, асосан, 3 муддатда — экишнинг биринчи культивацияси билан, иккинчиси шоналаш даврида ва учинчиси гуллаш даврида бериб тугалланиши керак. Фосфорли ўғитларни ғўза пайкалларига солиш шудгорлашдан олдин ва қолган қисмини гуллаш бошланиши билан тугалланади. Калийли ўғитлар меъерининг 50 фоизи шудгорлашдан олдин ва қолган қисми эса шоналаш даврида берилгани яхши натижа беради. Минерал ўғитлар билан озиклашни узоғи билан 1 июлгача тугаллаш лозим.

Минерал ўғитларнинг асосий қисми ғўзанинг ривожланиш даврида қатор ораларига берилади, биринчи озиклантиришда ўғит ўсимликлар қаторидан 13—15 см, шоналаш даврида 20—22 см узоқликда, гуллаш даврида эса қатор оралари ўртасига (60 см қатор ораларида) эгат тубидан 4—5 см чуқурликка солинади. Агар ғўза қатор оралари 90 см бўлса, ўғит ўсимлик қаторидан 30—35 см ёнига ва 4—5 см чуқурликка солинади.

Юқорида қайд қилинганидек, минерал ўғитларни тавсия қилинган муддатларда бериш ўсимликда ўтадиган физиологик ва биохимик жараёнлар меъёрида ўтиши эвазига ғўзадан олинадиган ҳосил мўл бўлади. Азот ўғити катта меъёрларда қанчалик кеч берилса, ҳосил шунчалик кечикади, фосфорли ўғитларнинг кўпроқ қисми шудгорлашдан олдин солинса ҳамда вегетациянинг дастлабки даврдаги илдиз жойлашган қатламларда тупроқ эритмасида фосфор лаёқатлироқ ҳолда туришидан кўпроқ баҳраманд бўлади ва ўсимлик ривожини яхшиланади, унинг самараси юқори бўлишига олиб келади. Имконияти борича фосфорли ўғитларни ғўзанинг ёш даврида ўсимликнинг илдизи жойлашган қатлам чуқурлигига беришни амалга ошириш энг муҳимдир. Ўтказилган илмий ишлардан маълумки, фосфор ўғитининг ўсимликка таъсири тупроққа киритилгандан кейин 30—35 кунда ўтгани аниқланган. Ғўза қатор орасига солинган фосфор ўғити дарров ўсимликка ўта бошлайди деб тушунмаслик керак. Шунинг учун бу ўғитларнинг самараси юқори бўлиши учун тавсияларга тўлиқ амал қилиш лозим.

Илмий изланишлар ва кўп йиллик ишлаб чиқариш тажрибаларидан маълумки, минерал ўғитларнинг самарадорлигини ва тупроқнинг унумдорлигини оширишда ҳамда мўл ва сифатли пахта ҳосили олишда органик ўғитларнинг ўрни бениҳоя каттадир. Органик ўғитлар таркибида ўсимлик учун зарур бўлган барча микроэлементлар мавжуд. Органик ўғитларга гўнг, жижа, парранда қийи, нажас ва турли хил компостлар ва кўкат ўғитлар киради. Органик ўғитлар таркибида азот, фосфор, калий, кальций ва ўсимликларнинг озикланиши учун зарур бўлган бошқа элементлар, шунингдек, тупроқнинг хоссаларига ижобий таъсир этадиган органик моддалар бўлади. Маҳаллий ўғит сифатида гўнг, гўнг аралаш тупроқ, гўнг фосфор аралаш тупроқ (компост) чириган ҳолда ўсимликка берилса, доимо ўсимликдан самарали натижа олинади. Улар тупроқнинг физик-кимёвий хусусиятларини яхшилайди, биомавжудотларни меъёрида сақлаб туради, тупроқ устки қатламида карбон газини кўпайтиради.

Органик ўғитлардан фойдаланилганда тупроққа бе-

рилган минерал ўғитларнинг микроорганизмлар томонидан вақтинча ўзлаштириб олиниши ва уларнинг аста-секин лаёқатли ҳолга кела бошлаши натижасида ўсимликлар узоқ вақт озиқ элементлари билан яхши таъминланиб туради.

Гўнгни таркибида азот 0,5 фоиз, фосфор 0,25 фоиз ва 0,6 фоиз калий мавжуд. Тупроққа қанча кўп миқдорда гўнг солинса, унинг чириши натижасида шунча кўп карбон гази ажралиб чиқади ва ўсимликни ҳаводан озиқланиш жараёнини қулай ҳолатга келтиради. Тупроққа ярим чириган 20—30 тонна гўнг солинганда ҳар кун ажралиб чиқадиган карбон миқдори гўнг солинмаган далага нисбатан гектарига 100—150 кг кўпаяди. Бу эса қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш учун муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Ғўзанинг ривожини янада тезлаштириш учун кам қувватли, ғўзаси паст, ўсувдан орқада қолаётган пайкалларга қўл кучи ҳамда сув билан «шарбат» усулида маҳаллий гўнг бериш ҳам яхши натижа беради. Хўжаликда тайёрланган гўнг миқдори барча майдонларга камлик қилишини ҳисобга олиб, албатта, уни кам қувватли ғўза майдонларига камида 10—15 тоннадан солишни ташкил этиш лозим бўлади. Шуларни инобатга олиб, борлиқ имкониятларни ишга солиб, гўнгни дала шароитида сақлашда, улар далага ташиб чиқарилади ва ҳар қайсиси 4—6 гектар майдонга етадиган қилиб текис ерга уюлади. Уюмлар атрофи зич қилиб шиббаланади, тегишли шакл ва ўлчам ҳосил қилинади: уюмнинг кенглиги 5—6 метр, баландлиги 2—2,5 метр қилиниб, уларнинг усти 10 см қалинликда тупроқ билан ёпилади. Бунда тупроқ массаси сақланаётган гўнг массасига қараганда 25 фоиздан ошиб кетмаслиги керак. Дала шароитида қурилган ҳар қайси гўнг хонанинг ҳажми ўғитланадиган даланинг катталигига ва ўғитлаш меъёрига боғлиқ бўлиб, унинг ҳажми 3000 м³ дан ошиб кетмаслиги керак. Бу тайёрланган, яъни яхши чириб улгурган гўнглари шудгор олдидан ёки экиш олдидан гектарига 15—20 тоннадан берилиши керак.

Кейинги йилларда алмашлаб экиш тизимининг (беда-пахта) издан чиққанлиги эвазига ерларнинг унумдорлиги пасайиб, бонитет баллар йилдан-йилга паса-

йиб бориши кузатилмоқда, тупроқ ҳайдов қатламида гумус камайиб бораётир. Бонитет балл 21—40 га тенг майдонлар республикада 23,1 фоизни ташкил этади. Бундай ерлар асосан Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Қишлоқ хўжалигида суғориладиган ерларнинг 43 фоизи бонитет балли 41—60 ни ташкил этади. Бундай ерлар ҳам юқорида қайд этилган вилоятларда тарқалганлиги маълумот ва ҳисоботлардан аниқ. Бундай ерларда бонитет баллари бўйича пахтанинг ўртача норматив ҳосилдорлиги гектарига 20 центнерга тенг ва ўзгарувчан бўлиб, 16 дан 24 центнер ўртасида бўлади.

Ерлар бонитет балларининг камайиши пахта ҳосилига катта таъсир қилаётгани жойларда кузатилмоқда. Буларнинг олдини олиш мақсадида ерларнинг унумдорлигини (гумусини) ошириш учун алмашлаб экиш тизимини йўлга қўйиш, ерларнинг мелиорациясини яхшилаш билан унумсиз деб ҳисобланган далаларга кўп миқдорда маҳаллий гўнг, девор, аланг ва кўп йиллардан бери ётган зовур тупроқларини ерга солиш ҳам ҳосилдорликни оширишга олиб келади. Лойдан бўлган эски девор, аланг ва зовур тупроқлари кўп йиллаб қуёш нурида ётиши эвазига, шу тупроқда мавжуд бўлган минерал элементлар ўсимлик учун тезда қабул қилишга лаёқатли ҳолга келиб қолади, уларни ерга солиш билан экин ҳосилдорлигини кескин оширади. Бу бободехқонлар тажрибаларидан ҳам азалдан маълум ҳолатдир. Миришкор боғбонлар эски девор тупроғини узум тагига бериб, айримлари узумдан икки-уч баравар ҳосил олишга эришган. Ҳосилга ҳосил қўшиш учун имкониятларни топиб, алмашлаб экишни йўлга қўйиш, минерал ва маҳаллий ўғитлардан белгиланган муддатларда самарали фойдаланишга эришишни ташкил қилиш керак бўлади.

Ғузани чилпиш

Ғузани чилпиш (чеканка қилиш)дан асосий мақсад, унинг ўсувини тўхтатиш, ҳосил элементларига борадиган озуқа моддаларининг таъсирини кўчайти-

риш, уларнинг тулишиб етилишини таъминлашдан иборатдир. Шунинг учун гўзанинг ўсув нуқталари ва моноподиал (ўсув) шоҳларининг учи чилпиб ташланади. Буни бажаришлик ўрта толали гўзаларда уларнинг селекцион навларига қараб, масалан «Бухоро-102» навида чилпиш 14—15 та ҳосил шоҳи пайдо бўлганда, «Наманган-77» ва С-4727 навларида 14—15 та, «Омад» навида 14—15 та, «Андижон-35» навини кўчат қалинлигига қараб 13—14 ёки 14—15, «Оқдарё-6» навини 15—16 та, С-6524 навини 14—15 та, «Бухоро-6» ва «Бухоро-8» навларини 14—16 та ҳосил шоҳи пайдо бўлганда қўлда ва кимёвий усулда гектарига 1,5 литр ҳисобида «Пикс» дорисини сепиш билан, «Хоразм-127» ва «Хоразм-150» навларини тупроқ иқлим шароитидан келиб чиқиб, кимёвий усулда гектарига 1,5 литр «Пикс» билан 12—14 та ҳосил шоҳи бўлганда, қўлда эса 14—16 та шоҳда, «Наманган-34» навини 14—15 та, С-6541 навини 14—15 та ва кўчат сони қалин бўлганда 11—12 та ҳосил шоҳи бўлганда, «Денов» навини унумдор тупроқларда 15—16, ўртача унумдор ерларда 14 ва унумдорлиги паст бўлган майдонларда 12—13 та, «Ат-Термизий» навини юқори ҳосил қутилаётган ерларда 13—14 та, ундан пастроқ ҳосилли ерларда 12—13 та, «Турон» навини 14—15 та, «Бўстон» навини унумдор тупроқларда 15—16 та, унумдорлиги ўртача қумли ва тошли тупроқларда эса 13—15 та ҳосил шоҳи пайдо бўлганда ва ингичка толали гўзанинг «Термиз-31» навини гўза туплари кучли ривожланган жойларда ҳар туп гўзада 19—20 та ҳосил бўғини пайдо бўлганда, гўза туплари ўртача ривожланган далаларда чилпишни 17—18 та ҳосил бўғини пайдо бўлганда ўтказиш мақсадга мувофиқдир (ЎзПТИ маълумотлари).

Гўзаларда чилпиш ўтказилиши натижасида тупроқдан олаётган озиқ моддалар ҳосил шоҳларига, ундан ҳосил тугунчаларига ўтади, уларнинг ташқи муҳит таъсиридан тўкилиши камаяди, кўсаклар кўпайиб вазни ортади. Демак, гўза ҳосили кўпайиши билан унинг эрта пишиб етилишига ижобий таъсир этиши учун чилпишни сифатли равишда ўтказишни тўғри ташкил қилиш, албатта, унинг ён ўсув шоҳларини чилпиш ҳам энг муҳим ишлардан биридир.

Айрим ҳолларда ғўза пайкаллари сифатсиз, чала чилпишлар амалга оширилиши эвазига, кейинчалик бундай ғўзалар ўсиб кетиб, етиштирилган ҳосилни кечиктиришга сабабчи бўлади. Шу туфайли ғўзани чилпишнинг бажарилиш сифатига қаттиқ назорат ўрнатилиши талаб этилади. Чилпиб олинган ғўзанинг ўсув нуқта қолдиқлари дала ичига ташланмасдан, дала четига кўмиб юборилиши керак. Чунки кўпчилик ҳолларда ғўзанинг ўсув нуқталарига зараркундалар ўз уруғини қўйиб кетган бўлади.

Пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг ўтказган кўп йиллик илмий ишларидан маълумки, меъёридан жуда эрта ва ўта кеч қилинган чилпишлар ҳосилнинг камайишига ва етиштирилган мева элементларидан кеч ва паст сифатсиз ҳосил олишга сабабчи бўлган. Шунинг учун ҳам юқорида тавсия қилинган мuddатларда, яъни ғўзада ҳосил бўлган шохларининг миқдорига қараб чилпиш кечикмасдан ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Бу билан ҳосилнинг эрта, сифатли ва мўл бўлишини таъминлайди. Имконияти мавжуд бўлган жойларда чилпишни кимёвий препарат «Пикс»да гектарига 1,0—1,5 литрни 300 литр сувга аралаштириб тайёрлангандан сўнг сугоришдан 6—7 кун ёки 7—8 кун ўтгандан кейин сепилади.

Ќўзанинг ривожланишида самарали иссиқлик ҳароратининг аҳамияти

Ќўзанинг меъёрида ривожланиб, унинг мўл ҳосил беришида иссиқлик муҳим омиллардан биридир. Ќўза ўсимлиги чигит унишидан вояга етгунча бўлган даврда биологик хусусиятларга хос бўлган бир қатор физиологик, биокимёвий ва морфологик қонуний ўзгаришларни кечиради. Ќўзанинг ўсиш ва ривожланиш жараёнлари давомида 5 та асосий фазани ўтайди: униб чиқиш, чинбарг чиқариш, шоналаш, гуллаш ва кўсақларнинг очилиш фазаси. Бу жараёнларни ҳаракатга келтиришда иссиқлик, ҳаво ва намлик муҳим аҳамият касб этади. Қишлоқ хўжалиги илмида чигитнинг униб чиқиши учун энг пастки ҳарорат 10—11°С даражани

ташқил этади. Чигитнинг униб чиқиши учун 85—100°С даража фойдали ҳарорат зарур бўлади.

Юқорида қайд этилганидек, чигитнинг униши учун тупроқнинг 10 сантиметр қатламида ўртача ўзгармайдиган, яъни пастга тушмайдиган ҳарорат 12 даражадан кам бўлмаса, чигит униб чиқа бошлайди. Тупроқда иссиқлик ҳарорати 15—16 даражага етганда чигитнинг униши тезлашади.

Кўп йиллик илмий кузатувлардан маълумки, ғўзанинг ривожланиш фазасига кўра, чигит ер бетига униб чиққандан сўнг 10—12 кунда ғўзада биринчи чинбарг пайдо бўлади. Шу даврда 120—150 даража иссиқлик ҳароратини ўзига қабул қилади, 6—7 чинбаргдан сўнг (43—45 кунда) шоналаш бошланиб, 490—500 даража иссиқлик олишга улгуради, шоналашдан сўнг 25—28 кун ичида 900—1200 даража самарали ҳароратни олишга улгурганда ғўза гуллайди ва гуллашдан ҳосилнинг пишиши бошланишгача 55—66 кунда 600—800 даража самарали ҳароратни ғўза ўзига қабул қилади.

Демак, ғўзанинг пишиб етилиши навларнинг эрта ва кечки пишарлигига қараб, 1600 дан 2000 даражагача самарали ҳароратни талаб қилади. Ўрта толали ғўза навларида барча қўсақлар тўлиқ очилиши учун 2400—2500 ва ингичка толали ғўза навлари учун 2700—2800°С самарали иссиқлик етарли бўлади. Ғўзанинг ривожланиши амалга ошириладиган агротехник тадбирлар меъёрида, сифатли ўтказилиши ташқил қилинган пайкалларда ғўза оладиган самарали иссиқлик ҳарорати кўнгилдагидай кечади. Шунинг учун ҳам юқорида қайд этилган ғўза қатор ораларига белгиланган агротехник тадбирлар, айниқса, ғўзани ўз вақтида сифатли культивация қилиш, меъёрида озиклаш ва сувлаш, ғўзани бегона ўтлардан холи қилиш, чилпишни ҳам тавсияларга амал қилган ҳолда ўтказиш таъкидланган эди. Шу тадбирлар ғўза қатор орасида меъёрида бажарилса, ғўзанинг иссиқликдан фойдаланиши яхши юзага келади.

Ғўза табиатдан инъом этилган иссиқликдан етарли баҳраманд бўлади. Ғўзанинг самарали иссиқлик ҳароратини қуйидагича ҳисоблаш мумкин: агар июн ва июл ойларида ҳавонинг ҳарорати бир кеча-кундузда

ўртача 27 даражага тенг бўлса, ўсимлик шу ҳароратнинг 17 даражасини фойдали, яъни самарали ҳарорат қилиб ўзига қабул қилади, қолган 10 даражасидан эса ўсимлик фойда кўрмагани учун ҳисобдан чиқарилиб, у самарали ҳароратга киритилмайди. Демак, шундай иссиқлик ҳарорати 10 кунда 270 даражага тенг бўлса, шунинг 170 даражаси самарали иссиқлик ҳарорат деб ҳисобланади. Шу тариқа самарали иссиқлик ҳарорат ҳисоби юритилади.

Республикамизнинг тупроқ-иқлим шароитлари хилма-хил бўлиб, иссиқлик ҳарорати айрим пайтларда беқарор бўлади. Бундай ҳолатда ғўза ниҳолларининг ёш пайти май, ҳосилнинг пишиб етилиш пайтлари август ойи охири, сентябр ойининг айрим кунлари кечалари ҳаво ҳароратининг бир оз тушган ҳоллари учрайди. Бундай ҳолатлар ғўзанинг меъёрида ривожланишига қисман бўлса-да, салбий таъсир этади. Айрим кечаларнинг меъёридан салқинлиги ғўзани жинжайтириб кўяди, кундуз куннинг исиши билан ғўза ўзига келади. Бундай пайтларда унинг танаси совиб кетиши эвазига кундузги ҳавонинг исиши билан ўзини тиклаб олади. Бу жараёнларнинг такрорланиши ғўза ривожига оз бўлса-да салбий таъсир қилади.

Юқорида қайд қилинганидек, ҳаво ҳароратининг 36—38 даражадан юқорилаб, кундуз кунлари 40—45 даражага кўтарилиши ғўзанинг меъёрида ривожланиб, мева элементлари ҳосил қилишига салбий таъсир қилади, натижада ғўза тўқималарининг қаттиқ исиб кетиши эвазига ўсимлик танасида йиғилган ва ҳосил бўлган қуруқ моддаларнинг парчаланиб сарфланишига олиб келади. Оқибатда ўсимликда тўпланган ҳосил элементларининг кўплаб тўкилишига сабабчи бўлади. Бундай пайтларда ғўзанинг тупроқдан илдизи орқали сув билан олаётган озиқланишини сусайтиради, бу эса ғўзанинг меъёрида ривожланишига кескин таъсир қилади.

Ёзнинг энг иссиқ кунларида (июн, июл ва август ойлари) бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун ғўзани сувлашни қўллатмасдан енгил меъёрларда, айниқса, кечалари амалга оширишни ташкил

қилиш энг муҳимдир. Ғуза ўзининг ўсув даврида табиатдан олаётган самарали иссиқлик ҳароратини тўлиқ ололмаса, унинг ҳосил қилган кўсақлари ўз вақтида пишиб етилмайди. Шу ўринда, бир ҳолатни тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Айтайлик, пахтанинг пишиб етилган ва тўлиқ очилган кўсақлари терилгандан сўнг ўсимликда қолган кўсақларнинг пахтаси очилиши сустлашиб, уларнинг пишиб етилиши чўзилади. Агарда ғузани тергандан кейин далага жуда энгил сув берилса, яъни қолган кўсақларнинг очилиши кўз олдингизда 2—3 кун ичида тезлашганининг гувоҳи бўласиз. Қисқаси энгил ўтказилган сув ғузанинг ривожини тезлаштиради, тупроқда мавжуд бўлган озиқ моддаларни илдиз орқали етилмаган кўсақларнинг пишиб етилишига етказиш билан кўсақларнинг тўлиқ очилишини содир қилади. Демак, шундан ҳам маълумки, ғузанинг мева элементларига иссиқ таъсирида сув орқали озуқанинг келиши катта аҳамиятга эга бўлган жараёндир.

Ғуза зараркунандалари ва уларга қарши кураш чоралари

Қишлоқ хўжалик зараркунандалари ғузани зарарлайди, ундан озиқланади ва кўпаяди. Уларнинг айримлари ғузанинг баргини, поясини ва илдизини зарарлаш билан унинг ширасини сўради. Улар озиқланиш усулига қараб, «сўрувчи» ёки «кемирувчи» гуруҳларга бўлинади.

«Сўрувчилар» (шира, трипс, оққанот, қандалалар ва ўргимчаккана) санчиб сўриш огиз аппаратига эга бўлиб, тўқима шарбати билан озиқланади. Улар ичида шундайлари ҳам борки, шарбатни ўзига кераклигидан ортиқча сўриб юборади. Бундай ҳолатда, ортиқча суюқлик махсус найчалари орқали ташқарига чиқариб юборилади.

Иккинчи гуруҳ ғуза зараркунандаларига «Кемирувчи» аталмиш ҳашаротлар (кузги тунлам, ғуза тунлами ва бошқалар) киради. Ўсимликка буларнинг қуртларигина шикаст етказиб, улар ўсимлик аъзоларини кемириб озиқланади.

Фермерларимизга кенгроқ тушунча бўлиши учун бу ҳашаротлар ҳақида қуйида батафсил тўхталамиз:

Ширалар. Булар майда сўрувчи ҳашарот бўлиб, чала ўзгариб ривожланади, яъни урғочи зоти мавсум мобайнида тирик туғиб партеногенетик равишда кўпаяди. Шунинг учун ҳам, секин-аста ривожлана бошлаган шираларнинг сони кескин ошиб кетиши кузатилади. Ғўза шираларининг 3—4 тури учрайди, аммо энг асосийси полиз ёки ғўза шираси деб аталиб, ранги кўк ва тухумсимон шаклда бўлади. Бу ҳаммахўр ҳашарот ғўзадан ташқари жуда кўп бошқа экинларга ҳам зарар етказади.

Полиз ширасининг қанотсиз ва қанотли шакллари мавжуд. Полиз шираси апрел ойида қишловдан чиқади ва дастлаб бегона ўтларда учрайди. Май ойининг бошида ғўзага ва полиз экинларига учиб ўтади. Май-июн ва сентябр-октябр ойларида ёппасига урчиб кўпаяди. Мавсумда 20—26 та авлод беради. Ҳар бир урғочи зот 18 кунгача яшаб 150 тагача личинкани тирик туғади. Ҳаво ҳароратининг 18—25°С даража ва нисбий намлигининг 45—66 фоиз бўлиши шираларнинг ривожланиши учун энг мақбул шароит ҳисобланади. Кундузи ҳаво ҳарорати 37°С даражадан ошса ёки намлик 35 фоиздан пасайса ширанинг ривожи кескин пасаяди. Ширанинг сони ҳар ўсимликка 50 тадан ошганида (ниҳоллик даврида) тавсия этилган дорилардан энг самаралилари моспилан — 0,15 кг/га, конфидор — 0,1—0,15 л/га, дельтафос — 1,0 л/га, циперфос — 1,0 л/га ишлатилганда яхши натижа беради.

Трипс. Ғўзага асосан бир хил тамаки трипси зарар келтиради. У ғўзадан ташқари кўпгина бошқа экинларга ҳам (тамаки, пиёз, гуллар, тут ва бошқалар) кучли зиён етказиши мумкин. Ғўзага зиёни асосан ниҳоллик даврида намоён бўла бошлайди ва бутун мавсум давомида кузатилади.

Тамаки трипси майда ҳашарот бўлиб, бўйи 0,8—0,9 мм, танаси чўзиқ, урғочисида узун, йирик, аррали тухум қўйгичи бор. Оғиз аппарати санчиб сўришга мослашган, катта. Тамаки трипси март ойида бегона ўтларда ривожланади, кейин ғўзага ўтади. Урғочиси бир ойча яшайди ва шу вақт мобайнида ўсимлик тўқи-

маларига 10 тагача тухум қўяди. Тухумлардан 3—4 кундан сўнг личинка чиқиб, асосан барг томири бўйлаб озиклана бошлайди. Тўрт марта тулагач личинка етук ҳашаротга айланади.

Ўзбекистон шароитида трипс 7—8 авлод беради. Ғўза майсалари ўсаётганда трипслар ёш баргларга ва ўсув нуқталарига жойлашиб олади. Зарарланган баргларнинг ост томони ўзига хос равишда қумушсимон ялтираб қолади. Айрим йилларда трипс ёш ғўзаларнинг 6—7 чинбаргини кучли зарарлаши эвазига шоналаниш кечикади, ғўзанинг фотосинтез жараёни бузилиб, унинг ривожини кўринарли даражада орқада қолади. Шу туфайли ғўзанинг шоналаниши 8—9 чинбаргдан сўнг содир бўлгани кузатувлардан маълум. Бунга кимёвий препаратлар билан қарши кураш шира ҳашаротига ишлатилгандек амалга оширилади.

Оққанот. Ғўзага оққанотларнинг икки тури зарар келтириши мумкин: иссиқхона ва ғўза ёки тамаки оққаноти. Бу зараркунанданинг тарқалиши иссиқхона — парник хўжаликларининг кескин кўпайиб кетиши билан узвий боғлиқдир. Зараркунанда куз-баҳор даврида иссиқхоналарда ривожланиб ва кўпайиб баҳорнинг иссиқ кунлари келиши билан очиқ шароитга кўплаб учиб чиқади ва турли хил экинларни (жумладан, ғўзани ҳам) зарарлай бошлайди.

Оққанот нотўлиқ ривожланадиган ҳашаротдир. Баҳор-куз даврида оққанот 7—8 марта, куз-баҳор пайтида эса 4—5 марта насл беради. Шундай қилиб йилга 11—13 авлод бериши мумкин. Оққанот ғўзани майнинг охири июннинг бошидан бошлаб зарарлай бошлайди. Ўсимликка асосан личинка даврида зарар етказилади. Личинкалар сўрган озуқанинг бир қисмини ҳазм қила олмай ташқарига чиқариб юборади. Бунинг натижасида оққанот босган ўсимлик япроқларини шира босади. Оқибатда ўсимлик ҳосили камайиб, сифати пасаяди.

Оққанотнинг табиий қушандалари бўлиб олтинкўз личинкалари ҳамда махсус эндопаразит-энкарзия ҳисобланади. Бу паразит очиқ шароитда учраб 80 фоизгача личинкаларни зарарлайди. Оққанотларга қарши курашиш учун энг самарали инсектицидлар қаторига мос-

пилан — 0,15 кг/га, конфидор — 0,3—0,4 л/га, апплауд — 0,5—1,0 кг/га ва адмирал — 0,5 л/га киритилган.

Қандалалар. Ғўзада қандала фитофагларнинг 13 тури учраши қайд этилган, аммо булардан атиги икки тури беда ва дала қандаласи сезиларли зарар етказади. Бу қандалаларнинг кўплаб урчиб ғўзага зиён етказиши кейинги йилларда республиканинг кўпгина вилоятларида қайд этилаяпти. Қандалалар санчиб сўриб зарар келтириш йўли билан ҳосилдорликни камайтиришидан ташқари касалликлар ҳам тарқатади. Қандала ғўзанинг асосан шона, гул ва кўсакларини зарарлайди. Қаттиқ зарарланган шона ва гуллар қуриб қолади, кўсакдаги тола тўлиқ ривожлана олмайди ва сифати пасаяди.

Дала қандаласи эрта баҳорда бегона ўтларда ривожланиб, кўпайиб кейин ғўзаларга учиб ўтади ва зарарлай бошлайди. Ғўзада дала қандаласининг сони май ойидан бошлаб август ойи охиригача кўпайиб боради. Зараркунанда кенг тарқалган пайкалларда ғўза ҳосили 60 фоизгача камаяди.

Дала қандаласининг танаси чўзинчоқ бўлади, узунлиги 3—4 мм, ранги яшил ва қора учбурчак шаклли, қора доғи бор.

Беда қандаласи чўзинчоқ, 6,5 дан 9,5 мм катталиқда бўлади. Қорамтир ёки сарғиш-яшил, эркаклари урғочиларига қараганда тупроқ тусли. Елкасида иккита қора нуқта мавжуд. Беда қандаласи Ўзбекистон шаротида ёз бўйи 3—4 авлод беради. Қандалаларнинг зарарини гул ва кўсаклардагина аниқ кўриш мумкин. Ғўзанинг ҳар бир тўкилган шонаси ўрнини янги мева органлари билан тиклай олиш қобилиятининг мавжудлиги уларнинг зарарини камайтиради, лекин кейинчалик пайдо бўлган мева элементлари ҳосил пишишини кечиктиради.

Ўсимликда қандалаларнинг зичлиги, яъни сони ҳар 100 та ғўзага ўртача 150—200 та ва ундан кўпга тўғри келганда махсус кимёвий кураш амалга оширилади. Бунда циракс 25 фоизли эм.к — 0,3 л/га, денис 2,5 фоизли эм.к — 0,6 л/га, карбофос 50 фоизли эм.к — 0,6 л/га, циперфос 55 фоизли эм.к — 1,0 л/га ва данадим 40 фоизли эм.к — 1,5—2,5 л/га меъёрларда қўлланилади.

Ўргимчаккана. Бу ўргимчаксимонлар синфи, каналар туркумига кирувчи майда бўғимоёқли, айрим жинсли зараркунандадир. У гўза ва бошқа бир қатор экинларнинг ашаддий душмани. Танаси овал шаклида, бўйи 0,3—0,6 мм. Унинг баҳор-ёздаги авлоди кўкиш-сарик. Танасининг ён томонларидаги иккита қорамтир доғлари яққол кўриниб туради. Урғочиси ўзининг ривожланишида тухум, личинка ва етуклик даврларини кечиради. Тухуми юмалоқ шарсимон. Личинкада уч жуфт нимфа ва етук зотда тўрт жуфтдан оёқлари бор. Урғочиси об-ҳавога қараб 12 дан 20 тагача авлод бериб, 100—160 тагача тухум қўяди, об-ҳавога қараб кананинг бир авлоди ривожланиши учун 8—10 кун керак бўлади. Ўргимчаккана учун ҳарорат 26—33 даража, ҳавонинг нисбий намлиги 55—60 фоиз бўлиши муътадил шароит ҳисобланади. Ривожланиш вақтида уларнинг 40 фоизи ва ундан кўпроғи табиий равишда қирилиб кетади. Урғочиси 30—40 кун ҳаёт кечиради. Агарда ёзда ҳарорат пасайиб кетганда, ёғингарчилик бўлиб, шабнам тушганда, кушанда йиртқич пайдо бўлганида ўрчимчакканалар сони камаяди. Зараркунанда гўзага июнда тушса 50—60 фоиз, июлда 35—40 ва августда 2—6 фоиз ҳосилни нобуд қилади. Шунинг учун гўза ниҳоли ер юзасига чиққандан сўнг, албатта, бошқа ҳашаротларга қарши чора белгиланиши билан ўргимчаккана тушиши хавфи бўлган майдонларни назорат қилишни қаттиқ йўлга қўйиш, бирорта ўргимчаккана пайдо бўлган бирорта туп гўза бўлса ҳам жойида қўл аппаратлари билан кимёвий ишлов бериш, дастлабки катта хавфи бўлмаган жойларни зудлик билан «Исо» эритмаси билан ишлаб, уларни йўқ қилиш чоралари кўрилиши шарт.

Ўргимчаккана одатда дала атрофидан бошлаб тушади. Шундай экан ОВХ ва қўл пуркагичлари ёрдамида омайт 57 фоизли эм.к — 1,5 л/га, неорон 50 фоизли эм.к — 1,0—1,2 л/га, ниссоран 5 фоизли эм.к — 0,1—0,2 л/га, флумайт 20 фоизли сус.к — 0,2 л/га, циперфос 55 фоизли эм.к — 1,5 л/га ва бошқа препаратларни уларга қарши ишлатиш тавсия этилади. Ўргимчаккана билан 20 турдан ортиқ табиий кушандалар, яъни йиртқич ҳашарот озикланади, стеторус, ориус

йиртқич қандалалари, канахўр, трипс, олтинкўз личинкалари зараркунандага, айниқса, қирғин келтиради. Канахўр трипс танаси узунчоқ, вояга етгани 1 мм атрофида, сомонсимон сариқ рангда, кўринишидан ғўза зараркунандаси бўлган тамаки трипсига ўхшаш бўлади, лекин унинг қанотларида аниқ ифодаланган олтита ёки тўртта туқ кул ранг доғлари мавжудлиги билан фарқ қилади. Канахўр трипс ўргимчаккананинг ихтисослашган кушандасидир. Битта етук трипс ҳаёти давомида ўрта ҳисобда 400—600, личинкаси эса 40—60 канани йўқотади. Ургочи трипс тухумини ўргимчаккана билан зарарланган барг тўқимасига қўяди. Мавсумда (апрел-октябр) 10 мартагача насл беради.

Йиртқич қандалаларнинг бир неча тури ўргимчаккананинг сонини камайтиради ва умуман ғўза агробиоценозида муҳим ўрин тутаяди. Улар ўргимчакканадан ташқари ўсимлик битлари, трипслар, капалакларнинг тухумлари ва майда қуртлари билан ҳам озиқланади. Бир суткада битта қандала ўрта ҳисобда 100 тагача ўргимчаккана билан озиқланади.

Ўргимчаккана ғўзанинг ривожланиш даврида энг хавфли зараркунанда бўлгани учун унинг кўпайиб кетишига асло йўл қўймасдан иш юритиш лозим бўлади. Агарда унинг олди олинмаса, юқорида қайд қилинганидек, ҳосилга кескин таъсир қилиб, деҳқонни ғафлатда қолдириб, режа барбод бўлиши мумкин.

Энди ғўзанинг ривожини ва ҳосилга катта зиён етказувчи, кемирувчи ҳашаротлардан кузги тунлам (кўк қурт) ва ғўза тунлами (кўсак қурти) ҳақида маълумот берамиз.

Кузги тунлам. У ғўза, ғалла ва бошқа экинларнинг кенг тарқалган илдиз кемирувчи зараркунандаларидан бўлиб, унинг қурти ғўзани фақат ниҳоллик даврида шикастлаши мумкин. Кузги тунлам қуртлари чигитдан униб чиқаётган уруғпаллаларни шикастлаб тешаяди, илдизларни ёки илдиз бўғзи яқинидаги пояни кемиради, баъзан майсанинг ер устки қисмига ҳам зарар етказаяди.

Кузги тунламнинг тўртта ҳаётини шакллари мавжуд: тухум, қурт (6 ёшни бошидан кечиради), гўмба ва етук зот (капалак). Кузги тунлам сўнгги икки ёшидаги

қуртлик даврида тупроқнинг 5—15 см чуқурликдаги қатламида қишлайди. Баҳорда ўртача суткалик ҳарорат 10 даражадан ошганда қишлаб чиққан қуртлар тупроқдан ер бетига кўтарилишади ва гумбакка айланади. Капалакларнинг учиши Марказий Осиё шароитида апрел-май ойларида давом этади ва бу ҳодиса 40 ва ҳатто 60 кунгача чўзилиши мумкин. Капалаклар 20—40 кун яшайди ва гулларнинг нектари билан озиқланишга жуда муҳтож бўлади. Капалак энг кўпи билан 2000 та, аксарияти 500—600 та тухум қўяди. У тухумларини ўсимликнинг илдиз ёнидаги қисмларига ва тупроқ бетига (биттадан ёки кичикроқ тўп-тўп қилиб) қўяди. Тухумлари ташқи ноқулай шароитларга жуда чидамлидир. Об-ҳаво шароитига қараб 3—7 кундан кейин тухумлардан майда тўқ кул ранг қуртлар чиқади. Бир йилда 3—4 авлод бериб ривожланади. Бунга биологик усул билан курашганда, асосан, феромон тутқичлардан фойдаланиб, ҳар бир тутқичга бир кечада ўртача 2—3 капалак илина бошлаши билан шу пайкалга трихограмма кушандасини қабул қилинган тавсияларга асосан далага чиқара бошлаш керак. Трихограммани уч муддатда 4—6 кун оралатиб 0,5—0,75 ва 0,5 граммдан тарқатиш зарур.

Кузги тунламга қарши агарда ҳар 1 м² даги қурт сони ўртача 1—1,5 тага етса бирорта синтетик пиретроид инсектицид Децис — 0,7 л/га, Циракс — 0,3 ва Вантекс — 0,25—0,3 л/га ишлатиш керак. Бунда дори сепилгач далага ариқ олиб, сув қўйиш самарани оширади.

Ғуза тунлами. У ер куррасининг барча қисмларида, айниқса, мўътадил ва субтропик минтақаларда кенг тарқалган. Марказий Осиёда ҳамма жойда учрайди. Бироқ, унинг оз-кўплиги ва келтирадиган зарари турли тупроқ-иқлим шароитларида (зоналарида) турличадир. Ғуза тунламининг капалаги йирик қанотини ёзганда 30—40 мм келади, танасининг узунлиги 12—20 мм, танаси равшан сариқдан тортиб кўкиш-сариқ, кул ранггача ўзгаради. Олдинги қанотларининг марказида биттадан кичикроқ юмалоқ, юқорироғида эса биттадан йирик буйраксимон қорамтир доғлари бор. Ғуза тунлами йилига 4 авлод бериб ривожланади. Шунинг би-

ринчиси баҳорда бегона ўт ва эрта экилган экинларда (помидор, макка), қолган 3 авлоди бошқа сеvimли экинлари (помидор, маккажўхори, нўхат, қалампир ва бошқалар) билан бирга ғўзага ўтади. Бу вақт ғўзанинг шоналаш давридан бошланади. Тунлам капалаги ўртача 500—600 та тухумни, асосан, ғўза ўсиш нуқта-сининг ёш баргларининг устига якка-якка қилиб қўяди. Бу тухумлар оқ ва юмалоқ бўлгани учун уни бир метр масофадан ҳам аниқлаш мумкин. Қуртлари дастлаб баргнинг юмшоқ тўқималарини, кейинчалик эса (у 6 ёшни ўтайди), шона, гул ва кўсакни шикастлаб озиқланади. Ҳар бир қурт 20 тагача ғўза мева элементларини шикастлаши мумкин.

Кўсак қурти ҳар 100 туп ўсимликда 1—2 дона учраганда ва 2—3 та мева элементларига зарар етказганда, албатта, унга биологик усул билан курашиш лозим бўлади. Феромон тутқичлар кўрсатмаси асосида зараркунанданинг миқдорини (дала назоратчиси маълумотларига кўра) кимёвий кураш ўтказиш даражасига етгандагина қуйидаги дорилар самарали бўлиши мумкин: Аваунт — 0,4—0,45 л/га, Циперфос — 1,5, Дельтафос — 1,5, Политрин — К-1,0 Суми-альфа — 0,5—0,6 л/га (зараркунандалар тўлиқ ва уларга қарши курашиш чоралари РЎҲҚ илмий-тадқиқот институти маълумотларидан олинди).

Юқорида қайд қилинган зараркунанда ҳашаротлар ғўзанинг меъёрида ривожланиб ҳосил беришига сезиларли даражада зиён етказиши пахтакорларимизга маълум. Айрим йиллари катта-катта майдонларга зараркунандаларга қарши курашиш ишлари тўғри ташкил қилинмаслиги, назоратнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги, биомахсулотларнинг берилган тавсияларга мос равишда ғўза пайкалларига тарқатилмаганлиги ва кимёвий препаратлардан ҳам тўғри фойдаланмаслик эвазига ҳосилга катта путур етказиш ҳоллари содир бўлаётир.


Етиштирилаётган ҳосилга зараркунанда ҳашаротлар катта зарар етказишининг олдини олиш учун барча ташкилий ишлар, агротехник тадбирлар, биологик усуллардан тўғри фойдаланиш ва кимёвий дориларни ўз вақтида тўғри ишлатишни амалга ошириш зарур бўлади. Айниқса, зараркунандага қарши курашда био-

маҳсулотларни талаб даражасида сифатли тайёрлаб, уларни зарарланган майдонларга тарқатиш ва кимёвий препаратларни тўғри қўллаш ишларини яхши биладиган, бу соҳада юқори билим, тажрибага эга бўлган ходимлар бажаришлари мақсадга мувофиқдир.

Айрим пайтларда ҳашаротларга қарши кураш ишларини тўлиқ билмайдиган ходимларнинг аралашиб кетиш ҳоллари ҳам учрайди. Лекин бундай аралашувга чек қўйиш зарур. Бу соҳада ўсимликларни ҳимоя қилиш идораларининг масъулиятини янада ошириш лозим. Улар ғўзаси зарарланган ва зарарланаётган пайкалларни жойида кўриб, тўғри чора белгилашлари керак. Улар даланинг зарарланиш даражасига қараб, биологик ва кимёвий усуллар билан зараркунандага қарши курашишни аниқ кўрсатишлари зарур. Ҳашаротларга қарши кимёвий воситаларни ноўрин, белгиланган меъёр ва мезонларга риоя қилмасдан қўллаш натижасида атроф-муҳит ифлосланиши, иссиққонли ҳайвонлар ва инсонлар саломатлигига зарар етказилиши ҳисобга олинishi лозим. Биологик усулда зараркунандаларга қарши табиий кушандалардан фойдаланилади. Булар икки гуруҳга бўлинади: йиртқичлар ва текинхўрларга (паразитларга) ажратилади. Республикада кенг урчитилаётган олтинкўз личинкаси йиртқич ҳисобланса, трихограмма ва бракон текинхўр ҳашаротлардир. Демак, уларни биологик лабораторияларда кўпайтириш ва қўллаш қуйидагича амалга оширилади.


Трихограмма текинхўри (паразити) кўсак қурти, кузги тунлам ва бошқа тангақанотли ҳашаротларнинг тухумларига қарши кенг қўлланилади. Трихограммани биологик лабораторияларда кўпайтириш, асосан, икки босқичдан иборат, яъни трихограмма учун озуқа ҳисобланган дон куяси (ситотрога) етиштириш ва трихограммани дон куяси тухумларида кўпайтириш.

Трихограмма дон куяси тухуми билан биологик лаборатория шароитида барча керакли маҳсулотлардан фойдаланган ҳолда тартиб-қоидалари билан кўпайтирилади. Трихограмма қишлоқ хўжалик зараркунандаларидан кузги тунлам (илдиз қурти) ва кўсак қурти капалакларини тухумларини зарарлайди.



Тамаки трипси:

а — вояга етгани; б — тухумлари; в — личинкаси;
 г — нимфаси; д-е — зарарланган ғуза барглари.



Полиз ёки ғуза бити (шираси):

- а — ширанинг вояга етгани; б — турли ёшдаги личинкалари;
 в — шира зарарлаган ғуза ниҳоли;
 г — пахта толасидаги қора шира.




д

е

Ўргимчаккана:

а — вояга етгани; б — тухуми; в — личинкаси; г — нимфаси;
 д-е — зарарланган ғуза барглари.



Иссиқхона оққаноти:

а — вояга етгани; б — тухуми; в — личинкаси;
 г — пупарийси; д-е — зарарланган ғуза барглари.




а

б




в

г



Дала қандаласи:

а — қандаланинг вояга етгани; б — тухуми; в — личинкаси;
г — зарарланган ғўза кўсақлари.



Кузги ёки кук-қурт тунлами:

- а — капалаги; б — тухумлари;
- в — қурт зарарлаётган ғуза ниҳоли илдиз бугизи;
- г — қурт зарарлаган чигитдан униб чиққан ниҳол;
- д — тупроқдаги ғумбаги.



а



б



в



д



г

Ғўза тунлами ёки кўсак қурти:

- а — капалаги; б — тухуми; в — зарарланган шона;
г — курт зарарлаётган кўсак;
д — зараркунанданинг тулроқ остидаги ғумбаги.



Замонавий дорилаш цехида уруғлик чигитни тайёрлаш пайти.



Дориланган уруғлик чигитларни экишгача сақлаш.



Ниҳолда иддиз чириши, иддиз буғизи, поя ва уруғпалла чириши.



Уруғбаргда гоммоз белгилари.




Ҳашаротга қарши қўл апаратыда ишлов бериш.




Зарарли ҳашаротларга қарши биологик усулда далага трихограммани тарқатиш.

Тупроқнинг уз намига текис қўчат олиш.



Пушта суви аввалдан олинб экилган даладан тўлиқ қўчат олиниси.

Сугориш билан тўлик ғўза кўчати олиш.



Ғўза қатор орасини майин культивация қилиш.



Меърида ривожланаётган ғуза пайкали.



Ғузани сувга тайёрлаш.

Тайёр бўлган трихограммаларни 3 литрли шиша банкага 3 граммдан солиб далага чиқариш керак. Банка ичига ўлчами 3x3 см бўлган бурмали қоғоз (гармошкалар)дан 300 та солиш керак. Олдиндан аниқлаб қўйилган 10 гектарли майдонга 10 та 3 литрли шиша банкада трихограмма олиб келиш ҳамда 10 та кузатувчи 10x10 м ораликда (схемада) кечга томон бир вақтнинг ўзида қўйишни ташкил этиш, ҳар 5—6 кунда трихограммани такрорий равишда қўйиш даврида трихограммани дастлабки қўйилган майдоннинг қарама-қарши томонидан бошлаш керак. Бурмали қоғозлар пинцет ёрдамида ғузанинг ўсув нуқтаси устига ерга тушиб кетмайдиган қилиб қўйиб борилади.

Бракон текинхўри (паразит) кўсак қуртининг ўрта ва катта ёшдаги қуртларига қарши қўллаш мақсадида урчитилади. Биологаторияларда бракон, асосан, мум куяси қуртлари ҳисобига кўпайтирилади. Мум куяси маҳсулоти биологатория шароитида барча тартибқоидага биноан кўпайтирилиб, бракон тайёрланади.

Тайёрланган бракон ҳар бир гектар майдонга қуртларнинг оз-кўплигига қараб, 200—300—400—500 донагача қўлланма асосида қўйилади. Ҳар бир гектар майдонга 20x20 (схемада) м ораликда браконларни учуриш тавсия этилади. Браконларни, асосан, кечга томон қуёшга тескари йўналишга учуриш лозим.

Кўпайтирилиб тайёрланган олтинкўзнинг йиртқич личинкалари ғўза ва ғалла экинларидаги ширалар, трипслар, оққанот каби сўрувчи ҳашаротлар, ўргимчакканага ҳамда кўсак қуртининг тухумлари ва кичик ёшдаги қуртларига қарши самарали қўлланилади.

Олтинкўз кушандаси биологаторияларда бир нечта усул ёрдамида кўпайтирилади. Олтинкўз тухумини далага қўйиш, қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунандаларига қарши биологик усулда курашда олтинкўзни тўғри қўллаш муддатлари муҳим аҳамиятга эга.

Март ойининг 2—3 ўн кунлигидан бошлаб, дала қирғоқларидаги бегона ўтларда ўргимчаккана шира, трипсларга қарши жонлантирилган олтинкўз тухумларидан гектарига 200 донадан чиқарилади. Апрель ойида ғўза майдонларидаги зараркунандаларга қарши гектарига 300 донадан олтинкўз тухумини жонлантирилган

ҳолатда қўйилади. Май ойида шираларга қарши олтинкўз имагоси гектарига 200 дона ургочи ҳисобида кўсак қурти тухуми ва 1—2 ёшли қуртларига қарши олтинкўз личинкаларидан гектарига 300 донадан қўйиш тавсия этилади.

Пишиб етилган пахта хом ашёсининг сифатини пасайтирувчи ҳашаротлар ҳам катта зиён қилаётгани кўпчиликка маълум. Булардан бири полиз битидир. Август охири ва сентябр ойи бошларида ҳаво ҳароратининг бирмунча пасайиши ва нисбий намликнинг ошиши полиз битининг ғўзада ривожланиши учун қулай шароит яратиши, зараракунанда ғўзага қайта кўчиб ўтиб, янгидан оммавий кўпайишга киришади. Полиз бити бошқа ўсимлик битлари туфайли қизлик даврида (партеногенетик усул) тирик личинка туғиб кўпаяди. Ҳар бир зараркунанда ўртача 45—50, айрим серпуштлари эса 80 донাগача тирик личинка туғади (РЎҲҚ, илмий-тадқиқот институти маълумотларидан олинди).

Кузда полиз битининг оммавий кўпайиши туфайли зараркунанда ёпишқоқ чиқиндилари билан пахта толаси ифлосланади. Натижада тола қорайиб қолиб, тола сифатига катта зарар етказилади. Бундай ҳолатларда толанинг ифлослиги учун унинг паст саноат навларига қабул қилинишига олиб келади. Албатта, бундай ҳолатларнинг олди олиниши зарур. Бунинг учун август ойи бошидан ғўза пайкаллари бирма-бир мутахассислар томонидан назорат қилиниши, полиз (ғўза) бити тушган майдонлар зудлик билан юқорида қайд қилинган кимёвий препаратлар билан унга қарши қўл ёки ОВХ аппаратларида ишланиши керак. Бу пайтда ғўза (полиз) битлари ғўзанинг, айниқса, ғовлаган қисмида, сувдан сероб, қўлтоб ва дарахтлар яқин жойлашган майдонларда учрайди. Айни зараркунандалар билан пахта толасига зиён келтирмаслик чоралари белгиланиши шарт.

Пахтадан мўл ва сифатли ҳосил кўтаришни амалга ошириш учун ғўзаларни етиштириш даврида бирорта қишлоқ хўжалик зараркунандалари унинг ҳосилига зиён етказмаслик чоралари аввалдан мутахассислар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш марказлари ходимлари томо-

нидан режалаштирилиши керак бўлади. Бунинг учун ўсимликларни ҳимоя қилиш вилоят марказлари ва туман отрядларида мавжуд бўлган қўл ёки тракторга тақилган сепиш ва пуркаш аппаратларини тўлиқ иш ҳолатига келтириб қўйиш, кимёвий препаратлар билан «сўрувчи» ёки «кемирувчи» зараркунандаларга қарши ишлаш режаларини тузиш, ҳашаротларга қарши ишлатиладиган тегишли кимёвий препаратларни жамлаб қўйиш, зараркунандаларнинг катта майдонларга тарқалиб кетишининг олдини олиш профилактик тадбирларини тузиш, қишлоқ хўжалик экинларига хавф солувчи ҳашаротларга қарши ишловчи ходим ва назоратчиларнинг билимини ошириш мақсадида уларнинг ўқишини ташкил қилиш ва мавжуд бўлган барча биологический лабораторияларни тўлиқ қувват билан ишлаш ҳолатига келтириш, уларни керакли маҳсулотлар билан таъминлаш ҳамда тумандаги экиладиган экинларнинг катта қисмини биологический усул билан сифатли ишлаш чораларини белгилаш лозим.

Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилига зараркунандаларнинг зиён етказмаслигини таъминлашда, ўсимликларни ҳимоя қилиш вилоят марказлари ва туман отрядлари раҳбар ва мутахассисларининг масъулиятини янада ошириш билан экинлардан олинадиган ҳосилни сақлаб қолиш асосий вазифалардан бири бўлмоғи даркор. Бу соҳада ишлар тўғри ва оқилона ташкил қилинса, бирорта ҳам ҳашаротнинг экин ҳосилига мутлақо зиён етказмаслигига тўла эришилади.

Уруғчилик ишларини тўғри ташкил қилиш

Пахтадан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш кўп жиҳатдан экилаётган ғўза навининг сифатли тайёрланган уруғига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам халқимиз «Сара уруғ — ҳосил бўлиқ» деб бежиз айтишмаган. Сифатли уруғлик олиш учун деҳқонларимиз экилаётган ғўза навларини эрта экиб, уни сифатли парвариш-лаб, ўғитини, сувини, қатор ораларини вақтида юмшатиб, ҳашаротларнинг зарар келтиришига йўл қўймасдан, олинган кўсакларни эрта пишириш орқали эриш-моқдалар.

Ѓўза навлари уруғини етиштиришда унинг ҳосилдорлиги, эртапишарлиги, касалликларга чидамлилиги, толасининг барча андоза талаби кўрсаткичларига тўлиқ жавоб беришлилиги эътиборга олинади. Ушбу талаб кўрсаткичларига мос келган ғўза навлари экиладиган майдонлар вилоятлар тупроқ-иқлим шароитларига қараб, ғўза навларини жойлаштириш режалари белгиланиши мақсадга мувофиқдир.

Ѓўза навларини ҳар бир вилоят ўзининг шароитидан келиб чиқиб ҳамда қатор йиллар давомида экилаётган ғўза навлари юқори ҳосил бериши, эртапишарлиги, жаҳон бозорида харидоргирлик хусусиятлари ҳисобга олиниб, уларни жойлаштириш режаси кўзда тутилади. Бу ишлар Республика Вазирлар Маҳкамасининг йилма-йил ғўза навларини жойлаштириш бўйича қарор талаблари асосида амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 январдаги «2005 йилда пахта етиштиришнинг прогноз ҳажмлари ва ғўзани навлар бўйича жойлаштириш туғрисида»ги 4-сонли қарорида кўрсатилганидек, вилоятларда ғўзанин 4 тадан, ҳар бир туманда 2 тадан ва хўжалиқда биттадан ортиқ бўлмаган навлар экилиши таъминланаяпти.

Айни чоғда ғўза уруғчилигини тубдан яхшилашга қаратилган Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 ноябрдаги 491-сонли қарорида селекция, уруғчилик, навларни янгилаш, пахтанин ғўза сифати юқори бўлган янги тезпишар навларни жорий этиш ва уларни мамлакатнинг турли тупроқ-иқлим шароитларида оқилona жойлаштириш, давлатнинг устувор вазифаси эканлиги қилиб белгиланганлиги уруғчилик ишларининг янада яхшиланганлигининг негизи бўлади дейиш мумкин. Унга кўра, уруғлик етиштирувчи хўжалиқлар, селекционер олимлар ва уруғчиликда иштирок этувчи субъектлар моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида 1999 йил ҳосилидан бошлаб, элита уруғлик пахта етиштирувчиларга 100 фоиз, биринчи авлодга 75 фоиз, иккинчи авлодга эса 50 фоиз уруғлик пахта учун харид нархларига қўшимча устама тўланиши йўлга қўйилди.

Устама ҳақларни икки босқичда: уруғлик пахта тайёрланганда биринчи 50 фоизи, уруғлик пахта тозала-

ниб, чигитлар сараланиб, дориланиб, мувофиқлик сер-тификатлари берилгандан сўнг иккинчи босқичда 50 фоиз устама апробация қилинган майдонларнинг асо-сий жамғармасига ўтказилган далалардан терилган уруғ-лик пахталарга тўланади. Биринчи босқичда устама ҳақ 100 фоиз ҳисобланиб, унинг 40 фоизи хўжаликка, 10 фоизи элита (сара) уруғчилиги лабораторияларига, 30 фоизи нав муаллифларига ва уруғлик етиштиришга ало-қадор субъектларга, 10 фоизи «Ўзпахтасаноат» уюш-масининг уруғлик тайёрлаган қорхоналарига, 10 фои-зи уруғчиликни ташкил этувчи Республика Ғўза уруғ-чилиги маркази ва унинг вилоят бирлашмаларига аж-ратилиб келинмоқда.

Ўз-ўзидан маълумки, уруғчилик хўжаликларига аж-ратилаётган моддий манфаатдорликлар орқали мамла-катимиз олим-селекционерлари томонидан яратилган тезпишар, ҳосилдор, тола сифати жаҳон андоза талаб-ларига тўлиқ жавоб берадиган ғўза навларининг кен-гайиши билан унинг уруғчилиги ҳам яхшиланмоқда.

Республикаимизнинг хўжаликлари тупроқ-иқлим ша-роитида турли хил ғўза навлари экилиб, уларни мўъта-дил равишда, деҳқонларимиз талабига мос бўлган си-фатли уруғлик чигитлар билан таъминлашда ғўзанинг «Бухоро-6» нави билан 10 та, С-6524 нави билан 15 та, «Наманган-77» нави билан 8 та, «Ан-Бояут-2» нави билан 8 та, «Бухоро-102» нави билан 6 та, «Омад» нави билан 6 та, «Оқдарё-6» нави билан 4 та, «Хо-разм-127» нави билан 3 та, С-4727 нави билан 2 та, «Бухоро-8» нави билан 3 та ва «Андижон-35», «Де-нов», «Термиз-31», «Меҳнат» навлари уруғчилиги билан 1 тадан элита уруғчилик хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Бу элита уруғчилик хўжалиklarининг асо-сий вазифалари шу экилаётган нав тупининг морфо-логик ва қимматли хўжалик белгиларини ҳамда нав толасининг технологик хусусиятларини сақлаб қолиш-дан, навни янгилаш учун яроқли, сифатли бўлган элита (сара) ва биринчи авлодли уруғларини етказиб бе-ришдан иборатдир. Элита уруғларининг нав тозалиги 100 фоизни ташкил қилиши, бу уруғлар экилган да-лаларда мўл ҳосил бериши ва толасининг технологик

сифати юқори бўлиши керак. Лекин айрим ҳолларда «Уруғназоратмарказ»и мутахассисларининг ўтказган қатор текширувларида 2005—2006 йилларда ғўзанинг «Ан-Бояут-2» ва С-6524 навлари элита майдонларида нав тозалиги 91—92 фоизни, «Оқдарё-6» нави 85—89%, «Термиз-31» нави 91%, «Денов» нави 93 фоизни ташкил этган. Бу кўрсаткичлардан маълумки, жойларда уруғчилик ишлари яхши йўлга қўйилмаганлиги, у ерда ишловчи элитчикларнинг масъулияти оширилмаганлигидан дарак беради.

Элита хўжалиги ходимлари ўзларининг олдига қўйилган вазифаларини виждонан бажармаётганликлари яққол кўринмоқда. Ғўза навининг нав тозалиги паст бўлишида «Уруғназоратмарказ» ходимлари ва муаллифларнинг ҳам назорати ва кўмаги етишмаётган ҳоллар кузатилмоқда.

Элита уруғчилик хўжаликларида ғўзалар вегетация даврида икки марта — ёппасига гулга кириш олдидан июн ойи охири, июл ойи бошида ва ҳосил органлари тўпланганда июл ойи охири ва август ойи бошида пишиш олдидан дала кўриклари ўтказилади. Дала кўриклари ғўза навларининг навга хос морфологик белгилари бўлган тўрт кўрсаткичи, хўжалик белгилари, касалланиш даражаси бўйича кўриб чиқилади:

1. Бош поясининг ранги, туклилиги.
2. Баргнинг шакли, ранги, катталиги, тукланганлик даражаси.
3. Шохланиш типи, тупнинг шакли.
4. Кўсакнинг катта-кичиклиги, шакли, кўсак тумшукчасининг ҳолати (ўткир, ясси, думалоқ, тухумсимон чўзинчоқ).

Юқорида қайд этилган кўрсаткичларга тўлиқ амал қилган ҳолда кўриклар элита хўжалиги мудури томонидан мутахассислар иштирокида ўтказилади. Экилган навда бегона бўлган навлар брак қилиниб, юлиб ташланади ва белгиланган тартибда дала журналига қайд этилади. Бу тартиблар қатъий равишда бажарилиши шарт. Акс ҳолда экилган ғўза нави тозалиги кескин пасайиб бораверади. Нав тозалиги андоза талабига мос келмаган пайкаллардаги навлар «Уруғназоратмарказ» ходимлари томонидан қатъий равишда уруғлик тайёр-

ламаслик учун ҳисобдан чиқарилмоғи лозим. Нав тозалиги давлат андоза талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳолда элита хўжаликларининг юритилиши ўша ерда ишловчиларнинг хизматига боғлиқдир. Уларнинг элита хўжалигида ишларни юқори савияда ўтказиши эвазига экилаётган навнинг нав тозалиги 100 фоизга тенг бўлишлигига эришилади.

Сара уруғлар билан экилган пахта майдонларидан пахтакорларимиз доимо мўл ҳосил олишга эришмоқдалар. Республикамизнинг барча пахта майдонларига элита хўжаликларида етиштирилган уруғлар билан таъминлаш имкониятлари йўқлиги ҳамда уруғчилик ишлари билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот институтларининг тавсияларига кўра, элита ва унинг авлодли уруғларини етиштириш фақат элита уруғчилик хўжаликларида олиб борилади. Булардан ташқари иккинчи ва учинчи авлодли уруғлар етиштириш билан Республикамизнинг турли хил тупроқ-иқлим шароитида қолган пахта майдонларини уруғлик билан таъминлашни амалга ошириш учун ҳукуратимиз қарорларида уруғчилик хўжаликларини тендер асосида танлаб олиш белгилаб қўйилган. Бу хўжаликлар қаторига ерларининг унумдорлиги, сув билан таъминланганлиги, ернинг балл-бонитети юқори бўлиши, шўр босмаганлиги ҳамда алмашлаб экиш имкониятлари мавжудлиги, уларнинг ер майдони 20 гектардан юқори бўлган фермер хўжаликлари ҳисобга олиниб киритилиши мўлжалланган.

Республикамиз тупроқ-иқлим шароитида бундай хўжаликларни танлов (тендер) асосида туман ҳокимликларидан берилган таклифлар бўйича шу авлодли уруғларни етиштирадиган фермер хўжаликлари белгилаиб, уруғлик экилади. Вилоятларнинг эҳтиёжига қараб, юқорида қайд этилган ғўза навларини жойлаштириш режасига биноан, экилиб парваришланган, ҳосили етарли даражада пишиб етилган далаларда Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг буйруғига асосан, келгуси йилда фойдаланиладиган навларнинг етарли миқдорда уруғлик жамғармаларини яратишни ҳисобга олган ҳолда белгиланган майдонларда ғўза апробацияси ўтказилади. Уруғлик пахта тайёрлаш учун кам ҳосил, сувдан қолган, гоммоз, вертициллёз

ҳамда фузариоз вилт ва бошқа касалликлар билан талаб даражасидан ортиқ зарарланган, шунингдек, нав тозалиги давлат андоза талабидан паст бўлган ҳамда икки ва ундан ортиқ нав эккан хўжаликларнинг майдонлари апробация даврида уруғлик тайёрлашга (янги навлар чигитини кўпайтирувчи элита уруғчилик хўжаликларида экилган ғўза навлари бундан мустасно) яроқсиз деб топилиб, уруғлик тайёрлашдан чиқарилади. Аини талабларга ҳар бир апробация ўтказувчи апробатор қатъий равишда амал қилиши шарт. Ғўзалар апробацияси август ойида пахтани теришга киришишдан олдин сифатли қилиб, тузилган комиссия томонидан ўтказилади. Сифатсиз апробация қилишга мутлақо йўл қўйилмайди. Шунинг учун ҳам уруғлик пахтанинг сифати кўнгил билан ўтказилган апробацияга боғлиқ.

Уруғлик майдонларида ғўза апробацияси натижасида нав тозалиги, кутилаётган умумий ҳосилдорлик, шу жумладан, уруғлик пахта миқдори аниқланиб, апробация қайдномаларида ҳужжатлаштирилади. Республикада апробация якунлари жамланиб, таҳлил қилингандан сўнг, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва «Ўзпахтасаноат» уюшмасининг уруғлик пахтани навлар, авлодлар бўйича тайёрлаш тўғрисида қўшма буйруғи чиқарилади. Шу асосда уруғчилик учун териладиган пахта кутилаётган умумий ҳосилнинг 40—45 фоизидан ошмаслиги лозим, акс ҳолда уруғликнинг сифат кўрсаткичлари пасаяди. Хўжаликлардаги уруғлик пахта мутахассислар назорати остида терилиб, намлиги 8 фоизга етказилгунча қуритилиб, пахта тайёрлов корхоналарига топширилади. Пахта тозалаш корхоналари апробация комиссиясининг тақдим этган далолатномасига асосан қабул қилинаётган уруғлик пахталар навлар, авлодлар, синфлар бўйича алоҳида-алоҳида ғарамларга жамланади. Уруғлик учун жамғарилган пахталар ғарамларда маълум вақтгача сақлангандан сўнг, пахта тозалаш корхонасига хизмат кўрсатувчи «Уруғназоратмарказ» пахта уруғчилиги лаборатория мутахассислари кўрсатмаси ва назорати остида қайта ишланиб, уруғлик чигитлар амалдаги давлат андоза талабларига мос равишда олиниб, ғўза касаллик ва зараркунандаларига

қарши «Пахтасаноат»нинг ихтисослаштирилган дорилаш цехларида тегишли кимёвий препаратлар билан экиш учун зарарсизлантирилади.

Районлаштирилган ғўза навлари элита уруғчилиги хўжаликларидан ташқари республикамизда янги ва истиқболли ғўза навларини дастлабки кўпайтирувчи хўжаликлар ўнлаб ҳар хил тупроқ-иқлим шароитларда селекционерларимиз томонидан эртапишар, ҳосилдор, тола сифати барча талабларга мос деб яратилган янги истиқболли, келажакда катта майдонларга кўпайтирилишга умид қилинган ғўза навларини кўпайтириб, улар орасидан истиқболли, ҳосилдорлиги, тола сифатининг устунлиги ва касалликларга чидамлилиги билан бошқа навлардан кескин фарқи бўлганларини йилма-йил ажратиб кўпайтиришни режалаштиради. Бу хўжаликларнинг ғўза майдонларида Республика ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти ва Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли Ўсимликлар экспериментал биологияси институти селекционер олимлари томонидан яратилган ғўза навларининг давлат нав синотида ўзининг ҳосилдорлиги, тезпишарлиги, касалликларга чидамлилиги ва толасининг технологик хусусиятлари бошқа навлардан афзал бўлганларини танлаб олиб, келгусида кўпайтириш учун уруғлик жамғармасини тўплайди. Ушбу кўпайтирувчи хўжаликларда узоғи билан 3—4 йил давомида юқорида қайд этилган талабларга тўлиқ жавоб берадиганларини ажратиб, уларнинг ижобий кўрсаткичларига ишонч ҳосил қилиш ва республиканинг нуфузли ташкилотларидан тузилган комиссияларнинг хулосаси ва қарори билан маъқуллангандан сўнг, айти вилоятнинг тупроқ-иқлим шароитига мослиги билан пахтакор хўжаликлар далаларида катта майдонларга экишга тавсия қилинади. Ўзининг ижобий томонини 2—3 йил давомида кўрсата олмаганлари бу хўжаликларда кўпайтиришдан чиқарилиши керак.

Энг асосийси шундан иборатки, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик экинлари навларини синиаш бўйича давлат комиссияси ўзининг 48 та тармоқларида 3—4 йил синалиши натижаларига кўра, ўзини

ҳар томонлама кўрсатган нав, ўша шароитга мос бўлгани истиқболли деб Давлат реестрига киритилади ва шу навга элита уруғчилиги хўжалиги очилиб, катта майдонларга экиш учун элита ва биринчи авлодли уруғлар етиштирилишига киришилади. Бундан асосий мақсад шуки, айна шароитда яхши натижа берган ғўза навларини шиддат билан кўпайтириб, барча хўжаликларни ҳосилдор, тола сифати юқори ва касалликларга чидамли навлар билан доимий равишда таъминлаб боради.

Демак, юқорида қайд этилганидек, пахта уруғчилиги ишлари тўғри ва сифатли йўлга қўйилган жойда, албатта, пахтадан мўл ва сифатли ҳосил етиштирилишига шак-шубҳа йўқ.

Ғўза дефолиацияси

Парвариш қилиниб, етишган ғўзалардаги ҳосилни йиғиштириб олишни тезлаштириш агротехник тадбирларидан бири ғўза баргини сунъий тўктириш ҳисобланган дефолиациядир. Терим олдидан ўтказиладиган дефолиация нафақат ғўзалар баргининг тўкилишини, балки бу тадбир илмий ишларнинг натижасига кўра, кўсақларнинг очилишини 10—15 кунга тезлаштиради, тола чиқишини оширади, ғўзага зарар келтираётган қишлоқ хўжалик ҳашаротларининг зиёнига барҳам беради, ғўзанинг пастки ярусларидаги кўсақлар чиришининг олди олинади ва ҳосилнинг тезда ёғин-сочинга қолмай йиғиштириб олинишини таъминлайди.

Ғўзани дефолиация қилишни жойнинг тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиқиб, мақбул муддатларда, яъни етиштирилган ҳосилнинг пишиб етилганлигига қараб амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Чунки кейинги олинган ҳосил элементлари (кўсақлар) нинг 30—40 фоизи пишиб етилмаган пайкалларда эрта ўтказилган дефолиация ҳосилга катта путур етказишга олиб келади.

Пахтачилик илмий-тадқиқот институти олимларининг кўп йиллик изланишларидан маълумки, ғўзанинг юқори қисмидаги кўсақларнинг ёши 30—35 кунлик бўлганда ўтказилган дефолиация ҳосилга зиён етказ-

магани аниқланган. Шунинг учун ҳам ғузларнинг ҳосили пишиши меъёрида бўлган далаларда табақалаштирилган ҳолда дефолиация қилиш ўринлидир. Дефолиация қилишда ғузларнинг селекцион навига қараб ҳам иш юритиш лозим бўлади. Чунки айрим ғузларнинг баргланиши, шохланиши бир хил бўлмайди.

Илмий муассасаларнинг тавсиясига кўра, «Бухоро-102» навининг ҳосили 50—60 фоиз, «Омад» нави 60—80 фоиз, С-6524 нави 50—60 фоиз, «Оқдарё-6» нави 40—45 фоиз, «Хоразм-127» нави 60—70 фоиз, «Наманган-77», «Бухоро-6», «Денов» навлари 50 фоиз пишиб кўсақлари очилганда дефолиацияни ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Булардан ташқари, республикада экилаётган ғуза навларини дефолиация қилиш шу кўрсатилган навларга ўхшаш ҳолда амалга оширилади.

Ќузани дефолиация қилиш об-ҳавога ҳам боғлиқ. Агарда суткалик ўртача ҳарорат 15 даражадан паст бўлганда дефолиациянинг таъсири пасаяди, баргларнинг тўкилиши етарли бўлмай дефолиациянинг самараси кам бўлади. Дефолиация ўз муддатида ва сифатли ўтказилганда ғуза қатор орасида ҳаво алмашиниши яхшиланади, натижада кўсақлар қуёш нури ва ёруғлигидан самарали фойдаланиб, очилиш суръати тезлашади. Дефолиантлар таъсирида баргларга борадиган озуқа моддалар ўсимликнинг ёш кўсақлари ва бошқа ҳосил элементларига қайта тақсимланиб, толада целлюлозанинг кўпроқ тўпланиши, чигитнинг шаклланиши билан кўп миқдорда озуқа моддалар, мой тўпланишини таъминлаб, бир кўсақ вазни, пахта ҳосили ошади ва сифати яхшиланади.

Дефолиация ғуза етилмаган даврда, муддатидан олдин ўтказилганда, ўсимликда физиологик жараёнлар жадал кечмаётганлиги сабабли, дефолиантлар таъсири сусайиб ўтиши керак бўлган жараёнлар тўлиқ кечмайди ва натижада пахта ҳосили камайиб, сифати ёмонлашади, ҳосилдорлик 3—4 центнерга камайиши илмий тадқиқотлардан маълум. Шунинг учун ҳам дефолиацияни ўз муддатида вилоятлар шароитига мос равишда ўсимликнинг ривожини эътиборга олиниб, хлорат магний гектарига 8—12 кг, авгурон-экстра 0,1—0,2 литр,

садаф 8—9 литр, суюқ ХМД 6,5—7,5 литр миқдорида қўлланилгани мақсадга мувофиқдир.

Бу дефолиантларга тезпишар ғўза навлари ўрта ва кечпишар навларга нисбатан сезгирлиги юқори бўлиб, баргларнинг тўкилиши бирмунча юқори бўлади. Дефолиация қилишда айни сабаблар ҳам эътиборга олинishi лозим. Баргларнинг тўкилиши дефолиант эритмалари ғўза пайкалларига бир текис сепилишига ҳам боғлиқ. Дефолиантларнинг самараси қўл ва трактор аппаратларида сепилганда юқори бўлишини ҳисобга олиб, ишни ташкил қилиш лозим бўлади. Дефолиант эритмалари барча қўлланмалар талаби бўйича сифатли тайёрланиши энг муҳим ишлардан биридир. Сифатли ўтказилган дефолиация натижаси ўлароқ, пахтанинг очилиши кўнгилдагидек кечади, машина теримига ҳам, қўл теримига ҳам катта қулайлик туғилиб, пахтани йиғиштириб олиш муддатлари қисқаради ва натижада ҳосилни тугаллаш ёғин-сочинга қолмайди.

Сифатли пахта толаси олиш, ҳосилни йиғиштириш, уни қабул қилиш масканларига топшириш ва сақлашни ташкил қилиш

Юқорида қайд этилганидек, ғўза ўсимлиги жаҳонда унинг толасидан халқ хўжалиги ва саноатда хилма-хил эҳтиёж материаллари тайёрлаш учун катта майдонларда етиштирилади. Ундан инсонлар учун кийиб фойдаланадиган нафис либослар тайёрлашдан тортиб, саноат учун энг аҳамиятли материаллар ясашгача ишлатилади.

Шу ўринда пахтакорларимизга пахта толаси ғўзанинг ривожланишида қандай пайдо бўлишини кўриб чиққанимизда, куйидагиларни маълум қилиш мумкин. Демак, пахта толаси чигит қобиғидаги ташқи эпидермиснинг бўйига чўзилган айрим хужайраларидан иборат. Асосий толанинг пайдо бўлиши ғўза гулга кирган кундан бошланади. Ғўза гули чанглангандан бошлаб эпидермисда бўртиб чиққан хужайралар бўйига чўзила бошлайди, диаметри ҳам бир оз катталашади, деворлари қалинлашади, хужайра толага айланади.

Кўсак ва чигит ривожланишига ўхшаш толанинг ривожланиши ҳам икки босқичда ўтади. Биринчи босқичда ёки 25—30 кун тола бўйига ўсади, иккинчи босқичда унинг ички қисми шаклланади ва целлюлоза қатлами тола деворчалари ҳосил бўлади. Шу даврда толада 25—30 деворча ҳосил бўлади. Тола етилган сари тола деворчаларида катакчалар кўпаяверади. Тола ичида протоплазма ва ҳужайра шираси бўлади. Кўсак очилганда тола қуриб ундаги суюқлик чигитга шимилади. Сўнгра тола деворчалари пучайиб, лента шаклига киради ва буралган бўлади. Яхши етилган тола ялтироқ бўлиб товланиб туради.

Пахта толасининг технологик хусусиятларига назар ташланса, мамлакатимизда экилиб, етиштирилаётган ғўза навларининг тола сифати 7-типга тўғри келади. Ингичка толали ғўза навларининг толалари 1а, 1б, 1, 2, ва 3- тип ҳамда ўрта толали ғўзалар эса 4, 5, 6 ва 7-тип тола беради.

Шу йилларда республикамизнинг тупроқ-иқлим шароитларида ингичка толали ғўзанинг «Термиз-31» ва «Сурхон-14» навлари, ўрта толали тезпишар С-4727, «Наманган-77», «Бухоро-102», «Омад», «Андижон-35», «Оқдарё-6», «Ан-Бояут-2» навлари, ўртапишар «Бухоро-6», С-6524, «Бухоро-8», «Хоразм-127», истиқболли навлардан «Наманган-34», С-6541, «Андижон-36», «Хоразм-150», «Денов» ва «Турон» навлари экилиб келинмоқда.

Пахта толасидан фойдаланишда унинг технологик хусусиятлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, экиб келинаётган ғўзаларининг тола чиқими ҳам катта эътиборга олиниб, ғўза навларини жойлаштириш режаси тузилмоқда. Республикамизда экилаётган ғўзаларнинг «Наманган-77», «Бухоро-102», С-4727, «Хоразм-127», «Наманган-34», С-6541, «Денов» навлари 37—40 фоизгача, «Андижон-35», «Оқдарё-6», «Бухоро-8», «Бухоро-6» ва «Омад» навлари 35—37 фоизгача тола бериши билан ўзларини кўрсатмоқда. Уларнинг юқори тола чиқими ва технологик сифатларининг талабларга мослиги келгусида экин майдонларининг кенгайишига олиб келади.

Албатта, барча андоза талабларига тўлиқ жавоб берадиган тола олиш учун ғўзаларни вегетация даврида унинг қатор ораларига меъёрида ишлов бериш, яъни майин культивация, белгиланган муддатларда ғўзани ўғитлаш, сувлаш, ҳашаротга ва бегона ўтларга қарши кураш каби агротехник тадбирларни сифатли ўтказишни амалга ошириш зарур. Илмий изланишлардан маълумки, сувдан ва ишловдан қолган майдонлардан йиғиштирилган пахта толаси сифатсиз бўлиб, давлат андоза талабларига жавоб бермагани аниқланган.

Мамлакатимиз ҳужаликларида экилаётган ғўза навларининг технологик сифатларидан микронейр кўрсаткичи, юқори ўртача узунлик, штапель узунлиги, нур қайтариш коэффициенти, сарғишлик даражаси, узунлик бўйича бир хиллик индекси, калта толалар индекси, ифлос аралашмалар сони, солиштирма узилиш кучи ва узилишдаги узайиши каби хусусиятлари толада аниқланиб, унга баҳо берган ҳолда буюртмачиларга жўнатилади. Бу талаблардаги кўрсаткичлардан бири ҳисобланган микронейр пахта толаси намунасининг ҳаво ўтказувчанлигига қараб, толанинг ингичкалиги ва пишиб етилганлиги бўлиб, бу кўрсаткичлар 3,5 дан 4,9 га тенг бўлиши, яъни тола сифати 3,5 дан кам ва 4,9 дан юқори бўлмаслиги лозим. 3,5 дан кам бўлса, тола яхши пишиб етилмаган ва 4,9 дан ортиқ бўлса, толанинг сифати дағаллашган ҳисобланиб, харидорнинг бу толага эҳтиёжи кескин пасаяди. Пахта толаси нуқсон ва ифлос аралашмалар миқдорига қараб ташқи кўриниш намуналарига мувофиқ «Олий», «Яхши», «Ўрта», «Оддий» ва «Ифлос» синфларга бўлинади.

Пахта тозалаш корхоналарида йиғилган пахта хом ашёси қайта ишланиш давомида айрим ғўза навлари пахталари қийин тозаланиши натижасида «Олий», «Яхши» синфларга кам тола чиқиш ҳоллари ҳам учрайди. Шундай навларнинг ифлосликларини қайта-қайта тозалаб, тола олишга тўғри келади, натижада харажатлар кўпаяди. Нима бўлганда ҳам «Олий» ва «Яхши» толалар миқдорини кўпайтириш чоралари белгиланиши зарур. Пахта қайта ишланганда пахта толаси орасида бутун чигитлар, ёғ доғлари, бегона жисмлар ва чириган ҳид бўлишига йўл қўйилмаслиги керак. Бун-

дан ташқари ишлаб чиқарилган пахта толасида ёпишқоқлик белгилари, яъни «шираланган» ҳолатлар кучли бўлиши мумкин эмас. Бундай ҳолатларда тола сифати кескин пасайиб, унинг паст саноат навларига қабул қилиниши белгиланган. Шу сабабли ғуза парвариши давомида, айниқса, кўсаклар очила бошлашидан, юқорида қайд этилганидек, қишлоқ хўжалиги экинларига зарар келтирувчи «сўрувчи» ҳашарот ҳисобланган ғуза битига қарши август ойида кимёвий усуллар билан ишлов берилиши зарур. Бу турдаги «шира»лар очилган кўсак пахталарига ғуза баргини сўриши орқали улардан оқиб тушаётган суюқлик — ахлат ширалар оқиб, толада ёпишқоқликни пайдо қилади, толага тушган ширага 2—3 кун ичида замбуруғлар ўтириши эвазига тола қорайиб қолиб, унинг сифатига катта зарар етказди. Албатта, пахтага бундай зарар етказиш чоралари хўжаликлар томонидан ўз вақтида белгиланиши лозим. Акс ҳолда фермер хўжалиги ҳам, пахтани қайта ишловчи корхона ҳам зарар кўриши табиий.

Янги етиштирилган ҳосилни йиғиштиришга астойдил тайёргарлик кўриш муҳим ишлардан биридир. Шунинг учун фермер хўжаликлари далаларида парвариш қилиб етиштирилган ҳосилнинг салмоғини бирма-бир юриб, аниқлаб чиқиши, айниқса, кўсаклар ғузанинг қайси ярусигача очилганлигини, пастки ярусларнинг (пастки 3 та ҳосил шохи) кўсаклари микроспориоз (чаноқлардаги очилган пахтасининг қорайиб кетиши) билан касалга чалинганлигини ўрганиб чиқиш лозим. Пахта терим пайтида терилган пахтанинг ифлосланишини камайтириш учун бегона ўтларни аниқлаб даладан уларни олиб ташлаш чоралари белгиланиши керак.

Хўжаликда бўлган хирмон, айвон, ариқларга ўрнатилган кўприкларни бирма-бир кўриб чиқиб, уларни тузатиб қўйиш, йўлларнинг бузилган жойларини созлаш, теримчиларни етарли миқдорда этаклар билан таъминлаш, керакли тарозиларни тайёрлаб қўйиш, пахта ташийдиган трактор тиркамаларни пахта ортилганда тўкилмайдиган ҳолатга келтириш чоралари теримдан аввал кўрилиши лозим.

Теримчиларнинг пахтани сифатли теришини таш-

кил этиш учун уларга тўлиқ тушунтириш ишларини ўтказиш зарур бўлади. Пахта теримини исрофгарчиликсиз ўтказиш тадбирларини белгилаш, етиштирилган ҳосилни ёгин-сочинга қолдирмасдан йиғиб олиш мақсадида, ғўзанинг баргини тўктириш (дефолиация) учун керакли миқдорда дефолиантларни жамғариш, уни сепадиган пуркагич воситалари ОВХ ва қўл аппаратларини тайёрлаш, уларга ишлатиладиган эҳтиёт воситаларидан махсус кийим-бош, респиратор, қўлқоп ва кўзойнақлар тайёрлаб қўйиш талаб этилади. Пахта юкланадиган тиркамаларнинг етарли миқдорда автопалага шолчалари билан ҳам таъминланиши зарур. Чунки ташилаётган пахтанинг усти ёпилган ҳолда бўлиши лозим.

Пахта тозалаш корхоналари ва уларнинг ҳар хил масофада жойлашган пахта хом ашёси қабул қилиш масканларини янги пахта ҳосилини қабул қилиб олишга тайёрлаш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Барча мавжуд пахта қабул қилиш масканлари узоғи билан июл ойи охиригача пахта қабул қилишга тахт қилиниши зарур. Пахта тозалаш корхонасида пахта хом ашёсини қайта ишлашга боғлиқ бўлган барча ускуналар билан пахтани ғарамлайдиган майдончаларгача давлатнинг нуфузли ташкилотлари тасдиқлаган йуриқномалардаги талаблар асосида тайёрлашни тугаллаш амалга оширилади. Пахтани ўз вақтида қабул қилиш, тўғри жамлаш, марказлашган усулда қуриштириш ва тозалаш ҳамда меъёрида сақлашни таъминлаш мақсадида пахта тозалаш корхоналари ва уларнинг тайёрлов масканларига қўйидаги вазифалар юкланади: фермер хўжаликлари билан пахта сотиш шартномавий режасининг бажарилишини назорат қилиш, хўжаликларда пахтани сифатли теришни ташкил этиш ва таъминлаш ҳамда уни тўғри саралаш бўйича тушунтириш ишларини ўтказиш, хўжаликларни амалдаги давлат андозаси талаблари, пахта харид нархлари бўйича ҳар йилги нархнома ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш, давлат андозалари, хавфсизлик техникаси ва ёнғинга қарши кураш бўйича огоҳлантирувчи ёзувларни давлат тилида ёзиб, кўринадиган жойларга осиб қўйиш, пахтани давлат андозалари талабларига қатъий риоя этган ҳолда ўз

вақтида қабул қилиш, қабул қилинган пахтани селекцион ва саноат навлари, синфлари бўйича, уруғлик пахтани авлоди ва гуруҳи кўрсатилган ҳолда бир хил тўдаларга тўплаш, қуритиш-тозалаш цехларининг унумли ишлашини таъминлаш, сақлаш, қуритиш ва ташиниш пайтида пахтанинг бузилиши ва нобуд бўлишига йўл қўймайдиган тадбирларни амалга ошириш ва бошқа муҳим чоралар аниқ бўлиши ва уларнинг бажарилиши лозим.

Пахта тозалаш корхоналарининг раҳбарлари бу қайд этилган тадбирларнинг бажарилишини ташкил қилишга масъул ҳисобланади. Пишиб этилган ҳосилни йиғишга киришишни мутахассислардан тузилган комиссия ғўза майдонларини кўриб чиқиб, раҳбариятга теримга тушиш график таклифини беради.

Юқорида қайд этилган қўлланма қисмларида ғўза самарали иссиқлик ҳароратини етарли миқдорда ўзига қабул қилгандан сўнг, этилган кўсақлар пишиб, тўлиқ очилиши айtilган эди. Демак, ўз вақтида пайдо бўлган ғўзанинг мева элементлари иссиқлик ва етарли озуқа билан таъминлангандан сўнг этилган кўсақлар шиддат билан очила бошлайди. Ғўза пайкаларида ҳосилнинг пишиб этилганига ишонч ҳосил қилинса, пишиб этилган ғўзанинг 3 та ярусидаги кўсақлар тўлиқ очилганда теримни бошлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Уруғлик бўлмаган майдонларда 4 та ярусдаги кўсақлар очилганда теримга тушиш илғорлар тажрибасида яхши натижа бергани пахтакорларга маълум. Ғўзалар ҳосили 85—90 фоиз пишганда терилган далалар бир терим билан шартномавий режаларини ошиғи билан удалаган фермер хўжаликлари ҳар йили кўплаб топилади.

Меъёрида ривожланиб ўсган ғўза ўсимлиги 5 ярусга эга бўлиб, ғўзанинг ҳар 3 та ҳосил шохи бир ярус ҳисобланади. Айрим пайтларда ғўзанинг 3—4 кўсағи очилиши билан теришга киришилади. Лекин бундай далаларда терим бошлаш ноўриндир, чунки теримчилар хоҳлайсизми, йўқми тўлиқ пишиб этилмай, чала очилган кўсақларнинг пахтасини ҳам қўшиб териб кетишади. Кўсағи тўлиқ очилмаган пахтанинг чигити ва толаси меъёрида этилмаган бўлади.

Ғўза кўсағи етарли миқдорда иссиқликни олиш би-

лан етилиб очилса, толанинг сифати ва чигитнинг вазни меъёрида бўлишига эришилади. Фақат дала атрофларида кўсаги тўлиқ очилиб, шамоллар таъсирида пахтаси тўкилиш хавфи бўлган ва сувдан қолиб очилган пахталарни аввал териш мақсадга мувофиқдир. Очилгандан сўнг туриб қолган пахталар қуриб кетиб, кўсаклардан чиқадиган пахта оғирлиги кескин камайиб кетади деган тушунчалар бирорта асосга эга эмас. Чунки пахта толаси ва унинг чигити ўзининг табиий намлигини очилиб тургани билан йўқотмайди, бу намлик сақланиб қолади.

Давлат андозаси талаблари бўйича белгиланган намликдан кам бўлиб, топширилаётган пахта хом ашёсини тайёрлов масканига қабул қилишда пахта кўшиб (накидка) берилади. Шу сингари ифлослигига ҳам меъёридан кам бўлса, накидка берилади. Айти сабаблардан келиб чиқиб, ҳосилнинг аксарият қисми очилган ҳолда терилганда хўжалик олдида турган шартномавий режанинг қисқа муддатларда бажарилишига олиб келади. Бундай ҳолатлар тажрибада кўп марталаб исботланган.

Етиштирилган пахталарни териш тартиблари теримчиларга тушунтирилиб, ҳали пишиб етилмаган хом пахталарни териб кетмаслик чоралари кўрилади ва бу ҳақда назорат қилиб борилади. Теримчилардан пахта бевосита даланинг ўзида тортиб қабул қилинади ва уни қуритиш учун хирмонга жўнатиб турилади. Ғўзаларнинг етиштирилган ҳосилининг пишишини тезлаштириш учун дефолиация орқали унинг барглари сунъий тўктирилади, бу билан кўсакларга тўғридан-тўғри иссиқлик келишини таъминланади. Бунинг натижасида кўсакларнинг очилиши тезлашиб, қўл ва машина теримига шароит яратилади, пахтани йиғиштириш ишлари жаддалашади.

Республикамизда экиладиган пахта майдонларини доимий равишда сифатли уруғлик билан таъминлаш учун юқорида қайд қилинган ғўза навлари кўпайтирилиб, улардан уруғлик олиш мақсадида тузилган комиссия томонидан август ойида апробация тадбирлари ўтказилиб, керакли миқдорда навлар ва авлодлар бўйича уруғлик олиш майдонлари ажратилади. Комиссия-

нинг хулосасига биноан уруғликка ажратилган майдонлар далолатномалар билан расмийлаштирилади. Албатта, тузилган далолатноманинг бир нусхаси уруғлик пахта қабул қилинадиган пахта тозалаш корхонасига берилади ва айна ҳужжатга кўра уруғлик пахталар навлари билан қабул қилиниб, алоҳида ғарамланади.

Уруғлик пахта фақат апробациядан ўтказилиб, уруғлик деб ҳисобланган далалардан белгиланган миқдорда терилади. Уруғлик пахтани теришда унинг тартибқоидаларига тўлиқ амал қилган ҳолда, яъни фақат ўрта яруслардаги очилган кўсақлар теришлиши керак. Пастки биринчи яруснинг очилган кўсақлари кўп ҳолларда читтак, меъёрида очилмаган ёки унинг пахта чаноқлари макроспориоз касалига чалинган бўлади, шунинг учун ҳам бу чаноқлардаги пахта алоҳида теришиб уруғлик пахтага қўшмай топширилиши лозим. Бундан ташқари, ғўзанинг тепасидаги устки ярусларда очилган кўсақ пахталари ҳам уруғликка қўшиб терилмаслиги керак. Чунки устки яруслардаги чаноқ пахталарининг чигити меъёрида ривожланмаган, униб чиқиш қобилияти паст бўлади. Теримчилар айна сабабларга қатъий риоя қилган ҳолда, бу айtilган ўриндаги кўсақ пахталарини уруғликка аралаштириб териб топширилиши мумкин эмас. Шунинг учун уруғликка ажратилган далалардаги ғўзаларнинг 3,5 ярусидagi кўсақлар тўлиқ очилганда уруғлик пахта теримини ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Далани апробация қилганда етиштирилган ҳосилни тўлигича уруғликка териб олиш кўзда тутилмайди. Етиштирилган ҳосилнинг юқорида айtilганидек, фақат 40—45 фоизи уруғликка олиниши лозим. Бундай тартибларни теримчиларга мукамал тушунтириш керак. Уруғлик пахта териб олишни ўрта ярус ҳосилига мослаштирган ҳолда уруғлик режаси апробация далолатномаси билан расмийлаштирилиб режа берилади. Уруғлик пахталарнинг элита ва бошқа барча авлодлари, асосан, қўлда терилади. Уруғлик пахта қўлда 1—2 марта теришлиши мумкин. Пишиб етилмаган уруғлик пахтани териш қатъиян ман этилади. Унинг намлиги давлат андозаси талабидан (8 фоиздан) ортиқ бўлса, уни, албатта офтобда қуритиш ва белгиланган миқдордаги намлик билан пахта тайёрлаш масканига топшириш

керак. Уруғлик пахта таркибида пишмаган (абортланган) паллачалар бўлса, қабул қилиш маскани ходимлари томонидан пахта топширувчига қайтариледи ва унинг оғирлигидан чиқариледи. Уруғлик пахтада тош, газлама қийқимлари, кук кўсак ёки унинг чаноқлари, кук барглар, кук ўтлар ҳамда мойланган пахта паллачалари кўринишидаги турли хил бегона нарсалар бўлиши мумкин эмас.

Юқори сифатли уруғлик тайёрлаш учун уруғлик пахта имкон қадар эрта муддатларда, яъни узоғи билан 1 октябрғача йиғиб-териб олиниши ва пахта тайёрлаш масканларига сифатли равишда топширилиши зарур. Пахта тозалаш корхоналарида хўжаликлардан қабул қилиб олинган уруғлик пахталар 250—300 тоннадан фарам қилиб, қуйидаги белгиларга қараб алоҳида тўдаларга тўпланади, яъни селекцион нави, авлоди, нав тозалиги, дала гуруҳи, саноат нави, келиб чиқиши ва синфи кўрсатилиб осиб қўйилади.

Бир хил уруғлик жамғарма олиш учун сентябр ойида териб топширилган уруғлик пахта тўдаси октябр ойида топширилганга қўшилмасдан алоҳида фарамланади. Уруғлик пахтанинг икки тўдасини битта майдончада тўплашга йўл қўйилмайди. Уруғлик пахта тайёрлов масканида намлиги ва ифлослиги давлат андозасида кўзда тутилган меъёрлардан ортиқ бўлмаган ҳолда қабул қилинади.

Элита авлодининг уруғлик пахтаси янги қоп-қанорларга солиниб, қуруқ, тоза ва ёпиқ омборларда сақланади. Қоплар эса тахтадан ясалган таглик устига тахлаб қўйилади. Уруғлик қилиб, тайёрланиб (териб) топширилган бир навнинг асосий жамғармаси, захира жамғармаси билан қўшилиб, бир тўда фарамга жойлаштирилиши тақиқланади. Асосий ва захира жамғарма уруғлик пахталари алоҳида-алоҳида фарамланади. Тўдалар фарамланиб бўлгандан сўнг, фарамнинг узунасига тунеллар қазилади, тўдадаги пахтанинг намлиги ва ҳарорати ўлчаниб борилади ва керакли жойларда сўрувчи ускуналар ўрнатилиб, намлиги сўрилади. Бундай ускуналар техник пахталарга ҳам қўйилиб, намлиги кузатиб борилади. Уруғлик ва техник пахта сақланаётган ҳар бир фарам ва омборга пахтанинг тегишли шакли-

даги паспортдан кўчирма осиб ёки ёпиштириб қўйилади.

Хўжаликлардан пахтани қабул қилиш масканларига топшириш учун келаётган пахталарни, пахта қабул қилиш масканининг масъул ходимлари давлатнинг барча андозаси талабларига мослиги ва йўриқномалар талаби асосида қабул қилинишини таъминлайди. Пахтани топшириб бўлгандан сўнг, тегишли хужжатлар билан хўжаликка ҳисоб-китобларни тақдим қилади. Пахта тозалаш корхоналари хўжаликлар етиштирган пахталарни амалдаги барча талабларга кўра қабул қилишни терим мавсуми охиригача давом эттиради. Пахтани узоқ вақт яхши сақлаш ва ундан сифатли тола олиш учун пахтанинг нави ва синфини ҳисобга олган ҳолда, уни табақалаб тўплайди. Фарамлардаги пахтанинг намланганлигини ўз вақтида аниқлаш учун тайёрлов маскани лабораторияси сақланаётган пахтанинг ҳароратини доимий равишда текшириб туради. Сақланаётган пахта тўдаларидаги ҳарорат биринчи ўлчашда 35 даражадан ортиқ бўлса ёки кейинги ўлчашларда бир нуқтанинг ўзида 2—3 даражага ортиб кетса, фарамдаги иссиқ ва нам ҳавони сўриб чиқариб ташлаш йўли билан уни совитиш керак бўлади. Намлиги ортиқча бўлган пахтанинг табиий хусусиятларини сақлаб қолиш учун фарам қандай ҳолатдалигидан қатъи назар, ҳаво сўриб ташланиши лозим. Фарамланган тўдалардаги пахта хом ашёси қайта ишлангунга қадар қор-ёмғирда қолмаслиги, пахтага нам ўтиб кетмаслиги учун барча сақланаётган пахталарнинг тўлиқ ва сифатли равишда брезентлар билан маҳкам ёпилиши зарур. Уруғлик пахта фарамлари эса, фақат янги биринчи даражали брезентлар билан мустаҳкам ёпилиши ташкил қилинади.

Ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам бу фарамланган пахталарга ёмғир ва қор суви ўтиб кетиши мумкин эмас. Пахталар меъёрида қайта ишлашгача сақланиши таъминланса, пахта хом ашёсидан сифатли тола, чигит ва, айниқса, уруғлик чигитлар олишга эришилади.

Пахта тозалаш корхоналари пахта хом ашёсини қабул қилиш билан бирга буюртмачи истеъмолчиларга тола, чигит, момиқ ва улюк каби маҳсулотларни жўнатиш учун пахтани қайта ишлашга киришадилар.

Бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳақида

Мамлакатимизда экилиб келинаётган асосий қишлоқ хўжалик экини ҳисобланган пахта (ғўза)дан ташқари бугдой, арпа, шоли, маккажўхори, оқжўхори, сули, тариқ, гречиха, соя, нўхат, ловия, мош, сабзавот экинларидан карам, пиёз, чеснок (саримсоқ пиёз), помидор, лавлаги, бодринг, болгар қалампирлари, аччиқ қалампир, картошка, ҳар хил кўкатлар, полиз экинларидан қовун ва тарвуз, ширин ошқовоқлар ҳамда ёғ берувчи кунжут, ерёнғоқ ва зиғир каби экинлар хўжаликларнинг мавжуд ер майдонларида экилиб маҳсулотлар олинмоқда.

Республикамининг мустақиллиги эълон қилингандан сўнг, аҳолини дон маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш, яъни уларнинг нонга бўлган эҳтиёжини қондириш учун пахта экиладиган майдонлар маълум миқдорда камайтирилди ва натижада ғалла (бугдой) экиладиган майдонлар кўпайтирилди. Мамлакатимизда дон маҳсулотлари бир миллион икки юз минг гектардан ошиқ майдонга экилиб, ҳар йили беш миллион тоннадан ошиқ ҳосил олишга эришилаёпти. Ҳосилдорлик республикаимизда гектарига қирқ центнердан ошиб кетди.

Юзлаб-минглаб фермер хўжаликлари агротехника қоидаларига риоя қилган ҳолда ғаллани эрта ва сифатли равишда экиб, уни талаб даражасида ўғитлаб мўл ҳосил олмоқдалар. Бугдойнинг «Санзар-8», «Марс-1», «Половчанка», «Крошка», «Скифиянка» ва «Умманка» каби навлари гектаридан сувли майдонларда 70—80 центнердан ҳосил олишни таъминламоқдалар.

Албатта, юқори ҳосил етиштириш ўз-ўзидан бўлмади, бунинг учун экишга ернинг сифатли тайёрланиши, октябр ойдан қолмай экилиши, ерга белгиланган нормада уруғлик сарфлаши, ғалланинг тўлиқ кўкариб чиқишини таъминлаши, совуқ тушгунча меъёрида бугдойнинг тупланишига эришиши, далага маҳаллий ўғит ҳисобланган гўнг солишни ташкил қилиш, ўз вақтида сувлаш, минерал ўғитни гулга киргунча бўлиб-бўлиб беришни тугаллаш, ғалла пайкалида унинг

пишиб етилишига қадар бегона ўтларнинг бўлишига йўл қўймаслик чоралари белгиланиши лозим.

Республикамизда сувли майдонларда ғалланинг кўпайиши ва унинг пахта экилган майдонлар билан тез-тез алмашиши эвазига ғўзанинг вилт (сўлиш) касалига чалиниши кескин камайди, буни, албатта, тан олмоқ керак. Демак, пахта ерининг ғалла билан алмашиши ердаги вилт (сўлиш) касали вирусларининг камайишига ижобий таъсир этиши, пахтадан мўл ҳосил етиштиришга кўмак бўлмоқда.

Селекционер олимларимиз томонидан яратилган ва яратилаётган ғўза навларининг вертициллёз ва фузариоз сўлиш касалликларидан кучли ва ўрта даражада ерларнинг ғалла билан алмашиб келаётгани сабабли катта зарар кўраётгани йўқ. Хўжаликларда пахта майдонлари салмоғи 70—80 фоиз бўлганда вилт касали билан зарарланиш кучли бўлиб, ҳосилдорликка катта зарар етказилган йилларни эслаймиз. Ғалла ўсимлиги ҳам ернинг тез-тез алмашиб экилишини хуш кўради, чунки бир далада сурункали ғалла экилса, ҳосилдорлик пасайиб, бегона ўтлар ғалла орасида кўпайиб, унинг меъёрида ривожланишга кучли халақит беради ва натижада ҳосил кескин камаяди. Кўп ҳолларда бир далада ғалладан имкони борича бир марта ҳосил олиб, ерни алмаштириш мақсадга мувофиқдир.

Кўп фермер хўжаликлари пахта ва ғалла экинларидан ташқари белгиланган режага биноан сабзавот экинлари, картошка, қовун-тарвуз, боғ-мева, узум, шоли, такрорий ерёнғоқ, мош, ем-хашак экинларидан маккажўхори, оқжўхори ҳамда беда экинларини экиб, маълум миқдорда ҳосил етиштиришни йўлга қўйишган. Бу экинлардан катта даромадларга эга бўлаётганлари кўпчиликни ташкил этади.

Фермер хўжалиги мавжуд ерларидан унумли фойдаланишни йўлга қўйиши энг муҳим ишлардан бири деб ҳисобланиши лозим. Ақл билан фойдаланилган ҳар бир парча ер катта даромад келтиришини эсдан чиқармаслик керак.

Бундан ташқари фермер хўжалиги ихтиёрида чорва моллари ҳам бўлса, уларни ем-хашак билан таъминлаш йўлларини ахтариб, ғалладан бўшаган майдонлар-

га такрорий экинлар экишни тўғри йўлга қўйиш фермер хўжалигининг бирдан-бир вазифаси бўлмоғи зарур.

Ҳар бир қишлоқ хўжалик экинининг ўзига мос агротехник қоидалари бўлиб, унга амал қилинса ҳамда ишни тўғри ташкил қила билса, албатта, бу экиндан мўл ҳосил етиштириши мумкин.

Яқуний фикр ва тавсиялар

Мамлакатдаги фаолият кўрсатаётган минг-минглаб фермер хўжаликлари катта-катта майдонларга ғўзанинг эртапишар, ҳосилдор ва толасининг технологик сифати жаҳон андозаси талабларига мос келадиган навларни парваришлаб, мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлмоқдалар. Демак, мўътадил пахта хом ашёси етиштириш учун пахтакор хўжаликлар раҳбарларидан мўл ва эртаги ҳосил олиш мақсадида қўлланманинг юқорида қайд қилинган тавсияларидаги агротехник тадбирларга тўлиқ риоя қилган ҳолда ишни ўз вақтида сифатли ўтказишлари билан қўйидаги муҳим тадбирларни ҳам амалга ошириш талаб этилади:

- кузги шудгорнинг сифатли, майин, кесаксиз ва текис ҳайдалишини таъминлаш учун пахта ҳосили йиғиштирилиши тугалланмасдан тупроқ-иқлим шароитига қараб далани енгил суғоришни амалга ошириш;

- пахта даласидаги ҳосил териб бўлингандан сўнг, дала ғўзапоядан тозаланиб, шудгордан олдин берилиши белгиланган минерал (фосфор) ва маҳаллий ўғитлар (гўнг)ни далага бир текис сепиб чиқишни ташкил қилиш;

- кузги шудгорни ноябр ойи охиригача тугаллаш, ҳайдашни тупроқнинг механик таркибига қараб, 35—45 сантиметрдан кам бўлмаган чуқурлик билан ернинг устки 12—15 сантиметрдаги бегона ўтлар уруғи тўқилган қисмини кесиб шудгор остига ташлаб кетувчи кичик ағдаргичлари ўрнатилган плугларда сифатли равишда ҳайдашни амалга ошириш;

- ернинг шўрланиш даражасига қараб, шўрни ювиш учун кузги шудгордан сўнг тегишли механизмларда пол

(чек)лар олиш, унинг марзаларини сув қуйилганда ювиб кетмайдиган ҳолда бир текис бўлишини таъминлаш, полларга сув тўлдириш ариқларини ернинг рельефига мослаб очиш;

- Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Хоразм, Сирдарё, Жиззах, Фарғона вилоятларида ва қисман Сурхондарё, Қашқадарё ва Навоий вилоятларининг ўрта ва кучли даражада шўрланган тупроқларини 2—3 мартадан қиш ва айрим ҳудудларда эрта баҳорда меъёрида ҳосил олиш учун сифатли, тавсияларга тўлиқ амал қилган ҳолда шўр ювишни ташкил қилиш;

- чўл ва қуруқ жанубий ҳудудларнинг шудгордан сўнг пушта олинган пахта экиладиган майдонларида март ойининг бошидан бошлаб, чигитни бир текис тупроқнинг ўз намига кўкартириб олиш учун ерларга тўйинтирувчи (экишдан олдинги) сув беришни амалга ошириш;

- чигит экиш мавсумини юқорида қайд қилинган муддатларда вилоятларнинг тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда март ойининг охиридан бошлаб, апрел ойининг иккинчи ўн кунлиги охирида сифатли қилиб ернинг оби-тобида тўлиқ экилишини таъминлаш;

- вилоятларнинг тупроқ-иқлим шароитига қараб, чигит экиш билан бирга гектарига соф ҳолда 15—20 килограмм азот ва 20—25 килограмм фосфор ўғитини беришни ташкил қилиш;

- чигит экиш сарфини туксизлантирилган чигитларда Бухоро вилояти деҳқонлари 3—4 йилдан буён амалга ошираётган услубда гектарига 18—22 килограммдан оширмасдан сарфланишига ва тукли чигитлар сарфини эса 45—50 килограммдан ортиқ бўлмаслигига эришиш;

- чигит экишни сифатли ўтказиш учун ернинг экишга тўлиқ тайёрлиги ва экилган майдонларнинг сифатли бажарилиши бўйича мутахассислардан иборат комиссия тузиш ва уларнинг жавобгарлигини ошириш;

- чигит экилган майдонларда ёш ғўза ниҳоллари тупроқ юзасига чиқа бошлаши билан ёки кўчатларнинг ривожланишига кўмак бериш учун юмшоқ қилиб, культивация орқали унинг ёш илдизчаларига ҳаво би-

лан иссиқлик бериш тадбирларини ўз вақтида ўтказиш;

- экишдан сўнг, бўлиб ўтган кучли ёгингарчилик эвазига пайдо бўлган тупроқ қатқалоғини зудлик билан бартараф қилиш чораларини белгилаш ва унинг учун барча ишчи кучларини тўлиқ ишга жалб қилиш;

- далада бир текис пайдо бўлган ғўза ниҳолларида 2—3 чинбарг чиқарганда ғўзанинг ривожланиши меъёрида кечиши учун ғўза навларига қилинган тавсияларга биноан сифатли ягана қилишни амалга ошириш;

- ғўзаларнинг меъёрида ривожланиши ва унинг ҳосилига катта зиён етказувчи қишлоқ хўжалик зараркунандалари ҳисобланган трипс, шира, ўргимчаккана, қандалалар ва кўсак қуртларига ҳам биологик, ҳам кимёвий усуллар билан шиддатли кураш олиб бориш;

- ғўзадан мўл ҳосил олиш учун хўжаликка режалаштирилган азот, фосфор ва калий ўғитлари билан ғўзанинг дастлабки ривожланишидан гуллаш фазаси охирига етмасдан, яъни 1 июлгача минерал ўғитлар билан озиклантиришни тугаллаш;

- ғўзанинг ривожланишида юқори самара берувчи маҳаллий ўғитлардан фойдаланишга алоҳида аҳамият қаратиш, гўнг, тупроқ ҳамда фосфор ўғити аралаштириб тайёрланган компост ва чириган гўнгни унумдорлиги паст бўлган ғўза қатор ораларига 15—20 тоннадан (гектарига) бериш, гўнгни ғўзани суғориш пайтида «шарбат» усулида чуқур хандаққа солиб оқизиш билан тупроқда мавжуд бўлган микроорганизмлар фаолиятини яхшилаш чораларини кўриш;

- ғўзанинг меъёрида ривожланишини тезлаштириш, тупроқ таркибидаги ҳаракатчан ва лаёқатли ҳолга келган минерал моддаларни ўсимликнинг илдиэлари қабул қилишига ижобий таъсир этиш учун майин культивация ўтказиш билан ғўзанинг ривожланишини кучайтириш, ҳар бир суғоришдан кейин «оби-тоби»да ўсимликнинг илдиэига шикаст етказмасдан культивация қилиш, суғоришдан сўнг ернинг ёрилиб кетиш хавфи бўлган тупроқларда, яъни Бухоро вилояти хўжаликларида қўлланиб келинаётган «боронка» ускунасида ерни

юмшатиш имконияти бор жойда қўллаш билан тупроқ намлигини сақлаб қолиш;

- ғўзанинг ривожланишига қараб меъёрида суғоришни ташкил қилиш, ғўзани қўллатиб сувлашга йўл қўймаслик, ғўзаларни кечалари сувлашга алоҳида аҳамият бериш, ғўза суғоришда сувнинг бир литрини ҳам исроф бўлиб поянобга тушиб кетишининг олдини олиш, ғўзани сувлашга келаётган оқар сувдан унумли фойдаланишда хўжалик раҳбарларининг масъулиятини ошириш;

- айрим илғор тажрибалардан маълумки, айниқса, енгил тупроқли қумоқ ерларда ғўзани вегетация даврида суғориш вақтини 10—12 соатдан оширмасдан тез-тез енгил меъёردа ўқариқ узунлигини 50—60 метрдан оширмасдан 7—8 марта сувлаш билан эртаги пахта етиштиришга муваффақ бўлиш;

- етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олиш учун ғўза пайкалларидаги кўсақларнинг очилганлигини мутахассислар томонидан кўриб чиқиб, ҳосилнинг 70—80 фоизи очилиб пишиб етилгандан сўнг теримга тушиш режаси белгиланиши, уруғлик териладиган пайкалларнинг ғўза тупларидаги (ўрта ярусдаги) мавжуд кўсақлари тўлиқ очилганда уруғлик пахталарни теришга киришишини амалга ошириши билан сифатли уруғлик жамғармаси тайёрлаш, уруғлик пахталарни теришда пастки ярусда чигтак, касалланган кўсақлар пахталарини уруғликка қўшиб теришга батамом йўл қўймаслик;

- хўжаликлар пахта далаларидан териб олинган ҳосилни пахта тозалаш корхоналарининг пахта қабул қилиш масканларига давлат андозаси талаблари ва тасдиқланган йўриқномалар тартиби асосида сифатли пахта хом ашёси топширишни таъминлаш;

- пахтаси териб-йиғиб олинган, даласи пахтадан тозаланган майдонларда ғўзапоялар олиниб, келгуси йил ҳосили учун кузги шудгорни сифатли равишда ўтказишни ташкиллаштириш;

- фермер хўжаликларида экилган бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг йиғиштирилиши чораларини белгилаш, йилни яқунлаш тадбирларини бирма-бир

таҳлил қилиш, келгуси йил ҳосилига тайёргарлик кўриш;

• хўжаликда мавжуд бўлган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш чораларини белгилаш, ерлар шўрланишининг олдини олиш, мавжуд зовурларнинг тез-тез тозаланишини ташкил қилиш, сизот сувларининг кўтарилишига йўл қўймаслик, зовурларда йиғилган сизот сувларининг оқиб кетишини таъминлаш учун айрим зовурларда нишаблик пайдо қилиш чораларини белгилаш каби ишларни амалга ошириш лозим бўлади.

Фермер хўжалиги раҳбарига! Ўз хўжалигингизда ишни тўғри ташкил қилиб, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш ҳамда бошқа тармоқлардан етарли даражада маҳсулотлар олиш билан унинг ҳисоб-китобини юритишда қуйида берилган 2-дан 16-гача бўлган илова жадвал-шаклларни йилма-йил тўлғазиб боришингиз Сизга анча қулайлик туғдиради деб, уйлаймиз.

Фермер хўжалигининг номи

_____ номли фермер

хўжалиги _____ вилояти

_____ тумани ҳокимининг

_____ йил _____ даги _____ сонли

қарорига биноан _____

фермер хўжалиги деб номланиб, собиқ _____

ширкат хўжалигининг _____

контуридаги _____

гектар суғориладиган деҳқончилик қилишга яроқли ер

майдони _____ йил муддатга шу

фермер хўжалигига қишлоқ хўжалик экинлари экиб,
тузилган шартномаларда кўрсатилган маҳсулотларни тур-
лари бўйича етиштиришга берилган.

Фермер хўжалигига берилган ернинг сифат кўрсаткичлари

Биркирилган ер майдони	Шу жумладан		Беркирилган ернинг шўрланганлик даражаси, га	Шу жумладан				Ернинг уртача балл-бонитети, %	Шу жумладан, га					
	Сугориладиган	Лалми ерлар		Шўрланмаган	Кам шўрланган	Ўрта шўрланган	Кучли шўрланган		20-30 %	30-40 %	40-50 %	50-60 %	60% юқори	

3 - жадвал

Фермер хўжалигига қарашли мулк ва техникалар

№	Иншоот-иморат, техника ва иш қуроллари номи	Маркаси	Сони, дона	Сотиб олинган, сўм		Хўжаликдаги қиймати, сўм	Ишга яроқли, дона	Ишга яроқсиз, дона	Ҳисобдан чиқарилди	
				кредитга	лизингга				дона	сўм
1.	Маданият саройи									
2.	Идора									
3.	Механизмлар гаражи									
4.	Омборхона									
5.	Ҳаммом									
6.	Ҳайдов трактори									
7.	Ғалла комбайни									
8.	Қатор орасида ишловчи трактор									

9.	Трактор тиркамаси									
10.	Ер ағдаргич (плуг)									
11.	Культиватор									
12.	Чигит сеялка									
13.	Ғалла сеялка									
14.	Ер юмшатгич чизел									
15.	Юк ташувчи трактор									
16.	Ер текислагич									
17.	Дори сепиш қўл аппарати									
18.	Дори сепиш трактор аппарати									
19.	Ариқ қазгич (кзу-0,3)									
20.	Тишли борона									
21.	Ўт ўриш косилкаси									
22.	Гунг сепиш аппарати									
23.	Ўғит сепиш аппарати									
24.										
25.										
26.										
27.										
28.										
29.										
30.										

Фермер хўжалигининг пахта хом ашёси ишлаб чиқариши, уни саноат навлари
билан топшириш ва пахтадан келтирилган даромад ҳақида

МАЪЛУМОТ

Йиллар	Пахта майдони, га	Экилган селекцион нави номи	Пахта етиштириш ва сотиш				Шу жумладан саноат навлари буйича					Жами пахта сотилган олинган даромад, минг сўм					
			Режа, тонна		Амалда, тонна		шу жумладан, уруғлик пахта		1	2	3		4	5			
			ц/га	ялли, тонна	ц/га	ялли, тонна	топширилди	уруғликка устама олинди, минг сўм	ялли, тонна	олинган даромад, минг сўм	ялли, тонна		олинган даромад, минг сўм	ялли, тонна	олинган даромад, минг сўм	ялли, тонна	олинган даромад, минг сўм
2009																	
2010																	
2011																	
2012																	
2013																	
2014																	
2015																	
2016																	
2017																	
2018																	
2019																	
2020																	

Фермер хўжалигида галла етиштириш, давлатга сотиш ва ундан олинган даромадлар ҳақида

МАЪЛУМОТ

Йиллар	Галла экилган майдон, га	Экилган селекцион нави номи	Галла (бугдой) етиштириш ва сотиш						Арпа етиштириш ва сотиш								
			Ишлаб чиқарилди		Шу жумладан, давлатга топшириш				Ишчиларга иш ҳақида тарқатилди, кг	Экилган майдони, га	Ишлаб чиқарилди, тонна	Шу жумладан, давлатга сотиш		Бошқа эҳтиёжларга берилди			
			ц/га	ялли ҳосил, тонна	Режа	Амалда		Шу жумладан, уруғлик				режа, тонна	амалда, тонна	олинган даромад, сўм	тонна	олинган даромад, сўм	
2009																	
2010																	
2011																	
2012																	
2013																	
2014																	
2015																	
2016																	
2017																	
2018																	
2019																	
2020																	

Фермер хўжалигида етиштирилган шולי ва маккажўхорини сотиш ва ундан келтирилган даромадлар ҳақида

МАЪЛУМОТ

Йиллар	Шоли етиштириш ва сотиш							Маккажўхори етиштириш ва сотиш											
	Экилган майдон, га	Экилган селекцион нави номи	Ишлаб чиқарилди, тонна	Шу жумладан, давлатга сотиш			Иш ҳақига ишчиларга берилди, тонна	Экин майдонига %	Ишлаб чиқарилди		Шундан сотиш			Қуқ поя ишлаб чиқарилди		Шундан сотилди			
				режа, тонна	амалда, тонна	шундан уруғликка берилди, тонна			олинган даромад, сўм	ц/га	тонна	режа, тонна	амалда, тонна	сотишдан олинган даромад, сўм	ц/га	ялли, тонна	бошқа хўжалик ва ташкилотларга, тонна	ишчиларга, тонна	олинган даромад, сўм
2009																			
2010																			
2011																			
2012																			
2013																			
2014																			
2015																			
2016																			
2017																			
2018																			
2019																			
2020																			

Фермер хўжалигида сабзавот ва картошка экинлари етиштириш ва ундан келган даромадлар ҳақида

МАЪЛУМОТ

Йиллар	Сабзавот экинларини етиштириш ва сотиш							Картошка етиштириш ва сотиш											
	Экин майдон, га	Ишлаб чиқарилди			Шу жумладан, турлари буйича, тонна				Сотиш			Экин майдони, га	Ишлаб чиқариш, тонна				Сотиш		
		режа, тонна	амалда, тонна	ц/га	ялли, тонна	помидор	карам	пиёз	бошқа сабзавотлар	режа, тонна	амалда, тонна		олинган даромад, сўм	режа, тонна	ялли, тонна	ц/га	ялли, тонна	режа, тонна	амалда, тонна
2009																			
2010																			
2011																			
2012																			
2013																			
2014																			
2015																			
2016																			
2017																			
2018																			
2019																			
2020																			

Фермер хўжалигида узум ва мевали боғ маҳсулотлари етиштириш ва ундан олинган даромадлар ҳақида

МАЪЛУМОТ

Йиллар	Узум етиштириш ва сотиш										Мева етиштириш ва сотиш											
	Экин майдони, га	Шундан ҳосилга киргани, га	Ишлаб чиқарилди				Узум сотиш				Бошқа истеъмолчиларга сотилди, тонна	Фермер ишчи ҳолимларига сотилди, тонна	Жами олинган даромад, сўм	Мевали дарахтзор майдони, га	Шундан ҳосилга киргани, га	Ишлаб чиқарилди, тонна	Сотиш, тонна			Ишчиларга сотилди, тонна	Жами олинган даромад, сўм	
			режа		амалда		режа, тонна	амалда, тонна	олинган даромад, сўм	режа							амалда	олинган даромад, сўм				
			ц/га	ялли, тонна	ц/га	ялли, тонна																
2009																						
2010																						
2011																						
2012																						
2013																						
2014																						
2015																						
2016																						
2017																						
2018																						
2019																						
2020																						

Фермер хўжалигида қовун-тарвуз ва беда пичани етиштириш ва ундан келган даромад ҳақида

МАЪЛУМОТ

Йиллар	Қовун-тарвуз етиштириш ва сотиш						Беда етиштириш										
	Экин майдони, га	Ишлаб чиқариш		Сотиш, тонна			Ишчи ва бошқа истеъмолчиларга, сотилди, тонна	Жами олинган даромад, сўм	Экин майдони, га	Шундан 3 йиллик беда, га	Беда пичани ишлаб чиқариш, тонна				Фермер ўз чорвасига ишлатди, тонна	Четга сотилди, тонна	Жами олинган даромад, сўм
		режа, тонна	амалда, тонна	режа	амалда	олинган даромад, сўм					Режа		Амалда				
											ц/га	ялли ҳосил	ц/га	ялли ҳосил			
2009																	
2010																	
2011																	
2012																	
2013																	
2014																	
2015																	
2016																	
2017																	
2018																	
2019																	
2020																	

Фермер хўжалигида асосий ёки такрорий усулда экилган мош, ерёнғоқ, кунжут ва зиғир етиштириш ва улардан олинган даромадлар ҳақида

МАЪЛУМОТ

Йиллар	Мош етиштириш				Ерёнғоқ етиштириш				Кунжут етиштириш				Зиғир			
	Экин майдони, га	Ҳақиқатда ҳосил олинди, тонна		Сотилди, тонна	Олинган даромад, сўм	Экин майдони, га	Ҳақиқатда ҳосил олинди, тонна		Сотилди, тонна	Олинган даромад, сўм	Экин майдони, га	Ҳақиқатда ҳосил олинди, тонна		Сотилди, тонна	Олинган даромад, сўм	
		ц/га	ялли ҳосил				ц/га	ялли ҳосил				ц/га	ялли ҳосил			ц/га
2009																
2010																
2011																
2012																
2013																
2014																
2015																
2016																
2017																
2018																
2019																
2020																

Фермер хўжалигига қарашли чорва моллари бош сони, маҳсулдорлиги ва шартномавий режаларда белгиланган маҳсулотларни соғишдан келган даромадлар ҳақида

МАЪЛУМОТ

Йиллар	Қорамоллар							Қуй ва эчкилар								
	Умумий бош сони	Шу жумладан, соғин сизирлар бош сони	Маҳсулдорлиги, литр		Сут топшириш		Гўштга топшириш			Умумий бош сони	Шу жумладан, қўйлар бош сони	Гўштга топшириш		Жун топшириш		
			бир йилда	ўртача бир сизирга	режа, литр	амалда, литр	олинган даромад, сўм	режа, кг	амалда, кг			олинган даромад, сўм	режа, кг	амалда, кг	олинган даромад, сўм	ҳақиқатда, кг
2009																
2010																
2011																
2012																
2013																
2014																
2015																
2016																
2017																
2018																
2019																
2020																

Фермер хўжалигининг қўшимча тармоқлари — пиллачилик,
паррандачилик ва асаларичиликдан келтирилган даромадлар ҳақида

М А Ъ Л У М О Т

Йиллар	Товуқчилик (парранда)				Асаларичилик					Пиллачилик						
	Умумий бош сони	Шу жумладан, она товуқлар бош сони	Тухум топшириш		олинган даромад, сўм	оила ёки қўти сони	ўртача бир қўтидан олинган асал, кг	Асал сотиш		олинган даромад, сўм	урчирилган қўти, дона	ўртача бир қўтидан олинган пилла, кг	Пилла сотиш			
			режа, дона	амалда, дона				режа, кг	амалда, кг				олинган даромад, сўм			
2009																
2010																
2011																
2012																
2013																
2014																
2015																
2016																
2017																
2018																
2019																
2020																

Фермер хўжалигининг маъданли (минерал) ўғитлар ва ёқилғи мойлаш материалларига қилган харажатлари ҳақида

М А Ъ Л У М О Т

Йиллар	Минерал ўғитлар сотиб олиш								Ёқилғи мойлаш материалларини сотиб олиш							
	Азотли		Фосфорли		Калийли		Жами минерал ўғит		Дизел ёқилғиси		Бензин		Автол (ёғ)		Жами сотиб олинди	
	миқ- дори, кг	қий- мати, сўм	миқ- дори, кг	қий- мати, сўм	миқ- дори, кг	қий- мати, сўм	миқ- дори, кг	қий- мати, сўм	миқ- дори, кг (литр)	қий- мати, сўм	миқ- дори, кг (литр)	қий- мати, сўм	миқ- дори, кг (литр)	қий- мати, сўм	миқ- дори, кг (литр)	қий- мати, сўм
2009																
2010																
2011																
2012																
2013																
2014																
2015																
2016																
2017																
2018																
2019																
2020																

Фермер хўжалигининг машина-трактор парки ва ўсимликларни ҳимоя қилиш хизматларининг
бажарган ишларига сарфлаган маблағлари ҳақида

МАЪЛУМОТ

Йиллар	Машина-трактор парки (МТП) хизмати							Ўсимликларни ҳимоя қилиш хизмати							Ҳашаротга биологик усул билан қарши курашиш			
	Ерни экишга тайёрлаш		Ғузага ишлов бериш		Техникани таъмирлаш		Ғалла уриш ишлари		МТП хизматига жами бўлган, харажатлар минг сўм	Шира, трипс ва ургимчакканага қарши		Қандала ҳашаротига қарши		Қусак қурти ва қора ширага қарши		Жами бу хизматга туланган минг сўм	иш ҳажми, га	туланган пул сўм
	иш ҳажми, га	туланган пул, сўм	иш ҳажми, га	туланган пул, сўм	техника сони	туланган пул, сўм	иш ҳажми, га	туланган пул, сўм		иш ҳажми, га	туланган пул, сўм	иш ҳажми, га	туланган пул, сўм	иш ҳажми, га	туланган пул, сўм			
2009																		
2010																		
2011																		
2012																		
2013																		
2014																		
2015																		
2016																		
2017																		
2018																		
2019																		
2020																		

Фермер хўжалигининг олган уруғлик жамғармалари ва уларга туланган харажатлари ҳақида

МАЪЛУМОТ

Йиллар	Уруғлик чигит ажратиш, кг			Уруғлик ғалла (буғдой) ажратиш, кг			Бошқа уруғлик олинди			Жами уруғликка туланди, сўм
	экилган майдон, га	килограмм	чигитга туланган, сўм	экилган майдон, га	килограмм	Уруғлик (буғдой)га туланган, сўм	экилган майдон, га	килограмм	туланган, сўм	
2009										
2010										
2011										
2012										
2013										
2014										
2015										
2016										
2017										
2018										
2019										
2020										

Фермер хўжалигининг йил давомида қилган харажатлари даромади, соф фойда ва зарари ҳақида

М А Ў Л У М О Т

Йиллар	Фермер хўжалиги ишчиларига иш ҳақи						Хизмат қилувчи муассасасга тўланган, сўм			Белгиланмаган харажат-ларга кетган маблаг, минг сўм	Солик тўловларига ажратилган маблаг, минг сўм	Фермер хўжалигининг илтиқ даромади, минг сўм	Фермер хўжалигининг барча харажатлари, минг сўм	Фермер хўжалигининг банкдан кредит қарзлари, минг сўм	Фермер хўжалигининг ийлиқ фойда ва зарари		
	Иш ҳақи ва мукофот						фермерлар ўқимасига	сўлан фойдаланувчи ўқимасига	соф фойдаси, минг сўм						келиринан зарари, минг сўм		
	Ишловчилар сон	ўртача бир кишига, сўм	бир оиға тўланган иш ҳақи, сўм	бир илтиқ берилган иш ҳақи, сўм	беришган мукофот, сўм	жами бир илтиқ тўланган, минг сўм											
2009																	
2010																	
2011																	
2012																	
2013																	
2014																	
2015																	
2016																	
2017																	
2018																	
2019																	
2020																	

Фойдаланилган адабиётлар

1. *И. А. Каримов*. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. — Тошкент: «Ўзбекистон» нашриёти, 1995 йил.

2. *И. А. Каримов*. Ислоҳотлар стратегияси — мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. — Тошкент, «Ўзбекистон», 2003 йил.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 ноябрдаги «1999—2000 йилларда пахта навларини янгилаш ва жойлаштириш туғрисида»ги 491-сонли қарор материаллари.

4. *Автономов А.И., Козиев Ш.З., Шлейхер А.И.* ва бошқалар. «Хлопководство». Москва, 1983 йил.

5. *Бабушкин Л.Н.* «Агроклиматическое районирование хлопковой зоны Средней Азии». Ленинград, 1960 йил.

6. Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати туғрисида миллий ҳисобот. Тошкент, 2006 йил.

7. Ўзбекистон қишлоқ хўжалик экинлари давлат реестрига киритилган ва истиқболли ғуза навларини етиштириш агротехникаси. Тошкент, 2007 йил.

8. *Юлдашев С.Х., Имомалиев А.И.* ва бошқалар. «Справочник по хлопководству». Тошкент, 1981 йил.

9. *Мухамеджанов М., Закиров А.* «Ғуза агротехникаси». Тошкент, 1988 йил.

10. *Холмуродов Н.* Пахтадан мўл ҳосил етиштириш йўллари (қўлланма). Термиз, 2005 йил. «Оффис Маркет-Термиз».

11. Сурхондарё вилояти ғуза ва галлани зараркунанда касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш. Тошкент, 2005 йил.

12. *Назаров Р., Аҳмедов Ж., Қўзибоев Ш., Бобоев Я., Омонтурдиев А.* Пахтачиликни ривожлантириш истиқболлари. Тошкент, 2005 йил.

13. *Неъматов Х.* Уруғчилик равнақи. Ғ. Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2007 йил.

14. *Неъматов Х.* Пахта уруғчилигининг илмий асослари. Ғ. Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2005 йил.

15. *Баҳромов К., Холмуродов Н.* ва бошқалар. «Ғуза навлари ва уларни етиштириш хусусиятлари». Тошкент, 1990 йил.

16. **Козубаев Ш.С.** Оптимизация семяноводства в условиях рынка. Тошкент, 2005 йил.

17. **Муҳаммадиев Б.** Ширкат ва фермер хўжаликларидан органик ҳамда минерал ўғитлардан фойдаланиш. Тошкент, «Янги аср авлоди», 2005 йил.

18. Пахтачиликда маъдан ва маҳаллий ўғитларни қўллаш бўйича тавсиялар. Тошкент, 2003 йил.

19. «Уруғлик учун экилган майдонларда ғуза апробация-сини ўтказишга оид қўлланма». Тошкент, 2002 йил.

20. **Хуррамов Ш., Холмуродов Н.** Ғуза битлари ва уларга қарши курашиш чоралари. «Оффис-маркет-Термиз», 2005 йил.

21. «Пахта териш ва тайёрлаш бўйича йуриқнома». Тошкент, 1994 йил.

22. «Пахта териш ва тайёрлаш бўйича йуриқнома». Тошкент, 2004 йил.

23. «Уруғлик пахта техникавий шартлар». Ўздавстандарт (O'z Dst 604—2001).

24. «Пахта техникавий шарт», O'z Dst 615-94.

25. «Уруғлик чигит техникавий шартлар», O'z Dst 663-96.

М у н д а р и ж а

<i>Муқаддима</i>	7
Тупроқ унумдорлиги ва унинг аҳамияти	9
Ерни шудгорлаш	12
Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унинг шурини ювиш ва тупроқда нам тўплаш	14
Республикада экилаётган ғуза навлари ва уларни тўғри жойлаштириш	22
Уруғлик чигитларни ғузанинг касаллик ва зараркунандаларига қарши дорилаш ва экиш учун хўжаликларга етказиб бериш	34
Ерни чигит экишга тайёрлаш ва экишни уюшқоқлик билан ўтказиш	46
Бир текис ғуза кўчати олишга эришиш ва тўлиқ гектар бўлишини таъминлаш	53
Ғуза қатор ораларига ишлов бериш ва бегона ўтларга қарши курашнинг аҳамияти	59
Ғуза суғоришни сифатли амалга ошириш	64
Ғузани маъданли ва маҳаллий ўғитлар билан озиклантириш	74
Ғузани чилпиш	83
Ғузанинг ривожланишида самарали иссиқлик ҳароратининг аҳамияти	85
Ғуза зараркунандалари ва уларга қарши кураш чоралари	88
Уруғчилик ишларини тўғри ташкил қилиш	99
Ғуза дефолиацияси	106
Сифатли пахта толаси олиш, ҳосилни йиғиштириш, уни қабул қилиш масканларига топшириш ва сақлашни ташкил қилиш	108
Бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳақида	118
Якуний фикр ва тавсиялар	120
<i>Фойдаланилган адабиётлар</i>	141

НОРМУРОД ХОЛМУРОДОВ

**ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕРИНИНГ МЎЛ
ВА СИФАТЛИ ПАХТА ҲОСИЛИ
ЕТИШТИРИШГА ОИД ҚЎЛЛАНМАСИ**

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2009

Муҳаррирлар: *И. Шоймардонов, М. Сапаров*
Бадий муҳаррир *М. Самойлов*
Техник муҳаррир *Р. Бобохонова*
Мусахҳиҳ *А. Зокиров*
Саҳифаловчи *Л. Бацева*

Чоп этишга рухсат берилди 03.11.2009. Бичими 84x108^{1/32}. «Таймс»
гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма тобоғи 7,56. Нашриёт-ҳисоб
тобоғи 6,89. Адади 6000 дона. Буюртма № 684. Баҳоси шартнома
асосида.

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси.
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.



Нормурод Холмуродов 1938 йилда Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманида туғилган. Кўп йиллар давомида пахтачилик соҳасида раҳбарлик лавозимларида ишлаган. Пахтачиликка оид бир неча китоблар, шунингдек, ғўзанинг «Термиз-14», «Термиз-16» навлари муаллифи. Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, Бегуний номидаги Давлат мукофоти лауреати. 2002 йилдан «Сурхонпахтасаноат» бирлашмасида хўжаликларни сифатли уруғлик чигит билан таъминлаш ва вилоятда соҳа уруғчилигини яхшилашга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. У вилоят «Пахтачилик кенгаши»нинг раиси ҳамдир.



ISBN 978-9943-00-230-2



9 789943 002302